

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА  
ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ  
ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ





# ТАСВИРИЙ САНЪАТ ВА МУҲАНДИСЛИК ГРАФИКАСИ (Тасвирий санъат)

Олий таълимда тасвирий санъат  
фанларини ўқитиш методикаси

МОДУЛИ БЎЙИЧА

## ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА



ТОШКЕНТ-2019

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАЎБАР КАДРЛАРИНИ  
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ  
ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИДАГИ  
ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАУЛАРНИНГ  
МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ**

**“ТАСВИРИЙ САНЪАТ ВА МУЎАНДИСЛИК ГРАФИКАСИ  
(Тасвирий санъат)  
йўналиши**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМДА ТАСВИРИЙ САНЪАТ  
ФАНЛАРИНИ ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИ**

**модули бўйича**

**Ў Қ У В – У С Л У Б И Й М А Ж М У А**

**Тошкент – 2019**

**Модулнинг ўқув-услубий мажмуаси Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими ўқув-методик бирлашмалари фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашининг 2019 йил 18 октябрдаги 5 – сонли баённомаси билан маъқулланган ўқув дастури ва ўқув режасига мувофиқ ишлаб чиқилган.**

**Тузувчи:** Низомий номли ТДПУ Тасвирий санъат ва уни ўқитиш методикаси кафедрасининг доценти, п.ф.н. С.Ф.Абдирасилов

**Такризчилар:** К.А.Ясавий номидаги Халқаро Қозоқ-Турк университети, тасвирий санъат кафедраси мудирини, профессор, п.ф.д. К.Ералин  
К.Беҳзод номидаги МРДИ “Маҳобатли рангтасвир” кафедраси профессори Бекмиров Чори Джумаевич

*Ўқув дастури Тошкент давлат педагогика университети Кенгашининг қарори билан тасдиққа тавсия қилинган (2019 йил 30 августдаги 1/3.5.- сонли баённома)*

## МУНДАРИЖА

I. ИШЧИ ДАСТУР .....	5
II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАР.....	11
III. НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ.....	24
IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР.....	57
V. КЕЙСЛАР БАНКИ.....	105
VII. ГЛОССАРИЙ.....	119
VII. ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....	134

## **I. ИШЧИ ДАСТУР КИРИШ**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2015 йил 12 июндаги ПФ-4732-сон Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 20 августдаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 242-сонли Қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 августдаги ПФ-5789-сон Фармони ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 сентябрдаги 797-сон Қарорига мувофиқ олий таълим тизими раҳбар ва педагог кадрларини малака оширишнинг янги узлуксиз тизими, “Педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш ҳақидаги Низом” талаблари асосида ишлаб чиқилган “Педагогика” ҳамда “Математика” таълим соҳалари бўйича педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёргарлиги ҳамда компетентлигига қўйилган малака талабларидан келиб чиққан ҳолда олий таълим тизимида тасвирий санъат фанларидан ўқув машғулотлари олиб бораётган педагоглар методик тайёргарлигини педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курси модуллари қаторида “Олий таълимда тасвирий санъат ўқитиш методикаси” ўқув модули ёрдамида такомиллаштириш режалаштирилган.

Дастур олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касбий тайёргарлиги даражасини ривожлантириш, уларнинг илғор педагогик тажрибаларни ўрганишлари ҳамда замонавий таълим технологияларидан фойдаланиш бўйича малака ва кўникмаларини такомиллаштиришни мақсад қилади.

Дастур доирасида берилаётган мавзулар тингловчиларнинг замонавий инновацион таълим технологиялари ва уларнинг турларини билишлари, талаба шахси ва унинг хусусиятини ҳисобга олган ҳолда таълимда индивидуаллик ва дифференциал ёндашувга эришувлари ва таълим жараёнларида муаммоли таълим, ҳамкорлик технологияси ва интерфаол усулларни амалда қўллай олишлари, ахборот технологияларидан таълим-тарбия жараёнида самарали фойдалана олиш кўникмаларига эга бўлишларини таъминлашга қаратилган.

**Модулни ўқитишдан мақсад** – Таълим тизимининг ислоҳ қилиниши туфайли унинг мазмунини тубдан янгилашга ва таълим жараёнини замонавий

талаблар даражасида ташкил қилиш ҳамда сифат самарадорлигини кўтариш зарур бўлиб қолди.

Тасвирий санъат фанларини ўқитишда билим заҳираларини яратиш жаҳон амалиёти савиясида ташкил этиш, кадрлар тайёрлашда ўқитишнинг замонавий педагогик ва ахборот технологияларидан фойдаланиш кўникмаларини такомиллаштириш, педагогик таълим олувчи шахсда мустақил фикрловчи, билимларни мустақил равишда қидирувчи, ахборотлар тўпловчи ва улардан фойдалана олувчи мутахассисларнинг касбий тайёргарлигини орттириш, педагогик тафаккурини кенгайтириш каби зарур назарий ва амалий билим, малака ва кўникмаларини тингловчиларда шакллантириш лозим бўлади.

**“Олий таълимда тасвирий санъат фанларини ўқитиш методикаси” модулининг вазифалари:**

- замонавий фан ютуқларини амалиётга тадбиқ эта олиши, муаммони ечишга ижодий ёндашиши;

“Тасвирий санъат” йўналишида педагог кадрларнинг касбий билим, кўникма, малакаларини узлуксиз янгилаш ва ривожлантириш механизмларини яратиш;

- замонавий талабларга мос ҳолда олий таълимнинг сифатини таъминлаш учун зарур бўлган педагогларнинг касбий компетентлик даражасини ошириш;

- педагог кадрлар томонидан замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва хорижий тилларни самарали ўзлаштирилишини таъминлаш;

- махсус фанлар соҳасидаги ўқитишнинг инновацион технологиялари ва илғор хорижий тажрибаларни ўзлаштириш;

- “Тасвирий санъат” йўналишида ўқув жараёнини фан ва ишлаб чиқариш билан самарали интеграциясини таъминлашга қаратилган фаолиятни ташкил этиш.

**Тингловчиларнинг методик билим, кўникма ва малакаларига қўйиладиган талаблар**

“Олий таълимда тасвирий санъат фанларини ўқитиш методикаси” модулини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар юзасидан

**Тингловчилар:**

- тасвирий санъат фанларини ўқитишнинг методологик асосларини;

- “тасвирий санъат фанларини ўқитишнинг методологик тамойиллари ва хусусиятларини;

- “тасвирий санъат фанларининг бошқа фанлар билан ўзаро алоқалари, тадқиқот методларини;

- “тасвирий санъат фанларини ўқитиш методикасининг ҳозирги аҳволи, уни такомиллаштириш йўллари;
  - “тасвирий санъат фанлари бўйича ўқитиш воситаларини;
  - ўқитиш мазмунига оид ахборотларни қайта ишлаш, умумлашгтириш ва талабалар онгига етказиш йўллари **билимларига** эга бўлиши лозим.

**Тингловчи:**

- олий таълим муассасаларида тасвирий санъат фанларини ўқитиш олдидаги долзарб муаммолари ва уларни ҳал этиш;
  - тасвирий санъат ўқитувчисининг касбий ва илмий методик тайёргарлигининг таркибий қисмлари;
  - замонавий тасвирий санъат машғулотларига қўйиладиган талаблар, тасвирий санъатдан ташкил этиладиган маърузаларнинг типлари ва турлари;
  - тасвирий санъатни ўқитишга тизимли ёндашув, машғулотлар ва аудиториядан ташқари машғулотларни ташкил этиш ва ўтказиш йўллари;
    - олий таълим муассасаларида тасвирий санъат фанларини ўқитиш бўйича маъруза, амалий ва семинар машғулотларида талабаларнинг билиш фаолиятини ташкил этиш ва бошқариш **кўникма ва малакаларини** эгаллаши зарур.

**Тингловчи:**

- талабаларнинг мустақил ишлари ва таълимни ташкил этиш, уларни илмий-тадқиқотларга йўналтириш;
  - тасвирий санъат фанларини ўқитишда замонавий инновацион технологияларидан уйғунлаштирилган ҳолда фойдаланиш **компетенцияларни** эгаллаши лозим.

**Модулнинг ўқув режадаги бошқа фанлар билан боғлиқлиги ва узвийлиги**

Модул мазмуни ўқув режадаги “Тасвирий санъат фанларининг тараққиёт тенденциялари ва инновациялари”, “Ўзбекистон Республикаси Президенти асарларида жамият ривожини ва таълим-тарбия масалалари”, “Таълим-тарбия жараёнларини ташкил этишнинг қонунчилик нормалари”, “Электрон педагогика асослари ва педагогнинг шахсий, касбий ахборот майдонини лойиҳалаш”, ҳамда “Таълимда илғор хорижий тажрибалар” каби ўқув модуллари билан узвий боғланган ҳолда тингловчиларнинг касбий педагогик тайёргарлик даражасини орттиришга хизмат қилади.

**Модулнинг олий таълимдаги ўрни**

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар педагогик касбий компетентликни ошириш, педагогик маҳоратга эга бўлиш, педагогик тажрибаларини бойитиш, касбий фаолиятга ижодий ёндашиш, ўз устида

ишлаш, касбий такомилга етишиш, ўз-ўзини фаоллаштириш ва ўзида педагогик техникани ривожлантириш орқали таълимнинг сифат ва самарадорлигини юқори босқичга кўтаришга имкон берувчи кўникма, малакаларига эга бўлади.

### Модул бўйича соатлар тақсимооти

Модулни ўқитиш учун 16 соат ҳажмда ўқув юкланмаси ажратилган бўлиб, унинг 6 соати маъруза, 10 соати амалий машғулотлар учун мўлжалланган.

№	Модул мавзулари	Тингловчининг ўқув юкланмаси, соат				Мустақил таълим
		Ҳаммаси	Аудитория ўқув юкланмаси			
			Жами	жумладан		
			Назарий	Амалий машғулот		
1.	Тасвирий санъат фанининг илмий-бадий таракқиётдаги ўрни ва аҳамияти.	2	2	2		
2.	Тасвирий санъатда бадий мактабнинг шаклланиши.	2	2	2		
3.	Тасвирий санъат дарсларида педагогик ва ахборот технологияларидан фойдаланиш воситасида бадий таълим сифати ва самарадорлигини ошириш.	4	4		4	
4.	Тасвирий санъат таълимнинг хорижий тадқиқотлар контекстидаги методик тизими	4	4	2	2	
5.	Тасвирий санъат фанларини ўқитишда талабалар мустақил таълимини ташкил этиш	4	4		4	
<b>Жами:</b>		<b>16</b>	<b>16</b>	<b>6</b>	<b>10</b>	

### НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

**1-мавзу. Тасвирий санъат фанининг илмий-бадий таракқиётдаги ўрни ва аҳамияти.**

Тасвирий санъат фанларининг қисқача ривожланиш тарихи.



Ўзбекистон тасвирий санъат фанини ўқитиш методикасининг шаклланиши ва ривожланиши ва уларни амалиётдаги аҳамияти.

### **2-мавзу. Тасвирий санъатда бадиий мактабнинг шаклланиши.**

Бадиий мактаб ва Академиянинг пайдо бўлиш тарихи. Леонардо да Винчи тизими асосида академик қаламтасвирни ўқитиш методикаси. А.П.Лосенко бадиий таълим мазмуни ва методлари. Ака-ука Караччиларнинг академик таълим тизимининг шаклланиши. Рассом-педагог А.Сапожников, қаламтасвирни ўқитишда унинг илмий-методик ишларининг ўрни. П.П.Чистяковнинг педагогик тизими. Д.Н.Кардовскийнинг қаламтасвирни ўргатиш методикасига қўшган ҳиссаси.

### **3-мавзу. Тасвирий санъат таълимининг хорижий тадқиқотлар контекстидаги методик тизими.**

Тасвирий санъат таълимининг хорижий тадқиқотлар контекстидаги методлари ва воситалари. Пранг, Тедд, Аугсбург методик тизими. Тасвирий санъат ижодиётида болаларнинг ривожда биогенетик концепцияси (К.Риччи, Г.Кершенштейнер, К.Лампрехт).

## **АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ**

Амалий машғулотлар жараёнида тингловчилар мустақил мавзулар асосида **“Олий таълимда тасвирий санъат фанларини ўқитиш методикаси”** модулидан маъруза машғулотларида ўзлаштирган назарий билимларини намоён этиш билан бирга тавсия этилган адабиётлар, Интернет материаллари ёрдамида ОТМ ва педагог фаолияти, шунингдек, тингловчилар касбий компетентлиги сифатини баҳолашга доир тегишли кўникма, малакаларни ўзлаштиради. Тингловчиларнинг хоҳиш-истакларидан келиб чиққан ҳолда амалий машғулотлар давра суҳбати, баҳс-мунозара, беллашув, тақдимот, мини тадқиқот, ишчанлик ўйинлари, викторина каби шаклларда илғор педагогик технологияларга асосланган ҳолда ташкил этилади.

### **1-амалий машғулот: Тасвирий санъат дарсларида ахборот технологияларидан фойдаланиш воситасида бадиий таълим сифати ва самарадорлигини ошириш (4 соат).**

Тасвирий санъат фанларини ўқитишда талабаларнинг билимини баҳолаш ва дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмалар ҳамда электрон ишланмалар яратиш. Тасвирий санъат дарсларида ахборот технологияларидан самарали фойдаланиш.

### **2-амалий машғулот: Тасвирий санъат таълимининг хорижий тадқиқотлар контекстидаги методик тизими таснифи (2 соат).**

Бадиий мактабдаги кенг тарқалган таълим методлари: коллектив ўқитиш методи, лаборатория-гуруҳли метод ва лойиҳали метод.

### **3-амалий машғулот: Тасвирий санъат фанларини ўқитишда талабалар мустақил таълимни ташкил этиш(4 соат).**

Олий ўқув юртларида тасвирий санъат фанларини ўқитиш жараёнини ташкиллаштириш технологиялари. Мустақил таълимни ташкил этиш жараёнида тавсия этиладиган мавзулар бўйича тақдимот, схема, жадвал, диаграмма, кейс, буклет, плакат, ҳисобот, кроссворд, скандворд, ребус,

анаграмма, альбом, мақола, реферат, тарқатма материал ва б. ижодий ишланмалар.

### **ЎҚИТИШ ВОСИТАЛАРИ**

- **жиҳозлар ва ускуналар, мосламалар:** электрон доска-Hitachi, LCD-монитор, электрон кўрсатгич (указка), кодоскоп, флипчарт, доска, бўр, маркерлар, магнитлар, А2, А3, А4 қоғозлари;

- **видео-аудио ускуналар:** видеопроектор, видео ва аудиомагнитофон, микрофон, колонкалар;

- **компьютер ва мультимедиали воситалар:** Интернет тизими, компьютер, Dell типдаги проектор, DVD-дискковод, Web-камера.

### **ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ**

Мазкур модул бўйича қуйидаги ўқитиш шаклларидан фойдаланилади:

- маърузалар, амалий машғулотлар (маълумотлар ва технологияларни англаб олиш, ақлий қизиқишни ривожлантириш, назарий билимларни мустаҳкамлаш);

- давра суҳбатлари (кўрилаётган лойиҳа ечимлари бўйича таклиф бериш қобилиятини ошириш, эшитиш, идрок қилиш ва мантиқий хулосалар чиқариш);

- баҳс ва мунозаралар (лойиҳалар ечими бўйича далиллар ва асосли аргументларни тақдим қилиш, эшитиш ва муаммолар ечимини топиш қобилиятини ривожлантириш).

## II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАР

Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда жаҳон таълим майдонига киришга йўналтирилган янги таълим тизими қарор топди. Бу жараён билан бир вақтда педагогик ўқув-тарбия жараёнининг назарияси ва амалиётида сезиларли ўзгаришлар содир бўлмоқда.

Педагогик технология - бу таълим шакллари оптимизациясини ўзига мақсад қилиб олган инсон ва техник ресурслари ва уларнинг ўзаро таъсирини ҳисобга олган ҳолда ўқитиш жараёнини ташкил этиш, қўллаш ва аниқлашнинг ҳамда билимларни ўзлаштиришнинг услубларидир.

Педагогик технология пайдо бўлгунга қадар таълим тизими доирасида таълим жараёнини етарли самарали лойиҳалаш қондаси ишлаб чиқилмаган. Педагогик технологиянинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, унда ўқув мақсадларига эришишда ўқув жараёни лойиҳалаштирилади ва амалга оширилади. Технологик ёндашув, энг аввало, юзалиқда эмас, балки режалаштирилган натижа олиш имконини берувчи конструктив, кўрсатмали схемада ўз ифодасини топади.

Мақсадга йўналтирилганлик, жараён натижаларини ташхисли текшириш, таълимни алоҳида ўргатувчи қисмларга бўлиб ташлаш ўқув жараёнининг қирраларини бугунги кунда таълимни қайта ишлаб чиқиш цикли ғоясига бирлаштириш имконини беради. У асосан ўз ичига қуйидагиларни олади.

- таълимда умумий мақсаднинг қўйилиши;
- тузилган умумий мақсаддан аниқ мақсадга ўтиш;
- педагогларнинг билим даражаларини дастлабки баҳолаш;
- бажариладиган ўқув ишларни мажмуаси;
- натижани баҳолаш.

Инновация масаласига алоҳида эътибор беришимизнинг бир неча муҳим сабаблари бор. Биринчидан, Президент Ислон Каримовнинг Ўзбекистонни мустақилликка олиб чиқиш ва мустақил тараққий топтириш йўли – “ўзбек модели” беҳад катта ва улкан, узоқ муддатли, энг устувор ва оламшумул умуммиллий инновацион лойиҳа ва дастуриламал бўлди. Иккинчидан, инновация, инновацион фаолият ҳамда инновацион тизим Ўзбекистоннинг ўз мустақиллиги учун курашда ва тараққиёт йўли – “ўзбек модели”нинг таркибий қисми йўналишларидан бири сифатида мустақиллик йилларида пайдо бўлди. Учинчидан, маълум бўлганидек, буларнинг ҳар иккаласи – “ўзбек модели” ва инновация ўзаро узвий боғлиқликда дунёга келди. Уларнинг бири иккинчисини мазмунан бойитди, жамиятга таъсирчанлигини оширди. Тўртинчидан, “ўзбек модели” ҳам, инновация ҳам фақат бир буюк мақсадга ҳизмат қилди ва қилмоқда. Бу Ватан ва миллатни мустақил қилиб, такомиллаштириш, жамият ривожини, илм-фани ва техника тараққиётини тезлаштиришдан иборат бўлди. Буларни тўла тўқис англаш, масаланинг мазмуни ва моҳиятини янада чуқурроқ ҳис қилиш учун энг аввало, инновация

ҳақида алоҳида тўхталишига эҳтиёж туғилмоқда. Чунки, бу мутлақо янги тушунча ва соҳа бўлиб, ҳали тўла-тўқис англанилганича йўқ.

“Ўзбекистон Миллий энциклопедияси”да кўрсатилишича, инновация қуйидагича мазмун ва тушунчаларга эга: “Инновация (инглизча *innovation* – киритилган янгилик, ихтиро) 1) техника ва технология авлодларини алмаштиришни таъминлаш учун иқтисодиётга сарфланган маблағлар; 2) илмий-техника ютуқлари ва илғор тажрибаларга асосланган техника, технология, бошқариш ва меҳнатни ташкил этиш каби соҳалардаги янгиликлар, шунингдек, уларнинг турли соҳалар ва фаолият доираларида қўлланиши”.

Бу энциклопедик қисқа маълумотда инновацияга умумий таъриф-тавсиф берилган. Асосан табиий фанлар, техника, технология, ишлаб чиқаришларга оид янгиликлар ёки умуман инсоний меҳнат фаолиятлари, янгиланишларига сабабчи бўладиган янгиликлар, янги интеллектуал билим, ғоя, назария ва таълимотлар назарда тутилган.

Инновация тушунчаси ва унинг мазмуни ҳам худди фан методологияси каби кенг – умумий ва тор, ҳусусий характерга эга.

Методология билан инновация ўртасида ўзаро умумжихатлик ва мақсад бирлиги мавжуд. Уларнинг ҳар иккаласи ҳам инсоний билимлар такомил топиши, ишлаб чиқариш ва жамият тараққиётига хизмат қилади. Шунинг ҳам айтиш керакки, ҳар қандай инновация ва инновацион лойиҳалар амалга оширилиши, ҳаётга тадбиқ этилишида аниқ бир методологик илмий ғоя, таълимот, назария, усул ва тамойилларга амал қилинсагина, улар рўёбга чиқади. Акс ҳолда, у куруқ, натижасиз ҳаракат бўлиб, қолади. Албатта, ҳар янгилик, яъни инновация остида янги ғоя ва технология ётади. Мана шу ишлаб чиқариш ёки бирор бир фан учун илмий методологик асос яъни йўл кўрсатувчи, даъват этувчи куч-қувват бўлади.

Методологик асос ва усуллар қанчалик илмий ҳақиқатга яқин бўлса, инновацион лойиҳа шунчалик муваффақият ва самара билан яқун топади.

Таълим-тарбия жараёнига инновацион технологияларни киритиш орқали ўқитувчи ўзини янги яратилаётган шароитга тайёрлаши керак бўлади. Тажрибали педагог олимларимиз ўз вақтини республикамизда жамланган бой тажрибаларга суяниб янги технологиялар яратишга, уларга инновацион технологияларни сингдириб, ўзимизнинг замонавий педагогик технологиямизни яратиш устида ҳамжихатлик билан илмий ва методик иш олиб боришга сарфлаши мақсадга мувофиқ бўлар эди. Яратилган ўзимизнинг замонавий инновацион педагогик технологиялар асосида “Инновацион мактаб”лар тизимини яратишга ўтиш зарур.

Бундай мактабларда барча предметларни ўқитишда ахборот-коммуникацион технологиялардан фойдаланилади. Шунда “ўқитувчи–ўқувчи” ўрнида “ўқитувчи–компьютер–ўқувчи” тизими ҳосил бўлади.

Таълим-тарбия жараёнига инновацион ёндашиш ўқувчиларда янги тажриба эгаллашга интилишни ривожлантириш, ижодкорлик ва танқидий фикрлаш, келажакка умид билан қараш каби хислатларни тарбиялайди.

Ахборот технологияларининг жадал ривожланиб бораётганлиги ва ўз ортидан янги имкониятлар очиб, таълим муассасалари ўқув жараёнига ҳам янги ёндашув талаб этилишига сабаб бўлаётганлигини гувоҳи бўлмоқдамиз.

Таълим жараёнида ахборот технологияларининг бир қатор дидактик имкониятлари мавжуд. Давримиз талаб эҳтиёжига кўра ахборот технологияларини таълим муассасалари ўқув жараёнини системалаштирувчи, боғловчи, амалий ташкилий омил сифатида қаралиши мумкин. Ахборот технологиялари кутубхоналар, ҳужжатлар ва ўқувчиларнинг ижодий ишлари каби ахборотлар жамланмаси, маълумотлар баъзасини тузиш, таълим жараёнини системалаштириш, ўқувчиларнинг амалий ижодий ишларини ташкил қилиш имконини беради.

Бу барча воситаларни ўқувчилар ўқитувчининг назорати остида, дарсда шакллантирган амалий кўникма, малакаларини амалга ошириш имкони беради.

Интернет тармоғи ўқувчиларга жуда кўп имкониятларни яратади. Интернет тармоғига чиқиш орқали назорат ишлари тарқатилиши ва маҳаллий электрон почтадан қабул қилиниши мумкин. Бундай кўринишдаги ишлар дарсда масофавий таълимнинг тармоқ шакллари моделилаштиришга ёрдам беради.

Кундан-кунга масофавий тармоқ курслари ва танловлари оммалашиб бормоқда. Ўқитувчи энди билим ахборотларини етказувчи ягона марказ эмас, компьютер технологияларини қўллаш билан масофавий таълим бериш ва олиш имкониятига эга бўлиб бормоқда.

Талабалар кўпинча Интернет тармоғи орқали ўз-ўзини ўқитиш билан қизиқиб шуғулланмоқдалар, ўз тенгдошлари билан мулоқотда бўладилар, умумий қизиқишларни топадилар. Бундай ишлар тармоқдаги ўзаро муносабатларни шакллантиради, Интернет тармоғи талабага телекоммуникация имкониятларини ҳис қилишни, бошқа мамлакатдаги тенгдошлари билан танишиш ва бирга ишлаш воситасига айланмоқда.

Ахборот технология воситалари талабага ўз тасаввурларини “электрон кўриниш”да намоён этиш ва ўз маҳсулотининг рақобатбардошлигини, ўз ғояларини оммавийлигини текшириш имконини беради. Талабага ҳақиқий қизиқарли ва ўзига хос ресурс яратиш учун у биринчи навбатда, барча маълумотларни ўрганиб чиқиши, унинг талаблари руҳиятининг хусусиятларини сезиши, ресурснинг янгиллигини белгилаши ва амалий аҳамиятини англаб етиши зарур. Буларнинг барчаси талабанинг ўз билимдонликларини шакллантиришга, унинг ҳаётдаги амалий йўналишини белгилашга сабаб бўлади.

## “Ақлий ҳужум” методи Ақлий ҳужум усули

Ақлий ҳужум (брейнстроминг - ақллар тўзони) – амалий ёки илмий муаммолар ечиш ғоясини жавоавий юзага келтириш.

### Ақлий ҳужум ва масалани ечиш босқичлари

1. Мустақил фикрланг хаёлингизга келган барча ғоя, фикрларни қоғозга ёзинг.
2. Барча ғоя ва фикрларни ёзинг, агар улар такрорланаётган бўлса, махсус белги қўйинг.
3. Ғояларни баҳоланг.
4. Энг мақбул ғоя гуруҳ ғояси сифатида шакллантиради.
5. Барча ёзилган ғоялар гуруҳ муаммосини ечиш
6. Гуруҳнинг умумий жавоби шакллантирилади.

**Методнинг мақсади:** мавжуд назарий билимлар ва амалий тажрибаларни таҳлил қилиш, таққослаш орқали муаммони ҳал этиш йўллари топишга, билимларни мустаҳкамлаш, такрорлаш, баҳолашга, мустақил, танқидий фикрлашни, ностандарт тафаккурни шакллантиришга хизмат қилади.

## “SWOT-таҳлил” методи.


<b>S – (strength)</b>	• кучли томонлари
<b>W – (weakness)</b>	• заиф, кучсиз томонлари
<b>O – (opportunity)</b>	• имкониятлари
<b>T – (threat)</b>	• тўсиқлар

**Намуна: Рассом ижодкорлар учун SWOT таҳлилини ушбу жадвалга туширинг.**

<b>S</b>	Рассом ким ? Бадий асар яратувчи.	Рассом бу тинмай изланувчи ижодкор инсон.
<b>W</b>	Умумбашарий аҳамиятга эга бўлган рассомлар.	Замонавий йуналишда ижод этаётган таниқли рассом А.Нуридинов асарларида севги, оила, садокатлик, тарбия ва жамиятдаги фалсафий тамойиллар асосида ижод этаётган ижодкорлардандир.
<b>O</b>	Рассомлар чизиқлар, шакллар, ранглар, тасвирий санъат воситалари ёрдамида бадий образли асар ярата оладиган инсонлар. (ички)	Улар тасвирий санъат воситалардан, чизиқлар, шакллар, тасвирий санъат воситалари билан тасвир орқали ўз ғоясини, фикрини баён эта оладилар.
<b>T</b>	Тўсиқлар (ташки)	Рассомларга эркинлик бўлмаса чизиқлар, шакллар, тасвирий санъат воситалари билан ўз асарларида тасвир орқали баён эта олмайдилар.

### “Балиқ скелети”

Натюрморт композициясини “Балиқ скелети” чизмаси Бир қатор муаммоларни тасвирлаш ва уни ечиш имконини беради. Тизимли фикрлаш, тузилмага келтириш, таҳлил қилиш кўникмаларини ривожлантиради.





**Мисол: “Рассом ижодкорлар” мавзусидаги матн. Биламиз. Билишни истаймиз? Билиб олдик. (БББ)**

Биламиз	Билишни истаймиз	Билиб олдик
1. Рассом янги ғояда асар яратадиган инсон.	1. Хар бир изланувчи инсонни рассом деб аташ мумкинми?	Илмий амалий изланишларни олиб борувчи, янги усул ва воситаларни қўллай оладиган инсонни рассом деймиз.
2. Рассомлар тасвирий воситалардан, чизиқлар шакллар, воситаларни ўз асарларида тасвир орқали баён эта оладиган инсонлар. Маънавий эстетик тарбияловчи	2. Дунёдаги ғоявий композицияларни тасвирла оладиган рассомлар қаторига кимларни киритса бўлади.	Р.Ахмедов тасвирлаган асарлар ҳозирги рассомлар учун амалий методик ўқув жараёнидаги ривожланишида фойдаланилмоқда.
3. Рассомлар асарида инсонларни маънавий-маърифий эстетик тарбияловчи инсонлардир.	3. Рассом бўлиш учун нима қилиш керак?	Ўрал Тансиқбоев манзараларини бутун ўзбекистондагина эмас балки европа давлатларида ҳам мароқ билан томоша қиладилар.
4. Рассом бу тинмай изланувчи инсон	4. Ижодий асарларни тасвирлашни паёни борми?	Абдулҳақ Абдуллаев портрет жанрида ижод этган таниқли рассомлардандур.
5. Умумбашарий аҳамиятга эга бўлган рассомлар.	5. Компютерда ижодий асар яратса бўладими ?	Замонавий йуналишда ижод этаётган таниқли рассом А.Нуридинов асарларида



		севги, оила, садоқатлик, тарбия ва жамиятдаги фалсафий тамойиллар асосида ижод этаётган ижкорлардандир.
6. Ўзбекистонлик рассомлар	Ўзбекистонда таниқли методик қўлланмалар, услубий қўлланмалар устида ишлаб келаётган таниқли рассом ва педагоглардан кимларни биласиз?	Ўзбекистонда таниқли методик қўлланмалар, услубий қўлланмалар устида ишлаб келаётган таниқли рассом ва педагоглардан: Б.Бойметов, М.Набиев, О.Эгамов, Р.Худайберганов, Р.Джалилова

## «Кейс-стади» методи

**«Кейс-стади»** - инглизча сўз бўлиб, («саце» – аниқ вазият, ходиса, «цtadi» – ўрганмоқ, таҳлил қилмоқ) аниқ вазиятларни ўрганиш, таҳлил қилиш асосида ўқитишни амалга оширишга қаратилган метод ҳисобланади. Мазкур метод дастлаб 1921 йил Гарвард университетида амалий вазиятлардан иқтисодий бошқарув фанларини ўрганишда фойдаланиш тартибида қўлланилган. Кейсда очик ахборотлардан ёки аниқ воқеа-ҳодисадан вазият сифатида таҳлил учун фойдаланиш мумкин. Кейс ҳаракатлари ўз ичига қуйидагиларни қамраб олади: Ким? (Who), Қачон? (When), Қаерда? (Where), Нима учун? (Why), Қандай? Қанақа? (How), Нима-натижа? (What).

### “Кейс методи” ни амалга ошириш босқичлари

Иш босқичлари	Фаолият шакли ва мазмуни
<b>1-босқич:</b> Кейс ва унинг ахборот таъминоти билан таништириш	<ul style="list-style-type: none"> <li>✓ якка тартибдаги аудио-визуал иш;</li> <li>✓ кейс билан танишиш(матнли, аудио ёки медиа шаклда);</li> <li>✓ ахборотни умумлаштириш;</li> <li>✓ ахборот таҳлили;</li> <li>✓ муаммоларни аниқлаш</li> </ul>
<b>2-босқич:</b> Кейсни аниқлаштириш ва ўқув топшириғни белгилаш	<ul style="list-style-type: none"> <li>✓ индивидуал ва гуруҳда ишлаш;</li> <li>✓ муаммоларни долзарблик иерархиясини аниқлаш;</li> <li>✓ асосий муаммоли вазиятни белгилаш</li> </ul>
<b>3-босқич:</b> Кейсдаги асосий муаммони таҳлил этиш орқали ўқув топшириғининг	<ul style="list-style-type: none"> <li>✓ индивидуал ва гуруҳда ишлаш;</li> <li>✓ муқобил ечим йўлларини ишлаб чиқиш;</li> <li>✓ хар бир ечимнинг имкониятлари ва</li> </ul>

ечимини излаш, ҳал этиш йўллари ишлаб чиқиш	тўсиқларни таҳлил қилиш; ✓ муқобил ечимларни танлаш
<b>4-босқич:</b> Кейс ечимини ечимини шакллантириш ва асослаш, тақдимот.	✓ яққа ва гуруҳда ишлаш; ✓ муқобил вариантларни амалда қўллаш имкониятларини асослаш; ✓ ижодий-лойиҳа тақдимотини тайёрлаш; ✓ якуний хулоса ва вазият ечимининг амалий аспектиларини ёритиш

### “Инсерт” методи.

**Методнинг мақсади:** Мазкур метод тингловчиларда янги ахборотлар тизимини қабул қилиш ва билмларни ўзлаштирилишини енгиллаштириш мақсадида қўлланилади, шунингдек, бу метод тингловчилар учун хотира машқи вазифасини ҳам ўтайди.

#### Методни амалга ошириш тартиби:

➤ ўқитувчи машғулотга қадар мавзунинг асосий тушунчалари мазмуни ёритилган инпут-матнни тарқатма ёки тақдимот кўринишида тайёрлайди;

➤ “Тасвирий санъат” бўйича янги мавзу моҳиятини ёритувчи матн таълим олувчиларга тарқатилади ёки тақдимот кўринишида намойиш этилади;

➤ таълим олувчилар индивидуал тарзда матн билан танишиб чиқиб, рангтасвир бўйича ўз шахсий қарашларини махсус белгилар орқали ифодалайдилар. Матн билан ишлашда тингловчилар ёки қатнашчиларга қуйидаги махсус белгилардан фойдаланиш тавсия этилади:


Белгилар	1-матн	2-матн	3-матн
“V” – таниш маълумот.			
“?” – мазкур маълумотни тушунмадим, изоҳ керак.			
“+” бу маълумот мен учун янгилик.			
“– ” бу фикр ёки мазкур маълумотга қаршиман?			

Белгиланган вақт якунлангач, таълим олувчилар учун нотаниш ва тушунарсиз бўлган маълумотлар профессор - ўқитувчи томонидан таҳлил қилиниб, изоҳланади, уларнинг моҳияти тўлиқ ёритилади. Саволларга жавоб берилади ва машғулот якунланади.

## “Брифинг” методи.

“Брифинг” - (инг. Briefing - қисқа) Рангтасвир бўйича бирор – бир масала ёки саволнинг муҳокамасига бағишланган қисқа пресс - конференция.

**Ўтказиш босқичлари:**



Брифинглардан тренинг яқунларини таҳлил қилишда фойдаланиш мумкин. Шунингдек, бирор бир асарни чизишдан олдин бир шакл сифатида олдин чизилган биор асар масалан: “Монализа” портретини олайлик тингловчилар билан бирга шу асар қачон ва ким томонидан яратилганлиги муҳокама қилинади ва бошқа рассомларни чизган портретитаҳлил қилинади. Талабалар ёки тингловчилар томонидан яратилган янги асар такдимоти ўтказилади.

### “Портфолио” методи.

“Портфолио” – ( итал. Portfolio - портфель, ингл. ҳужжатлар учун папка) таълимий ва касбий фаолият натижаларини аутентик баҳолашга хизмат қилувчи замонавий таълим технологияларидан ҳисобланади. Портфолио мутахассиснинг сараланган ўқув-методик ишлари, касбий ютуқлари йиғиндиси сифатида акс этади. Жумладан, ҳар бир тингловчиларнинг модул юзасидан ўзлаштириш натижасини электрон портфолиолар орқали текшириш мумкин бўлади. Олий таълим муассасаларида портфолионинг қуйидаги турлари мавжуд:

Фаолият тури	Иш шакли	
	Индивидуал	Гуруҳий
Таълимий фаолият	Талабалар портфолиоси, битирувчи, докторант, тингловчи портфолиоси ва бошқ.	Талабалар гуруҳи, тингловчилар гуруҳи портфолиоси ва бошқ.
Педагогик фаолият	Ўқитувчи портфолиоси, раҳбар ходим портфолиоси	Кафедра, факультет, марказ, ОТМ портфолиоси ва бошқ.

Ҳар бир тингловчи курс мобайнида ўзининг шахсий портфолиосини киритиб борадилар.

### Ўқитишнинг тўрт поғонали усули

Бу усул АҚШ да пайдо бўлиб саноат корхоналарида конвеерли ишлаб чиқариш кўпайган сари шундай ўргатиш усуллари зарур бўлиб қолдики, ишчилар бир хилда қайтариладиган қўл кўникмаларини иложи борича тез ва мукамал равишда ўрганиб олишлари керак эди.

Бу усулда амалий кўникмаларни ўзлаштириш жараёни 4 поғона доирасида кечади. Бу поғоналарнинг номи: «Тушунтириш», «Нима қилиш кераклигини кўрсатиб бериш», «Кўрсатилган тарзда қайтариш», «Машқ қилиш». Яъни амалиёт ўқитувчиси талабаларга аввал кичикроқ бир иш босқичини тушунтириб беради, кейин нима қилиш кераклигини қилиб кўрсатади. Сўнг талаба шу иш босқичини кўрсатилган тарзда қайтариши (имитация қилиши) керак. Талаба қайтариб қилаётган пайтида амалиёт ўқитувчиси хатоларини тўғрилаб туради (мақтайди ёки танқид қилади).

Ундай кейин эса шу иш босқичи машқ тарзида талаба уни мукамал ўзлаштиргунича кўп маротаба қайтарилади.

Бу усул психологияда асосланган бўлиб, бихевиоризм (яъни инсон ўзини тута олишига оид) назариялардан олинган.

### Тўрт поғона усули доирасидаги ҳаракатлар

4 поғона деб қуйидаги поғоналар аталади. Улар давомида бир амалиёт ўқитувчиси бир талаба ҳаракат қилади:

**1-поғона:** Амалиёт ўқитувчиси нима қилиш кераклигини тушунтиради. У талабаларга маълум бир иш босқичи ёки бир кўникмани қўллаш учун керакли барча маълумотларни беради. Талабалар эса амалиёт ўқитувчиси оғзаки тушунтиришларини тинглашади.

**2-поғона:** Амалиёт ўқитувчиси тушунтирилган иш босқичи қандай қилиниши кераклигини қилиб кўрсатади, талабалар эса қараб туришади. Одатда амалиёт ўқитувчиси нима қилаётгани ҳақида талабаларга изоҳлар бериб боради. Яъни бу ерда



### 4 поғонали усул



демонстрация (намойиш этиш) тушунчаси ҳам ишлатилиши мумкин.

**3-поғона:** Амалиёт ўқитувчиси кўрсатиб берган иш босқичини кўрсатилган тарзда қайтарадилар. Амалиёт ўқитувчиси улар қилаётган иш юзасидан ўз фикрини билдириб, хатоларни тўғрилаб туради.

**4-поғона:** Ҳар бир талаба иш босқичини кўрсатилган тарзда қайтариб, кўрганидан ва иш босқичини тўғри бажариш бўйича амалиёт ўқитувчисининг изоҳларни тушунганидан кейин, бу иш босқичи кўп мартаба машқ қилинади ва кераклигича, яъни мақбул натижага эришилмагунича такрорланади.

Бундан кейин амалиёт ўқитувчиси кейинги иш босқичига ўтади. Бу босқич ҳам 4 поғонадан иборат.

Бу 4 поғона усулининг асосий белгиси шуки :

- амалиёт ўқитувчиси томонидан бошқарилган назарий ва амалий маълумот бериш даврлари (фазалари) энг бошида туради сўнг эса талабаларнинг ҳаракатлари билан алмашинади;

- талабаларнинг ҳаракатлари амалиёт ўқитувчиси кўрсатиб берган ҳаракатлар доираси билан чекланган;

- талабалар индивидуал ўрганишга (ўзлаштиришга) йўналтириладилар лекин мустақил фикрлашга ҳақлари йўқ;

- иш ташкиллаштириши (иш тартиби) одатда ҳеч қандай янгича ёндашувларга йўл қўймайди.

### **Йўналтирувчи матн усули**

Йўналтирувчи матн усули ўтган асрнинг 70 йилларида Германияда, «Daimler Benz» корхонасининг Гаггенау шаҳридаги (Daimler Benz AG (Gaggenau) ўқув устахонаси томонидан ишлаб чиқарилган. Бу усул товуш ва тасвири презентациялар билан жиҳозланган мустақил ўрганиш дастурлари шаклидаги лойиҳавий касб-хунар таълимига қўшимча сифатида ишлаб чиқарилган.

Бошланғич шаклида бу усул касб-хунар таълими амалиётчилари томонидан ишлаб чиқарилган, кейинчалик эса назарий жиҳатдан асосланиб илмий асосда такомиллаштирилиб олий таълимда қўлланила бошланган.

Йўналтирувчи матн усулида қуйидаги 6 босқич фарқланади;

улар доирасимон ҳаракатда алмашишади:

- маълумот йиғиш;
- режалаштириш;
- қарор қабул қилиш;
- амалга ошириш;
- текшириш;
- хулоса чиқариш.

## Йўналтирувчи матн усули босқичлари



Бу босқичлар ҳаммаси талаба томонидан амалга оширилади. Бу усулни ишлаб чиқарилишига сабаб лойиҳалар устида иш билан боғлиқ ташкилий муаммолар эди, чунки ўқувчилар ҳар хил тезликда ишлашлари туфайли бутун гуруҳ учун инструктаж ўтказишга қулай вақтни топиш қийин эди. Бир талаба ҳаммадан тез ишлаб янги кўникмани ўрганишга тайёр бўлган бўлса, секинроқ ишлаган талабалар учун эса янги инструктажнинг фойдаси жуда кам эди. Қайтага янги инструктаж уларнинг ишларига халал бергандай ёки кераги йўқ тўхталиш каби туюлар эди. Яъни талабалар қизиқиши (мотивацияси) қисман барбод қилинади.

Йўналтирувчи матнлар ёрдами билан мустақил инструктаж имконияти пайдо бўлди ва ҳар бир талаба айнан унга янги кўникма учун билимлар керак бўлган пайтда шу билимларни олиши мумкин бўлди.

Энг биринчи йўналтирувчи матнлар - бу асли оғзаки равишда ўтказиладиган инструктажларнинг ёзма шакли эди. Лекин барибир барча махсус маълумотлар талабаларга иложи борича оғзаки берилар эди.

Бугунги кунда эса йўналтирувчи матнлар шундай тузилганки талабалар йўналтирувчи саволлар ёрдамида ўзлари керакли маълумотларни (китоб, жадвал, инструкция, видеокассеталар ёки компьютер дискларидан олиб) ишлаб чиқаришни ўрганишади.

Натижада ҳозир янги бир ўргатиш усули ва янги бир ўрганишни ташкиллаштириш тарзи вужудга келди. Унинг асосий белгиси - бу ўқувчи кўпроқ мустақил равишда ўрганишидир; амалиёт ўқитувчиси эса заифроқ талабалар билан кўпроқ шуғулланиши мумкин бўлиб қолди. Талабаларнинг мустақил ишлаши эса ўз навбатида кўшимча фойда келтирмоқда: юқорироқ кўникма ва қобилиятлар соҳасида яъни биргаликда мулоқотда бўлиш, биргаликда режа тузиш, қарор қабул қилиш ҳамда ўз ишини текшириш каби қобилиятлар ривожланади.

Командада (биргаликда) ишлаш орқали муайян ижтимоий компетенциялар ривож топади ва уларга мўлжалланган мақсадлар ҳам белгиланиши мумкин бўлади. Кўриб турибмизки, вақт ўтган сари йўналтирувчи матн усули қўлланишининг маъноси ўзгарди чунки бугунги кунга келиб бу усул айнан ўша «пойдевор квалификациялар» деб аталган қобилиятларни ривожлантириш мақсадида қўлланади. Бу тушунчани Германияда таълимот мунозарасига меҳнат бозори тадқиқотчиси Д. Мертенс киритган. У бу тушунча билан асосан услубий компетенцияларни (яъни фикрлаш, ташкиллаштириш ва режалаштириш усулларини) атаган.

Ҳозирги кунда эса бу тушунча билан шундай қобилиятлар кўникма ва ўзини тутиш тарзлари аталадики, улар айнан шу касб-хунарга оид квалификациялардан ташқари ва уларга кўшимча сифатида барча бошқа касб-хунарларда керак бўладиган хатти-ҳаракатларни билдиради.

4 поғона усули билан солиштирадиган бўлсак бу усулда амалиёт ўқитувчисининг фаолияти кўпроқ дарсдан олдин ва дарсдан кейин қилинадиган ишлардан иборат. Лекин бевосита инструктаж жараёнида қилинадиган ишлар эмас; ўқувчилар эса қайтага барча даврларда (фазаларда) мустақил ишлашади.

### III. НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

#### 1-мавзу. Тасвирий санъат фанининг илмий-бадий тараққиётдаги ўрни ва аҳамияти.

##### Режа

1. Тасвирий санъат фанларининг қисқача ривожланиш тарихи.
2. Ўзбекистон тасвирий санъат фанини ўқитиш методикасининг шаклланиши ва ривожланиши.
3. Тасвирий санъат фанининг ҳозирги амалиётдаги аҳамияти.

#### 1. Тасвирий санъат фанларининг қисқача ривожланиш тарихи.

Асрлар давомида яратилган тасвирий асарлар узоқ ўтмишдан дарак берувчи ва жамиятда бўлаётган воқеаларни акс этирилган картиналарни завқ билан томоша қиламиз. Улар билимдан ташқари эстетик завқ олишга ҳам катта ёрдам беради. Баъзи бир расмлар санъат соҳасига мансублигига қарамасдан дунёни маълум даражада ўзгартирди: масалан, Ласко ғорида “Авиньонские девицы” картинаси<sup>1</sup> қояга чизилган расмлар биринчи одамлар яшаб ўтганлиги ҳақида кўрсатади, улар бизнинг тарихдан аввалги даврдаги тушунчамизни ва билимимизни ўзгартиради. Шунингдек ўрта аср зодагонларини тасвирлаган картиналар ёки жамоатнинг ҳаяжонини вужудга келтирган Пабло Пикассонинг асарлари шулар жумласидандир.

Ўзбек рассомлари томонидан яратилган буюк асарлар ҳар доим хотирамиздан ўчмаслиги аниқ. Миллий тасвирий санъатимиз тарихидан маълумки К.Бехзод, Ў.Тансиқбоев, Р.Ахмедов, Ч.Ахмаров, З.Иноғомов каби рассомлар асарлари катта аҳамиятга эга. Тасвирий санъатнинг кўп жанрлари: портрет, манзара, жанг, маиший, тарихий шулардандир.



2

Бу асарлар психологик таъсирчанлик кучи маълум бир тарихий

<sup>1</sup>Francisco De Goya (Spanish, 1746-1828)// Paintings: that Changed the World.-Munich. Berlin, London, New York.- 2003.- P.-128

<sup>2</sup> Klaus Reichold. Bernhard Graf. Paintings that Changed the World.-Munich. Berlin, London, New York.- 2003.- P.-13



аҳамиятни касб этмайди, лекин маданият нуқтаи назаридан ажойиб санъат асарларининг умумий тасаввурини беради. Биз тасвирлар сахнасига чуқур ёндашамиз ва тасвирланган расмнинг талабларида рассомнинг ички дунёси ва унинг ҳаётий услуби, шунингдек, тасвирланган воқеанинг тарихий аҳамиятини кўрамиз. Бугунги кунда дунёда тасвирий санъатнинг аҳамиятини бутун жаҳонга машхур ва ундан кам бўлмаган санъат асарлари бизнинг даврга сезиларли таъсир кўрсатади.

Дунёни қайта ўйлашга мажбур этган ибтидоий санъат. 100 метр чуқурликда жойлашган Ласко ғорида 1500 дан зиёд ўйилган палеолит тош даврининг расмлари ва 600 га яқин бизон, буғу, бука ва бош ҳайвонларнинг табиий тасвирлари топилган. Шу каби тарихий расмлар бошқа ҳеч қаерда топилгани йўқ. Изланувчилар айтишадики, сўнги хулосада ўзларидан тарихий санъат музейини бизга мерос қолдирган ҳолда 5 минг йил давомида одамлар шу ғорнинг деворларида қайта-қайта расм чизиб, истиқомат қилишган. Баъзи бир суръатлар жуда катта ҳажмда: катта ғорнинг (Буюк ўтиш жойи) деворларида тасвирланган бир неча буқаларнинг баландлиги 5 метргачадир. Уларнинг табиийлиги ва ажойиб тарзда бизга етказиб берилганлиги бизнинг тарихга бўлган қарашларимизни тубдан ўзгартиради. 19 асрга қадар одамлар ёш болаларнинг ижодига ўхшайдиган беўхшовликдан то назокатли шаклгача, санъатни кам-камдан ва секин-асталик билан ривожланган деб ўйлашарди. Ҳақиқатдан ҳам, 1879 йилда Испания Альтомирада топилган биринчи деворий расмларни қалбаки деб ҳисоблашган. Кейинги топилмалар, Ласконинг расмларини кўшган ҳолда, барча шубҳаларни ўчириб ташланди: милоддан аввалги 15 минг йилда тасвирий санъат мавжуд бўлган.<sup>3</sup>

Ўзбекистон худудида эрамиздан аввал ҳам тасвирий санъатнинг рангтасвир, ҳайкалтарошлик, меъморчилик турлари ниҳоятда ривожланган бўлиб, уларнинг намуналари Варахша, Афрасиёб, Қалчаён, Тупроқ қалъа, Болалик тепа, Айртум, Далварзин тепа, Фаёз тепа, Қўйқирилган қалъа, Ажина тепа, Тешик қалъа ва бошқа бир қатор жойлардан топилган. Бу асарлар эрамиздан аввалги IV-I-асрларда яратилган бўлиб уларнинг ёши 5-6 минг йилга тўғри келади. Бу асарларнинг бадиийлиги ҳозирги замон рассомлари ва ҳайкалтарошларининг асарларидан қолишмайди десак муболаға бўлмайди. Бундай юксак бадиий савиядаги асарларни ўша даврда тўпланган илғор тажриба, тасвирий санъат мактабларисиз яратиш мумкин эмас. Маълумки, санъат бир неча авлоднинг кўп йиллар давомида шаклланган анъаналари, устанинг шогирдга ўтказган билимлари асосидагина тараққий топади. Бу эса сўзсиз умумий бадиий таълим йўналишида бўлмаса ҳам, касбий бадиий таълим шаклида ривожланганлигидан далолат беради. Маълум даврларда Ўзбекистон худудидаги санъат тараққиётида узилишлар рўй берганлигининг сабаблари, Искандар Зулқайнар, мўғиллар, араб, рус истилолларига бориб тақалади. Амир Темур мустақил давлат тузган даврда

---

<sup>3</sup> Klaus Reichold. Bernhard Graf. Paintings that Changed the World.-Munich. Berlin, London, New York.- 2003.- P.-12

тасвирий санъатнинг миниатюра турини гуллаб-яшнагани ҳам бунинг яққол далилидир. Амир Темур даврида миниатюра ва китоб графикаси шунчалик тез ривожландики, у нафақат Шарқ, ҳаттоки Европа мамлакатлари санъатига ҳам ўз таъсирини кўрсатди. Натижада, Самарқанд, Бухоро, Хирот миниатюра мактаблари билан бир қаторда Бағдод, Табриз, Шероз, Озарбайжон, Хинд, Исфахон, Турк миниатюра мактаблари ҳам шаклланди ва ривожланди.

Мазкур миниатюра мактабларида, хусусан, умумий ўрта таълим мактаблари учун тайёрланган дастурларида санъатшунослик асослари, рангтасвир ва қаламтасвир ишлаш, натурага қараб тасвирлаш, борлиқни идрок этиш бўлимлари мавжуд бўлиб, касбий бадиий ва умумий бадиий таълим тизимлари ўртасига қатъий чегара қўйиб бўлмайди. Тасвирий санъатнинг назарий асослари ҳисобланган ранг, ҳажм, перспектива, композиция асослари кабилар, ҳам касбий, ҳам умумий таълим тизимида ўрганилади. Фақат тасвирий санъатни ўқитилишида талаба ва болаларнинг ёшлари, идроки, психологик хусусиятлари, тасвирий малакалари ҳисобга олиниши лозим, холос.

Тасвирий санъат тарихида буюк наққош ва мусаввир Камолиддин Бехзодга Хиротлик Мирак наққош устозлик қилгани, унга миниатюра рангтасвири сирларини ўргатгани ҳақида маълумотлар бор. Шунингдек, устоз Мирак наққошнинг Хирот “Нигористони” (Санъат академияси) бўлганлиги ва унда Камолиддин Бехзод тарбия олганлиги ҳам маълум.

Профессор Ориф Усмонов ўзининг “Камолиддин Бехзод ва унинг наққошлик мактаби” номли китобида Бехзод Табризда яшаган вақтда нафис тасвирий санъат мактабини яратганини қайд қилади. У ерда мусаввир ўз атрофига энг истеъдодли ёшларни тўплагани, уларга санъатининг сир-асрорларини ўргатгани ва Табризда Султон Муҳаммад, Мирзо Амир, Оқо Мирак, Музаффар Али, Султон Муҳаммад Нур, Шомухаммад Нишопурий, Юсуф Мулло, Мир Али, Ризо Аббосий, Маҳмуд Музаҳҳиб, Мавлоно Ёрий, Хасан Бағдодий, Абдулла Шерозий, Дарвеш Муҳаммад, Мир Саид Али, Қосим Али сингари ўнлаб истеъдодли мусаввирларни тарбиялаганлигини ёзади. Унинг шогирдлари Бехзоднинг тасвирий санъат услубини давом этирганлари ҳам расмий маълумотлардан аён.

Ўзбекистонда ҳозирги замон таълим тизимининг пайдо бўлиши ХХ асрнинг биринчи чорагига тўғри келади. Бир гуруҳ фан ва маданият вакиллари Санкт-Петербург ва Москвалик рассомлар Туркистонга юборилади. Бу рассомлар Туркистоннинг йирик шаҳарларида бадиий студиялар ташкил этдилар, ўз асарларининг кўرғазмаларини ўтказдилар.

1918 йилда Тошкентда бадиий коммуна очилади, бир йилдан кейин Самарқандда Туркистон ўлка бадиий халқ мактаби ишга тушади. 1920 йилда Андижонда рангтасвир мактаби, янги Бухорода санъат тўғараги ташкил этилди, мусулмонлар учун тасвирий санъат курслари очилди. Бир йилдан сўнг республикада бадиий мактаб ва студиялар сони 29 тага етди ва унда шуғулланувчилар сони 500 кишидан ошиб кетди. 1921 йили очилган бадиий политехникумда 170 ўқувчидан 150 таси ўзбеклар эди.

1924 йилда Тошкент тасвирий санъат музейи қошида бадиий студия очилди. Унда М.Куприянов (Машхур Кукриникслар гуруҳидан), С.Чуйков, маҳаллий ёш рассомлардан Ў. Тансиқбоевлар ёшлар билан машғулотлар олиб бордилар. 1927 йилга келиб Тошкент ва 1929 йилда Ўзбекистон пойтахти ҳисобланган Самарқандда бадиий билим юрти ташкил этилди. Бу билим юртларига кўпроқ маҳаллий ёшлар қабул қилинди. Бу билим юртларининг асосий мақсади рассомлар тайёрлаш бўлса-да умумий ўрта таълим мактаблари учун ўқитувчилар тайёрлаш борасида ҳам маълум роль ўйнади.

Шу билан бирга таълим тизимида эстетик ва бадиий таълим масалаларига ҳам эътибор қаратила бошланди.

## **2. Ўзбекистон тасвирий санъат фанини ўқитиш методикасининг шаклланиши ва ривожланиши ва уларни амалиётдаги аҳамияти.**

1924 йилга келиб мактаб ўқув режаларида расм дарслари ўз ўрнини топмаган бўлса-да айрим рассомлар болалар тасвирий ижодини ривожлантиришга ҳаракат қилдилар. Ана шундай иқтидорли ёш график рассомлардан бири Искандар Икромов эди. У 1925 йилда “Маориф ва ўқитувчи“, кейин “Аланга“ журналларида расм чизишга доир мақолалар эълон қилди. 1932 йилга келиб унинг “Расм чизишни ўрганиш қўлланмаси“, 1933 йилда эса “Китоб ва журналлар қандай нашр этилади“ альбоми нашр этилди. 1935 йилда рассомнинг “Ҳарф ёзишни ўрган“ китоби ҳам чоп этилди. Бу мақола ва китоблар ягона меҳнат ва политехника мактаблари талаблари асосида яратилган “Расм“ предмети дастурларига мос эди. Мазкур ишлар фақат умумий таълим мактаблари учунгина эмас, балки тасвирий санъат студиялари, клублар, ҳаваскорлик тўғараклари, графикани мустақил ўрганувчилар учун ҳам аҳамиятли бўлди.

1920 йилги ўқув режаларида санъатга доир ўқув предметларига тегишли ўрин ажратилмаган бўлса-да, 1929 йилга келиб бу камчилик бартараф этила бошланди. Мактабларда махсус расм ўқув предметлари ўқитила бошланди. Лекин Ўзбекистон мактаблари Россия мактаблари учун яратилган дастурлар асосида ишлай бошлади. Бу дастурлар маълум миқдорда Ўзбекистон шароитига мослаб локализациялашган эди. Шу муносабат билан Ўзбекистон халқ морифи комиссарлиги тегишли жойларга юборилган хатида шундай дейилган эди: “Мажмуанинг мақсади унга тегишли материал мазмуни, мажмуа билан ишлаш методлари локализация қилинади. Ўқитувчи олдиндан ўлкашунослик материалларини тўплаб олган ҳолда, ўз тумани ҳаётига оид энг характерли жиҳатларни дастурга киритади”.

Шу муносабат билан бошланғич синф “Расм ва лой иши” дастурига ўлка материаллари киритила бошланди. Улар теварак-атроф табиатига доир нарсалар, Ўзбекистон халқ амалий санъатига доир материаллар эди.

Тасвирий санъат предмети методикаси шаклланишида 1934 йилда Тошкентда, кейинчалик Республикамизнинг ҳар бир вилоят марказларида ташкил этилган “Марказий бадиий тарбия уйлари” катта роль ўйнади. Бу тарбия уйлари ўқувчиларни бадиий жиҳатдан тарбиялашга оид дастурий ва методик материалларни ишлаб чиқди.

Бадиий тарбия уйларида бошқа шўъба билан бир қаторда тасвирий

санъат шўъбаси ҳам бўлиб, унда уч йиллик тасвирий санъат студияси ҳам ташкил этилган эди.

Бу бадиий тарбия уyiдаги иккинчи шўъба болалар расмларининг кўригини ташкил этиш билан шуғулланган. Учинчи шўъба эса ниҳоятда серқиррали бўлиб, унинг асосий вазифаси болалар билан расм дарсларида иш олиб борувчиларга методик ёрдам кўрсатиш ҳисобланарди. Шунингдек, бу шўъба кўйидаги ишларни ҳам олиб борган: - тасвирий санъат студиялари учун машғулотлар дастурини ишлаб чиқиш; - мактаб тасвирий санъат тўғараклари учун машғулот мавзуларини ишлаб чиқиш; - 1-6 синфларда расм машғулотларининг мазмуни ва мавзуларини ишлаб чиқиш; - 1-6 синфларда расм дарсларининг аҳволини ўрганиш ва ўқитувчиларга методик ёрдам кўрсатиш; - шаҳар мактабларининг расм ўқитувчилари учун семинар ташкил этиш; - Республика вилоятларидан келган ўқитувчилар ва тўғарак раҳбарлари учун семинарлар ташкил этиш ва уларга тегишли ёрдам кўрсатиш.

1936 йилдан бошлаб Республика миқёсида юзага келган пионер уyi ва саройлари таълим-тарбия, оммавий-бадиий, техникавий, табиатшунослик каби бир қатор иш шаклларини ўзида мужассамлаштирган муассаса эканлигини кўрсатди.

Республикамиз учун тайёрланган ва нашр этилган дастурлар мазмуни ва вазифаси жиҳатидан Россия мактаблари учун тайёрланган дастурдан деярли фарқ қилмаган, лекин унинг ҳамма бўлимларида маҳаллий шароит ва материаллар маълум миқдорда ҳисобга олинган эди. Хусусан, нарсага қараб расм чизиш дарсларида Республикамизга хос бўлган предметлар ва табиат маҳсулотлари, декоратив ишлар бўлимида ўзбек амалий санъат намуналарини чиздириш тавсия этилган эди.

1939 йилларда мактабларда расм дарсларининг асосий вазифаси ўқувчиларда тасвирий малакаларни ўстириш, кўпроқ расм чизишга ўргатишдан иборат бўлиши лозим деб топилди. Шунинг учун ҳам расм дарсларида тарбиявий томонларга етарлича эътибор берилмади.

Иккинчи жаҳон уруши йилларида ва қисман ундан кейинги йилларда ҳам расм дарсларининг вазифалари ўзгарди, унинг мазмунида таълимдан кўра тарбиявий жиҳатлар кучайтирилган бўлиб, унда асосий эътибор ватанпарварлик ва байналминал тарбияга қаратилди. Шу мақсадда расм дарслари ватанпарварлик ва байналминал мазмундаги тасвирий санъат асарлари билан бойитилди.



Е. Коровай.  
«Ганчорлар».



Е. Коровай. «Халқ  
устаси Қ. Жалилов  
портрети».

1947- 48 ўқув йили учун тузилган ўқув режада “Расм“ учун ҳафтасига I-синфда 1 соат, II- синфда 1 соат, III-IV-синфларда 0,5 соат, V-синфда 1 соат вақт ажратилган бўлиб, натижада умумий ҳафталик соатлар 4 соатни ташкил этди.

1950-60 йиллар давомида тайёрланган ва нашр этилган дастурларда “Расм“ ўқув предметининг вазифаси олдин тузилган дастурлардан фарқ қилди.

1953 йилда нашр этилган дастур “Расм солиш” деб номланиб у ўқувчиларни тарбиялашда катта роль ўйнаши таъкидланган бўлса, 1956 йилда нашр этилган “Расм” дастурида эса бу предметнинг вазифаси ўқувчиларни эстетик жиҳатдан тарбиялаш вазифасига хизмат қиладиган ва ўқувчиларни ҳар томонлама камол топтиришга ёрдам берадиган ўқув предметларидан бири деб кўрсатилди.

1958-59 ўқув йилига келиб, ўқув режасида расм чизишга ажратилган соатлар ошди ва у 1-6 синфларда ҳафтасига I соатдан ўқитила бошланди.

Умуман олганда, 50-йилларда Республика ҳукумати томонидан мактабларда расм предметининг ўқитилишига бўлган эътибор кучайди. Бу аввало мактаблар учун ўқитувчи кадрлар тайёрлашда ўз аксини топди. Маълумки, мактабда бадиий таълимни ривожлантириш кўп жиҳатдан педагогик кадрлар тайёрлашга боғлиқ эди. 1950 йилларда бу масала билан Самарқанд ва Тошкент бадиий билим юртлирини бирлаштириш натижасида ташкил топган П.П. Беньков номидаги бадиий билим юрти шуғуллана бошлади. Бу бадиий билим юрти мактабларда расм ўқув предметларнинг ўқитилишини сифат жиҳатидан яхшилашга маълум миқдорда таъсир кўрсатди. Бу таъсир мактаблар билан бир қаторда, мактабдан ташқари олиб бориладиган семинар, конференция, йиғилишларда ҳам ўз ифодасини топди. Шунингдек, бадиий билим юртини битирувчилар мактабларда ташкил этилган кўرғазмаларда ҳам иштирок этдилар.



Н. Туркестанский, В. Кайдалов, А. Волков, У. Тансиқбоев,  
рассом дўстлари: О. Татевосьян, П. Шеголев ва Д. Нефёдовлар

2. Пранг, Тедд, Аугсбург методик тизими. Тасвирий санъат ижодиётида болаларнинг ривожидида биогенетик концепцияси (К.Риччи, Г.Кершенштейнер, К.Лампрехт)

#### **1. Тасвирий санъат таълимининг хорижий тадқиқотлар контекстидаги методлари ва воситалари.**

Барча замонларда ва барча бадий мактабларда тасвирий саводхонлик муаммоси, яъни таълим сифати ва самарадорлиги муҳим масалалар қаторида эътироф этилиб, унинг асосий омиллари сифатида бир қатор дидактик талаблар тилга олинади. Шунингдек, соҳа мутахассислари бадий таълимни, жумладан, тасвирий санъат таълимини шахснинг умумий ривожланишидаги ўрнига юқори баҳо берадилар. Жумладан, австралиялик тадқиқотчилар А.Кларке ва Ш.Хуберт (Clarke, Angela; Hubert, Shane)лар икки йил давомида олиб борган тадқиқотларига асосланган ҳолда, тасвирий фаолият самарадорлиги борасида интеграциялашган таълим методлари бу борадаги кўпгина муаммоларни ҳал этишга замин яратишига ишора қиладилар. Айниқса, бу жараённинг гнесологик асосларини эътиборга олиш тасвирий фаолият билан шуғулланувчиларнинг ижодий потенциалини оширишга хизмат қилишини алоҳида уқтириб ўтадилар. Шу ғоларнинг микротатбиқи сифатида турли шакл ва мақомдаги визуал материалларни интегратив тарзда тасвирий санъатнинг тур ва жанрлари, тасвирий санъат таълими таркибидаги фаолият турларига нисбатан татбиқ этиш ҳақидаги ёндашувларнинг мақсадга мувофиқлиги маълум маънода назарий жиҳатдан асосланади. Яна бир гуруҳ олимлар (Liebau, Eckart) бадий таълим сифати ва самарадорлигини таълим олувчиларнинг борлиқни, атроф-муҳитни эстетик идрок этиш компетенциялари билан боғлайдилар ҳамда бадий-эстетик таълимнинг методологик ёндашувларини мунтазам тарзда тадқиқ этиб бориш лозимлигини ўқтирадилар. Бу концепция Ўзбекистон шароитида умумий ўрта таълим ўқув фанлари тизимида таълимнинг барча соҳалари каби тасвирий санъат таълими муаммоларини мавжуд ижтимоий-педагогик эҳтиёжлар кентекстида мунтазам тарзда тадқиқ этиш лозимлиги ҳақидаги маҳаллий ёндашувларга мос келади.

Мазкур тадқиқотда тасвирий санъат таълимининг визуал воситалари бадий таълим сифати ва самарадорлигини оширишнинг устувор омилларидан бири сифатида қаралмоқда. Бизнинг бу нуқтаи назаримиз айрим хорижий тадқиқотлар муаллифларининг нуқтаи назарлари билан мос келади. Жумладан, Э.Лиебау (Liebau, Eckart)нинг фикрича, таълим сифатини ошириш йўлида турлича методларни қўллаб кўриш лозим.

Бошқа бир муаллиф, туркиялик тадқиқотчи Н.Маъмур (Mamur, Nuray) таъкидлайдики, визуал воситалар ёрдамида ўқитилган ўқувчиларнинг таълимнинг кейинги босқичларидаги фаолияти ҳам самаралироқ кечади. Тадқиқотчи олий таълим муассасасининг мактабда ўқиган тартибига кўра, яъни визуал воситалар билан ва уларсиз ўқитилган талабаларни ўқишини тадқиқ қилиш орқали айнан визуал воситалар орқали ўқитилган талабаларнинг мантикий-таҳлилий сифатлари юқори бўлганлиги ҳақидаги хулосани илгари сурган ва бу борадаги маълумотлар соҳанинг таниқли вакили, профессор Айсе Чакир Илҳано томонидан эксперт сифатида юқори баҳоланган.

Хитойлик (Liu, Siyuan) ва туркиялик (М.Гокай, М. Шахриёрий) олимларнинг тадқиқотларида бадий таълим сифати ва самарадорлигини ошириш воситаси сифатида рассомларнинг студиялари ҳамда тасвирий санъат музейлари ва галереяларининг ўрнига алоҳида эътибор қаратилган. Бизнинг тадқиқотимиз доирасида кўшимча материал сифатида студияларда профессионал рассомлар томонидан ўтказилган “Маҳорат дарслари” туркумидаги машғулотларнинг видеотасвирларидан, шунингдек, тасвирий санъат асарлари репродукцияларининг электрон каталогидан фойдаланиш мактаб тасвирий санъат таълимида кўшимча материал сифатида таълим сифати ва самарадорлигини оширишга ижобий таъсир ўтказади.

Тасвирий санъат ўқитувчиларининг дидактик ишланмаларга нисбатан мавжуд методик эҳтиёжларининг тадқиқи натижаларидан аён бўлдики, ўқувчиларда манзара ишлаш малакаларини ривожлантириш орқали уларнинг тасвирий саводхонлик даражаларини ортишига нисбатан осонроқ эришиш мумкин. Бизнинг бу нуқтаи назаримиз голландиялик тадқиқотчи Эрнст Бос (Bos, Ernst)нинг қарашлари билан адекватдир. Мазкур ҳолатда икки ижтимоий муаммо ечими кўзда тутилган.

Маълумки, Голландиянинг Гаа шаҳри атрофи табиий кўринишлари, қишлоқ манзаралари гўзаллиги билан нафақат голландиялик, балки Европа рассомларининг қизиқиш доираларида бўлган. Урбанизация туфайли бу муаммо янада долзарблашиб бораётганлиги олимнинг 2015 йилда “JOURNAL OF CULTURAL HERITAGE“да эълон қилинган мақоласида исботлаб беришга ҳаракат қилинган (26).<sup>1</sup> Бу муаммо, яъни бадий таълим билан ҳамоҳанга тарзда ечиладиган экологик таълим муаммоси мавжуд барча мамлакатлар учун, жумладан, Ўзбекистон учун ҳам тааллуқли бўлиб,

<sup>1</sup> Clarke, Angela; Hubert, Shane. Envisioning the Future: Working toward Sustainability in Fine Art Education /INTERNATIONAL JOURNAL ART & DESIGN EDUCATION. FEB. 2016. – 36 – 50.

муаммонинг ижобий ечими сифатида тасвирий санъат таълимининг тарбиявий имкониятларидан оқилона фойдаланишни эътироф этиш мумкин. Бу омилни хорижий тадқиқотлар контекстида Ўзбекистон мактабларида амалга ошириладиган тасвирий санъат таълимидаги мавжуд методик эҳтиёжларнинг миллий таснифи, талқини деб қараш мумкин.

Юқорида келтирилган маълумотлар тасвирий санъат таълими сифати ва самарадорлигини ошириш йўналишларини назарий жиҳатдан асослаш учун методологик асос вазифасини ўтайди.

Айни пайтда алоҳида таъкидлаш жоизки, биринчи навбатда, таълим сифати ва самарадорлигини ошириш йўллари белгилашда амалиётчи ўқитувчиларнинг фикр-мулоҳазалари ҳал қилувчи роль ўйнайди. Тасвирий санъат таълимида мавжуд дидактик ишланмаларга бўлган эҳтиёж бундан мустасно эмас. Шу мақсадда мактаб ўқитувчилари билан ижтимоий педагогик талаблар контекстида ҳар бир даврга хос ва мос тарзда социологик сўровлар ўтказиб борилади ҳамда истиқболга йўналтирилган ишларда унинг натижаларига асосланилади.

Педагогик ва психологик тадқиқотларда анаъанвий тарзда қўлланиб келинаётган социологик сўровнома методи у ёки бу соҳадаги мавжуд муаммолар, уларнинг кўлами ва мазмуни, бартараф этишга оид фикр-мулоҳазаларни ўрганиш ҳамда объектив маълумот олишнинг муҳим шакллари билан биридир. Шу йўналишда мамлакатимиз умумий ўрта таълим мактабларида ўқитиладиган “Тасвирий санъат” ўқув фанидан таълим сифати ва самарадорлигини ошириш омилларини аниқлаш мақсадида тасвирий санъат ўқитувчилари ўртасида социологик сўров ўтказилди. Унга кўра тадқиқот йўналишига мос бўлган, аниқланиши тадқиқот истиқболлини белгилаб бериши мумкин бўлган 15 та савол ишлаб чиқилиб, махсус анкета сўровномаси сифатида тасвирий санъат ўқитувчиларига тақдим этилди. Мазкур сўровга жалб этилган респондентларнинг сони кўп бўлмасда, “Йилнинг энг яхши тасвирий санъат ва чизмачилик фани ўқитувчиси” кўриктанловининг 2016 йилги республика босқичида географик қамров нуқтаи назаридан бутун республикани қамраб олиш имконияти бўлди.

Анкета сўровининг мақсади сифатида соҳага оид муаммоларни гуруҳлаштирган тарзда “Тасвирий санъат” ўқув фанидан:

- амалдаги ДТС ҳамда ўқув дастури, дарсликларнинг мазмуни хусусидаги;

- ўқитувчилар методик манба сифатида фойдаланадиган каналларнинг турлари ҳақидаги;

- тасвирий санъат таълимидан ДТСда белгиланган ҳамда ўқув дастурида берилган тасвирий ва амалий санъат асарлари, рассомлар, ҳайкалтарошлар, халқ амалий санъати усталари ҳақидаги маҳаллий ва жаҳон санъати намуналарининг репродукцияларига нисбатан эҳтиёжнинг кўлами, мазмуни ҳақидаги;

- амалдаги ДТСга кўра фаолият турларининг структураси, номланиши ва уларнинг мазмуни хусусидаги;

- тасвирий санъат таълими сифати ва самарадорлигини оширишга

салбий таъсир ўтказётган омиллар ҳақидаги фикр-мулоҳазаларни аниқлаш кўзда тутилди.

Олинган натижаларни икки хил тоифада баҳолаш мумкин. Биринчидан, узоқ йиллардан буён сақланиб келинаётган анъана – тасвирий санъат ўқитувчиларининг етарли даражада фаоллик кўрсатмасликлари, масалага масъулият билан ёндашмаганликлари социологик сўровни тўлақонли ўтказилди, деб баҳолашга имкон бермайди. Шунингдек, яна жавобларнинг чалалиги ҳам объектив маълумот олишга монелик қилди.

Таҳлиллардан энг эътиборлиси ўнлаб рассомлар, жумладан, ўзбекистонлик ва жаҳон тасвирий санъати намояндаларининг ҳаёти ва ижодини ўрганиш Давлат таълим стандартида белгиланган, улар ҳақидаги материаллар янги авлод дарсликларига берилганлигига қарамай 2 мартадан ортиқ тилга олинган рассомлар (Малик Набиев, Раҳим Аҳмедов, Рўзи Чориев) номлари қайд этилмади. Акмал Нур, Ортиғали Қозоқов, Зухриддин Ислоншиқов, Ғафур Абдурахмонов, Ўрол Тансиқбоев, Турсунали Қўзиев, Янис Салпинкиди каби рассомлар фақат бир мартадан тилга олинган ҳолда бугунги кун Ўзбекистон тасвирий санъатининг таниқли намояндалари – асарлари тасвирий санъат дарсликларига кирган Акмал Икромжонов, Акмал Нуриддинов, Алишер Алиқулов, Рустам Худойберганов, Ортиғали Қозоқов, Нодира Орипова каби рассомларнинг номлари умуман тилган олинмаган. Шунингдек, жавоблардан англаш мумкинки, халқ амалий санъати (Уста Ширин Муродов) ҳамда ҳайкалтарошлиги (Илҳом Жабборов) бўйича ҳам тасвирий санъат ўқитувчилари етарли тасаввурга эга эмас. Жаҳон тасвирий санъати намояндаларидан Леонардо да Винчи, Микеланжело, Рембрандт, Рафаэл Санти, Илья Репин, Иван Шишкин, айниқса, Европа импрессионизми вакиллари – Клод Моне, Альфред Сислей, Огюст Ренуар, Эдуард Мане, Ван Гог каби дунёга машҳур рассомлар ва уларнинг бирорта асари мутлоқо эсланмаган. Ҳолбуки, уларни ўрганиш “Тасвирий санъат” ўқув фанидан Давлат таълим стандартида белгиланган. Демак, истиқболда тасвирий санъат таълими сифатини таъминлашнинг дидактик имкониятлари тизимида ўқитувчининг компетенциясига устувор тарзда қараш, бу борада керакли тавсиялар ишлаб чиқиш лозим.

Айтилганларидан хулоса шуки, социологик сўров тўлақонли маълумот олиш имкониятини тақдим этмаган бўлса-да, унда билдирилган фикр-мулоҳазалар тасвирий санъат таълими сифатини оширишнинг маълум даражада амалий асос вазифасини ўтайди. Қолаверса, истиқболда бу йўналишда амалга ошириладиган тадқиқотлар мавжуд бўшлиқларни тўлдиришга замин яратади.

**2. Франг, Тедд, Аугсбург методик тизими. Тасвирий санъат ижодиётида болаларнинг ривожидида биогенетик концепцияси (К.Риччи, Г.Кершенштейнер, К.Лампрехт)**

Талабаларни эстетик тарбиялашда бадиий таълимнинг аҳамиятини инобатга олмай, баъзи умумий таълим методистлари юзаки усулларни ишлаб чиқишда иштирок эта бошладилар. Шундай қилиб, 1898 йилда Америкада Озодлик Тедд, асосан, бадиий таълимнинг “янги йўллари”

таклиф қилди. Унинг тизимига кўра, ўқувчилар навбатма-навбат ўнг ёки чап кўли билан доскага расм чизишлари, сўнгра иккала кўли билан бир вақтнинг ўзида носимметрик шаклларни бажаришлари керак эди. Қўллар ва кўзларнинг моторика кўникмаларини ривожлантиришга асосланган тизимли машғулотларга эҳтиёж. Мактабда расм чизишда – лойдан ҳайкал яшаш, ўймакорлик, металлга ишлов бериш бўйича дарсларни кенгрок қамраб олишга киришади.

Америкалик Л. Пранг тизимига. У “Расм” мавзусини шахснинг умумий ривожланишига ҳисса қўшадиган объект сифатида кўриб чиқди. Унинг сўзларига кўра, машғулотлар нафақат расм чизишга бағишланган, балки кузатиш, хотира, эстетик дид, техник устомонлик, табиат ва санъатдаги гўзалларга сезгирликни ривожлантиришга қаратилган. Расмни ўқитишдаги натурал методнинг немис версиясидан фарқли ўларок, дастлаб Америка тизими табиатдаги эстетик жихатдан муҳим ҳодисаларни идрок этишга, нарсалар шаклини, ўйин усулларини бевосита (тактил) ўрганишга, санъатнинг турларини (шеърят, ҳайкалтарошлик, меъморлик) кўпроқ эътибор қаратган. Нарсаларнинг ранги ва шаклини ўрганиш учун кўплаб машқларни бажариш тавсия этилади. Ранг табиатдаги ёрқин ҳодисаларни (қуёш чиқиши ва қуёш ботиши, камалак) ва жисмоний ҳодисаларни (шаффоф призма ёрдамида ёруғлик спектрини олиш), меваларни, барглари бўяшда ўзлаштирилади.

Кўпчилик сингари, Л. Пранг болалар расмлари “болалар яшайдиган дунёга, қисман ҳақиқий, қисман хаёлий нарсаларга киришимизга имкон беради”, деб ишонади.

Йигирманчи асрнинг 30-йилларда Фарбий ва Россия мактабларида расм чизишнинг “натурал” методи энг кенг тарқалган ўқитиш методлардан бири эди. Бу мамлакатимиздаги мактабдан ташқари муассасаларда тасвирий санъатни ўқитиш методикасининг ривожланишига маълум даражада таъсир кўрсатди. Бизнинг фикримизча, ушбу методнинг америкалик ва немис тилидаги энг яхши вариантлари олинган. Л. Прангнинг Америка тизими ушбу метод муаллифларининг тасвири яратиш, унинг эстетик томонларини очиб бериш ва ундаги энг муҳим фикрларни таъкидлаш учун атрофдаги воқеликни синчковлик билан ўрганиш талабига жавоб беради. Кўринишидан, курснинг қатъий тизимлилиги билан, ўқувчиларни фаол идрок этиш қобилиятига асосланган бадий студиялар ва тўғарақларда дарсдан ташқари машғулотлар учун услубий ишланма натурал методнинг немис версиясидан ўтди.

**Болалар тасвирий санъати олимларнинг изланишлари. Визуал фаолиятда бола ривожланишининг биогенетик тушунчаси. (С. Риччи, Г. Кершенштейнер, С. Лампрехт).**

19-аср охири - 20-асрнинг бошларида ўрта мактабларда расмнинг ўқитиш усулларини ўрганаётганда шуни ёдда тутиш керакки, бу даврда расм фанига тўртта дарснинг тури киритилган: натурадан расм чизишда қаламтасвир ва рангтасвир билан шуғулланишган, декоратив расмлар

(амалий безак санъати), мавзу асосида расм чизиш ва санъат ҳақидаги суҳбатлар.

Ўқитиш усулларининг ривожланиши тарихида кўриб чиқиладиган давр жуда мураккаб ва қарама-қарши. Бир томондан, ўрганиш муаммоларига қизиқиш тобора ўсиб ва кенгайиб бормоқда, ўқитиш усуллари илмий ва назарий асосланаяпти. Бошқа томондан, расмнинг равшанлиги ва қатъийлиги сезиларли даражада пасаяпти. Ёш авлодни бадиий ижод ва эстетик тарбиялаш масалалари биринчи ўринга кўтарилмоқда.

Бу даврдаги бутун тизим ва ўқитиш методикаси ҳар бир ўқувчининг ўзига хослигини ва унинг бадиий шахсининг дахлсизлигини ривожлантиришга қаратилган эди. Қатъий реалистик расмда кўпчилик рассомнинг ижодий қобилиятларини чеклайдиган узукларни кўрдилар.

Бадиий таълим бадиий маданиятнинг бир қисми сифатида қаралади. Болалар расмлари бадиий маданиятнинг бир қисмидир, маданият, ва бола - маданий жараённинг қахрамони. Болаларнинг расмларини бадиий маданиятнинг феномени сифатида тарихий жиҳатдан кўриб чиқиши мўлжаллайди:

- 1- бадиий таълим методлари ва мазмуни жиҳатдан таҳлили;
- 2 – бадиий маданиятда боланинг ўрни ва унинг ижоди.
- 3 – ёши ўсишининг психологик хусусиятлари;
- 4 - педагогик шахснинг таъсири - талаба ва унинг устозининг санъатдаги ўзаро таъсири.

Коррадо Риччи (1911) болаларнинг визуал фаолияти маҳсулотларини жиддий равишда таҳлил қилиб, болалар одамни тасвирлаш учун марказий объектдан бири сифатида танлаганига эътибор қаратдилар. Шаклнинг мураккаблигига қарамай, бадиий ва визуал қобилиятлар ривожланмаганлиги сабабли, болалар уни ривожланишнинг дастлабки босқичларида схематик бош-оёқлилар шаклида тасвирлайдилар, аста-секин уни турли деталлар билан мураккаблаштирадилар. Болаларнинг расмлари уларнинг фикрлашларининг ўзига хослигини акс эттиради, уларнинг характерли хусусиятларидан бири визуал фаолиятни амалга ошириш лаҳзаларида нутқни ривожлантиришга ҳисса кўшадиган ҳикоя қилиш ҳисобланади. Тўғри, болалар одатда натурадан эмас, балки ғояга кўра чизишади ва расмни объект билан таққослашнинг ҳожати йўқлиги таъкидланди.

Бироқ К. Рисчи ўз кузатишларидаги асосий хулоса болалар ижодиёти маҳсулотларининг тарихдан олдинги ва ибтидоий даврлар санъатига ўхшашлиги билан боғлиқ бўлиб, бу болалар тасвирий санъатининг ривожланишини тушунтириш учун биогенетик назарияни қўллаш учун асос бўлиб хизмат қилди.

Йигирманчи асрнинг бошларида машҳур немис ўқитувчиси немис олими Георг Кершенштайнернинг асарлари кўпчиликка маълум эди. Кершенштайнер асосий эътиборни унинг “мен” сўзини болаларнинг ижодий фаоллигини таҳлил қилишга қаратди, унинг фикрига кўра, у

бирон бир доирада чекланмаганида ҳиссий рангга эга бўлади. Кершенштайнер геометрик методга қарши, чунки у бу метод пайдо бўлаётган шахсга ўзига хос ижодий имкониятларни кашф этишга тўсқинлик қилади, деб ҳисоблайди.

Лампрехт (1909) бўйича болалар расмини ривожлантириш даврийлаштирилиши:

1-босқич - 7 ёшгача бўлган боланинг расмлари. “Бола кўрган нарсасини эмас, балки мавзу ҳақида нимани билишини тортади”; у нисбатларга эътибор бермайди, фақат форма контурининг энг ажойиб хусусиятларини қайд этади. Бу текис расм чизиш босқичидир.

2-босқич - шакл ва чизиқларнинг дастлабки маъноси. “Ясси” расмнинг таъсири ривожланишнинг ушбу босқичига таъсир кўрсатишини давом этмоқда.

3 босқич – “силуэтни чизиш босқичи, яъни объектларни шаклларнинг нисбати ва уйғунлигига мувофиқ чизиш, аммо перспективани ишлатмасдан текис шаклда”.

4 босқич - перспективали расм. 10 ёшга келиб, ўғил болаларнинг атиги 50 фоизи ушбу имкониятдан фойдаланади, қиз болаларда эса бу кўрсаткич 13 ёшга тўлганда кузатилади.

Кершенштайнер таъкидлашича, расмни тасвирлаш барча 4 босқичдан ўтиши керак. Ёшидан қатъий назар, у ҳар бир олдинги қадамни энгиб ўтиши керак. Ўқитиш принципининг рад этилиши имидж тузилишининг йўқлигига олиб келди. У геометрик усулга қарши эди. Бепул таълим назарияси.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Сулаймонов А. Тасвирий санъат таълими сифати самарадорлигини оширишнинг дидактик имкониятлари. /Тошкент 2017-
2. Ўқув жараёнига замонавий инновацион технологияларни жорий этиш: муаммо ва ечимлар /республика илмий-амалий конференцияси материаллари. – Тошкент: ЎзПФТИ, 2017.
3. Clarke, Angela; Hubert, Shane. Envisioning the Future: Working toward Sustainability in Fine Art Education /INTERNATIONAL JOURNAL ART & DESIGN EDUCATION. FEB. 2016. – 36 – 50.
4. <https://apps.webofknowledge.com>



#### **IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР**

**1-амалий машғулт: Тасвирий санъат дарсларида педагогик ва ахборот технологияларидан фойдаланиш воситасида бадий таълим сифати ва самарадорлигини ошириш.**

##### **Режа:**

1. Тасвирий санъат фанларини ўқитишда интерфаол методлар.
2. Мультимедиали дастурий-педагогик воситалардан фойдаланиб тасвирий санъат фанини ўқитишни ташкил этиш методикаси;
3. Тасвирий санъат дарсларида ахборот технологияларидан самарали фойдаланиш.

##### **1. Тасвирий санъат фанларини ўқитишда интерфаол методлар.**

Ҳозирги кунда янги интерфаол методларнинг юздан ортиқ турлари мавжуд бўлиб, улардан асосийлари таълимда барча фанларни ўқитишда фойдаланиб келинади.

##### **1. Ақлий хужум методи**

Ақлий хужум методининг моҳияти шундан иборатки, ўртага ташланган муаммо мутахассислар (барча ишлаб чиқариш соҳаларида) ёки ўқувчи ва талабалар (таълим соҳасида) томонидан муҳокама этилиб, унинг энг самарали ҳамда мақбул ечими танлаб олинади.

Таълимда ақлий хужумни ўтказишда гуруҳнинг барча аъзолари, яъни иқтидорли ва нофаол аъзолари бирдек фикр-мулоҳазалар билдириши шарт. Шу боис ўқитувчидан барча қатнашчиларнинг фаол иштирок этишида жонбозлик кўрсатиш ва уни таъминлашни тақозо этади. Бунда билдирилган тўғри ёки нотўғри фикрлар, ғоялар чекланмайди ва ўқитувчи ёки гуруҳ аъзолари бир-бири томонидан танқид этилмайди. Яъни, бу метод гуруҳнинг барча фаол аъзолари қаторида пассив, ўз жавобига ишончсиз ва иккиланувчи аъзоларини ҳам фаоллаштиришни асосий мақсад қилиб олган.

##### **2. Кластер (ахборотларни ёйиш) методи**

“Кластер”- сўзи “боғлам” маъносини англатади. У ўтилган мавзуни тушунтириш ва улар асосида хулосага келиш жараёнининг ўқув мақсадига қараб босқичма-босқич ҳаракатланишини тақозо этади. Якуний натижа эса, янги билимларнинг фикрлар хилма-хиллиги асосида ўзлаштиришни таъминлайди.

Бу методнинг мазмун ва моҳияти талабалар томонидан ўрганилаётган мавзуни қисмларга ажратган ҳолда фаол ўзлаштиришга йўналтирилган. Унда тушунча ва ҳодисаларнинг узвий боғланишларини аниқлаш кўникмалари кўп вариантлик асосида шаклланади, фикр ва мулоҳазаларни мустақил ҳал қилишга эришилади.

Кластер методидан фойдаланиш учун талабаларни кичик 3-5тали гуруҳларга ажратиб, талабадан эркин ва очиқ тарзда фикр юритиш ҳамда мавзуни ўзлаштириши учун 15-20 дақиқа вақт ажратилади.

### 3. Синквейн методи

Синквейн” французча сўз бўлиб, “беш қадам” маъносини англатади. Синквейнда нарса ёки ходиса ҳақидаги фикр қисқа кўринишда 5 қаторда шеърӣ мисра каби ифодаланади.

- 1- қаторда муаммо мавзусининг битта (от) сўзи берилади;
- 2- қаторда муаммо мавзусига мос келадиган иккита сифати берилади;
- 3- қаторда муаммо мавзусига оид 3та ҳаракатни билдирувчи феъл ифодаланади;
- 4- қаторда мавзуга оид тўрт сўздан иборат жумла тузилади;
- 5- қаторда муаммо мавзуни мазмун ва моҳиятини ифодаловчи муаммо мавзунинг битта синоним сўзи белгиланади.

Масалан: 1. Ўқиш; 2. Интилиш, чидам; 3. Фаол ўйлаш, тушуниш, изланиш; 4. Билимлар бирлигини эгаллашга интилиш; 5. Билиш.

Бундай бешлик-синквейн тузиш ёрдамида талабалар ўз фикр ва мулоҳазаларини жамлаб, уларни ихчам ифодалашга ва ўтилаётган мавзу бўйича мустақил мантиқан тўғри хулосаларни чиқаришга ўрганадилар.

### 4. Ажурли арра (Ажурная пила) методи

Берилган муаммонинг ўрганиладиган материаллари 1, 2, 3 ёки 1, 2, 3, 4та қисмга ажратилади. Гуруҳ аъзолари ҳам айнан шунча а, в, с ёки а, в, с, d гуруҳчаларга бўлинади. Ўқув материалнинг тегишли қисмлари тегишли гуруҳчалар қатнашчилари томонидан алоҳида-алоҳида ўрганилади. Яъни:

- a* гуруҳчада 1- қисм материаллари;
- b* гуруҳчада 2- қисм материаллари;
- c* гуруҳчада 3- қисм материаллари ёки
- a* гуруҳчада 1- қисм материаллари;
- b* гуруҳчада 2- қисм материаллари;
- c* гуруҳчада 3- қисм материаллари.
- d* гуруҳчада 4- қисм материаллари ўрганилади.

Сўнгра а, в, с ёки а, в, с, d гуруҳчалар аъзоларидан биттадан қатнашчиси бўлган янги abc ёки abcd гуруҳчалар ташкил этилади. Шакллланган янги гуруҳчанинг ҳар бир аъзоси ўрганиладиган материалнинг 3дан ёки 4дан бир қисмини ўзлаштиришган бўлади. Улар бундай ўзлаштириб олган материалларини бир-бирига ўргатиб синтез-ўрганиладиган материални тўлик, яъни барча қисмларини тасаввур қиладилар. Натижада барча гуруҳ аъзолари қисқа вақт ичида зарур бўлган материални ўзлаштириб олиш имкониятига эга бўладилар.

### 5. Ҳамкорликда ўқиш методи

Бу методнинг моҳияти шундан иборатки, гуруҳда 2 ёки 4-5 аъздан иборат гуруҳчалар ташкил этилади. Берилган вазифанинг ечимини улар биргаликда ҳамкорлик асосида ишлаб чиқишади. Сўнгра улардан бири мақбул ечимни гуруҳга эълон қилади. Гуруҳ аъзолари унинг маълумотининг камчилик ва афзалликларига изоҳ беришлари ҳамда унга кўшимча қилишлари мумкин.

### 6. Мунозара, баҳс ва мулоқотлар ўтказиш методи

Анъанавий ўқитиш методида ўқитувчи билан ўқувчи орасида кечадиган

мунозара, баҳс ва мулоқотлар ўзлаштиришни оширувчи омиллардан ҳисобланади. Бунда улар орасида кечадиган баҳс ва тортишувларда тенг ҳуқуқлилиқ мавжуддир. Шу боис бундай фаолиятлар ўқувчилар орасида кечса ва унда ўқитувчи бошқарувчи фигура бўлиб, мақсадли ҳамда ўринли савол ва изоҳлар билан мунозарани бошқариб турса, ўзлаштириш самарадорлигини оширади.

Бу методдан кўзланган мақсад муҳокама этилаётган муаммо бўйича талабаларнинг ўзаро фикр алмашувларини, баҳс ва мунозараларини қўллаб-қувватлаш ҳамда уларга тўғри йўналиш беришдир. Пировард натижада муаммога тегишли маълумотларни талабалар томонидан атрофлича ва чуқурроқ ўрганишдан иборат.

### **7. Сурилган маъруза методи**

Бу методда талабалар эълон қилинган янги мавзуга оид билимларини 5 дақиқа давомида маъруза дафтарига ёзадилар. Ёзилган маълумотларни ёнма-ён ўтирган талабалар кичик гуруҳчалар бўлиб муҳокама қиладилар. Гуруҳда кичик гуруҳчалардан 3 ёки 4тасининг маълумотлари тингланади ва улар ўқитувчи томонидан умумлаштирилади. Сўнгра маъруза эшитилади ва унинг охирида талабалар томонидан дастлабки умумлаштирилган маълумот билан маъруза маълумотларининг қанчалик бир-бирига мослиги таҳлил қилинади.

Бу методни қўллаш натижасида талабалар маъруза мавзусига оид маълумотларни ўз тафаккурида излаш ва ёдга келтириш қобилиятларини шакллантирадилар ҳамда оширадилар. Агар у одатий тусга айланса, талабаларнинг дарсга бўлган қизиқиши фаоллашиб ўзлаштириши ортади.

### **8. Билаган, билишни истаган, билдим методи**

Бу методда янги мавзунинг ўтишдан олдин маъруза ёки амалиёт дафтар варағи устун кўринишида учга бўлинади. 1- устун тепасига “Билаган”, 2- устунга “Билишни истаган” ва 3- устунга “Билдим” деб ёзиб қўйилади. Талаба 1- устунга ўрганилаётган мавзу бўйича ўзи билган маълумотларни ёзади. Бу маълумотларни гуруҳда муҳокама қилиниб 2- устун тўлдирилади. Унга талабалар билишни истаган муаммолар ёзилади. Агар талабалар қийналса, ўқитувчи кўмаклашади.

Янги мавзу ўқитувчи томонидан баён қилинади. Сўнгра талабаларнинг билиб олган маълумотлари 3- устунга ёзиб тўлдирилади.

### **9. Ўқилган материал юзасидан фикр билдириш методи**

Маълумки, анъанавий таълимда мавзуга оид матнли материалларни мулоҳаза юритиб ўқишга ўргатиш эътибордан четда қолиб келади. Шу боис бирор материалга талабаларнинг мустақил таҳлилий фикр билдиришлари оқсаб келмоқда. Тақдим этилган матнни ўқиш ва унга мустақил танқидий фикр билдириш, яъни “ўйлаб ўқиш” таҳлилнинг асосий омили ҳисобланади. Ушбу метод матнни оддий ўқиш билан чекланмай мулоҳаза юритиб, яъни ўйлаб ўқишни тақозо қиладди.

Ўйлаб ўқишнинг энг муҳим жиҳатлари ўқилган материални танқидий таҳлил натижалари тақризнинг ёзма баёни ҳисобланади. Бунда ёзма тақриз қуйидаги саволларни қамраб олади:

1. Матннинг қайси гап ва сўз ифодаларига тушуна олмадингиз?

2. Қайси тушунчалар ёки сўзлар матн мазмунини тўлиқ қамраб олиши мумкин?

3. Матн ўқилгандан сўнг қандай янги фикр ёки саволлар туғилди?

4. Матн муаллифига эътирозингиз.

### **10. Кичик гуруҳларда ишлаш методи**

Гуруҳда кичик гуруҳчаларни ташкил қилиб ўқитиш талабаларнинг дарсда фаоллигини оширади, мунозарада эркин қатнашиш ҳуқуқини беради, машғулотларда бир-бирларини ўргатиш имкони туғилади, ўзини ва бошқалар фикрини қадрлашга ўргатади. Гуруҳчаларда ишлаш учун талабалар ўртасида вазифалар қуйидагича тақсимланади: бир талаба мунозара олиб борувчи, иккинчиси ёзиб борувчи, учинчиси сардор (спикер) бўлади. Гуруҳларга вазифалар берилади. Иш якунида гуруҳ сардорлари вазифа ечимини эълон қилади. Натижалар ўқитувчи томонидан баҳоланади.

### **11. «Меню» методи**

Бу методда гуруҳ талабалари ёки уларни кичик гуруҳчаларга бўлиб, улар билан иш олиб борилади. Бунда кичик гуруҳчаларнинг ҳар бирига алоҳида топшириқ бериш кўзда тутилади.

### **12. “ Дебат” методи**

Дебатлар асосида дарсларни ташкил этишдан кўзда тутилган асосий мақсад муаммонинг ечимини топишда талаба ўзгаларни ўз ёндашувининг тўғрилигига ишонтиришдир. Ўз фикрини мантиқан тўғри баён этиш, ишонарли далиллар топиш ва мустақил таҳлиллар ўтказиб якуний хулосалар чиқариш кўникмаларини шакллантиришда ҳамда ривожлантиришда дебатлар ўтказиш методи самарали ҳисобланади.

Улар талабаларда ўз фикрларини ўзгартиришга таъсир этишнинг ички туйғу қобилиятлари мавжуд эканлигига ишонч туғдиради.

### **13. “Танқидий фикрлаш” методи**

Бу методда гуруҳ талабаларига ёки уларнинг кичик гуруҳчаларига ўз олдидарида турган муаммоларни мақбул ечиш қобилиятларини шакллантиради. Шу боисдан талабаларни машғулотларда кўпроқ баҳсли мулоқотларга жалб этиш тақозо қилинади. Бундай жараёнда талабаларда ўзгаларни тинглаш ва улар билан мулоқотга киришиб, ўзгаларнинг фикр мулоҳазаларини қиёслаш каби қобилиятлари шаклланади ва ривожланиб боради. Уларнинг тафаккурида муаммоларни мақбул ечиш йўллари излаб топиш, мустақил хулосалар чиқариш, мантиқий фикрлаш қобилиятларини ривожлантиришга оид хислатлари ва малакалари сайқалланади.

### **14. Фикрлар ҳужуми методи**

«Фикрлар ҳужуми» методида гуруҳларда янги ғояларни мустақил излаш ва ишлаб чиқишни эркин (танқидий таҳлилларсиз) даражада оширишни таъминлайди. Гуруҳ аъзолари 5-6 талабадан иборат гуруҳчаларга бўлинади ва уларнинг ҳар бирида берилган муаммонинг ечими учун 15 дақиқа вақт белгиланади. Бу вақт давомида гуруҳча аъзоларининг ўзаро “фикрлар ҳужуми” баҳс ва муноразаси ўтказилади. Сўнгра ҳар бир гуруҳча ишлаб чиқилган ғоя ҳақида спикерининг ахбороти тингланади. Ҳар бир маълумотга гуруҳ аъзолари ўқитувчи раҳбарлигида жамоа бўлиб баҳо берадилар ва

улардан энг мантиқий тўғри ва мақбул бўлган ечимлари аниқланади.

Бу методнинг тамойили ва қоидаси шундан иборатки, иштирокчилар томонидан ишлаб чиққан ғоялар танқидий таҳлилдан ҳолислигидир.

### **15. “Бумеранг” методи**

Бу метод талабаларнинг ўқув материалларни оғзаки ва ёзма шаклларда чуқур англаб етиш ва ўзлаштиришга йўналтирилган. Унда иштирокчилар томонидан топшириқларни бажариш жараёнида ўқувчи “ўқитувчи” бўлиб фаолият кўрсатиши назарда тутилади., керакли баллни тўплашига имконият беради.

Ўқитишнинг бу методи талабаларнинг танқидий фикрлаш қобилиятини шакллантиришга имкон яратиб, уларнинг хотирасидаги маълумотларни, ғояларни, фикрларни ва далилларни ёзма ва оғзаки шаклларда баён қилиш кўникмаларини ривожлантиради ва малакаларини оширади.

Шунингдек, бу методдан тарбиявий ишларда ҳам масалан, талабаларга тафсиф бериш каби сифатларини кўрсатишда фойдаланиш мумкин:

Жамоа билан ишлаш маҳорати етарли; муомалали; хушфеъл; кўникувчи; ўзгалар фикрини ҳурмат қилиши; ҳар доим фаол; раҳбарлик сифатлари шаклланганлиги; ишга ижодий ёндошиши; ўз фаолиятига қизиқиши; ўзига ҳолисонна баҳо бериши.

### **16. “Веер” методи**

Бу методнинг моҳияти шундан иборатки, бунда муаммо мавзусининг турли қарашлари, масалан, ижобий ва салбий, афзаллик ва камчиликлари, фойда ва зарарлари, тежамкорлик ва исрофгарчилик каби сифатлари ишлаб чиқилади. Ўқитишнинг бу интерактив методи талабаларнинг танқидий таҳлил қилиш ва мантиқий фикрлаш ҳамда ўз ғоялари, фикрларини ёзма ва оғзаки шаклда ихчам баён этиш ва ҳимоя қилишга асосланган. Бу методнинг яна бир афзаллиги шундан иборатки, муаммо мавзуни ўрганишнинг турли босқичларида қўлланилиши ҳам мумкин:

1- бошида:

-ўз билимларини эркин фаоллаштириш.

2- бевосита мавзуни ўрганиш жараёнида:

-унинг асосийларини фаҳмлаб англаб етиш ва чуқур ўзлаштириш.

3- якунида:

- ўзлаштирилган янги билимларни тафаккуридаги билимлар банкига ўтказиш ва тартибга солиш.

Бу методда асосий тушунчаларга қуйидагилар киради:

Аспект – жиҳат (нуқтаи назар) орқали объект, ҳодиса ва тушунчалар таҳлил қилинади.

Афзаллик – ечимларнинг содда ва осонлиги билан устунлиги ва имтиёзга эгаллиги.

Фазилат – ечимларнинг эвристик жиҳатлари кам амаллилик ва ҳаражатлилик каби ижобий сифатлари.

Нуқсон – назарий ва амалий исботи ҳамда қоида ва мезонларга тўлиқ жавоб бермаслик.

Хулоса – муаммо ечимини ишончли асослаш.

## **17. ФСМУ методи**

(Ф) - фикрингизни баён этинг;

(С) - сабабини кўрсатинг;

(М) - мисол (далил) келтиринг;

(У) - умумлаштиринг.

Бу метод бевосита ўқитувчи ва талаба билан мулоқот асосида кечадиган масалаларни ҳал этишда, баҳс - мунозаралар ўтказишда ёки бирор тадбир якунида қатнашувчиларнинг фикрларини билиш мақсадида қўлланилади. Шунингдек, бу метод талабалар томонидан ўзлаштирилган билимларини объектив-ҳаққоний баҳолашда ҳамда қатнашчиларнинг баҳслашиш маданиятини ҳам оширади.

## **18. Мақсад методи**

Ушбу метод тингловчиларга муаммо мавзусига оид материалларни тарқатилган қоғозга ўз фикрларини лўнда ва қисқа исботловчи далиллар билан ифодалаб, фикрларини ёзма баён этишни шакллантиради ҳамда ривожлантиради.

## **19. Ўтказиш методи**

Ушбу методнинг моҳияти кўп босқичли ФСМУ методи асосида ўтказилишидир.

**1-босқичда** муаммо мавзуси танланади ва тингловчиларнинг ўз фикрларини эркин билдиришга эга эканлиги огоҳлантирилади.

Бу метод қуйидаги тартибда, аввал гуруҳда ҳар бир тингловчи якка тартибда изланишда бўладилар. Кейин гуруҳчаларга бўлиниб фикр алмашадилар. Сўнгра жамоа бўлиб гуруҳ бўйича энг мақбул ечимга ва хулосага келадилар.

**2- босқичда** ҳар бир тингловчига ФСМУ методининг 4- босқичи ёзилган қоғозлар тарқатилади:

Ф- фикрингизни баён этинг.

С - сабаб кўрсатинг.

М - мисол келтиринг.

У - умумлаштиринг.

Тингловчилар якка тартибда ФСМУнинг 4- босқичини ўз фикрларини умумлаштириб ёзма ифодалайди.

**3- босқичда** қатнашчилар гуруҳчаларга бўлиниб ўзлари тўлдирган 4- босқичдаги умумлашмаларни ўзаро таҳлиллаб, ягона умумий хулосага келадилар ва ўқитувчи томонидан иккинчи марта тарқатилган ФСМУнинг 4- босқичига ёзиб қайд этадилар ва тақдимот-ҳимояга тайёрланадилар.

**4-босқичда** гуруҳчаларда умумлаштирилган фикрлар спикер томонидан ҳимоя қилинади ва ўқитувчи ўқитиш жараёнига яқун ясаб, гуруҳ бўйича ягона ечимни ёки фикрни эълон қилади.

Ўқитувчи машғулотга яқун ясар экан, у талабаларга қуйидаги саволларни бериб, бу методга ўз муносабатларини билдиришни сўрайди:

- ундан нималарни билдингиз ва ўргандингиз?

- ундан ўқув жараёнида фойдаланиш қандай самара берди?

- у талабаларда қандай фазилат ва қобилиятларни уйғотди ва

ривожлантиради?

## **20. “Блиц ўйин” методи**

Ушбу методда муаммо ечимидаги амаллар, ҳаракатлар ва механик ишлов беришдаги операциялар кетма-кетликларининг ишчи ёки технологик режаси атайлаб чалкаштириб-аралаштириб юборилган ва N(1.2.3...)та тартиб рақамлар билан белгиланган “ишчи режалар” банки талабаларга вазифа сифатида бериледи. Талабалардан бундай аралаш чалғитувчи жавоблар режалари асосида муаммонинг тўғри ва мақбул ечимининг алгоритмини тузиб чиқиш вазифаси бериледи. Шу боис бу метод талабаларни ўз онгида муаммолар ечимининг алгоритмларини тузишда мантикий фикрлашга, ҳотирасидаги билимлар заҳирасини генерациялаш-кераклигини излаб топишга ва шу аснода ўзларининг мустақил фикрларини бошқаларга ўтказиш кўникма ҳамда малакаларга эришадилар.

Бу методнинг мазмун ва моҳияти шундан иборатки, гуруҳ аъзоларига тарқатилган “ишчи режалар” банкида кўрсатилган чалғитувчи жавоблар кетма-кетликларини таҳлил қилиб, муаммони тўғри ва мақбул ечимининг алгоритмини фикран тузиб, аввал ундаги жадвални якка ҳолда мустақил равишда “якка баҳолаш” қаторига белгилаб чиқади. Сўнгра улар 3 кишилиқ гуруҳчаларга бўлиниб ўз фикрини бошқаларга ўткази олиш ёки ўз фикрида қолиш ва бошқалар билан ҳамфикр бўла олишдек сифатларга эриштиришга қаратилган.

Ушбу метод бир неча босқичда ўтказилади.

**1- босқичда** ўқитувчи ҳар бир учта талабага “ишчи режалар” банкининг бир хил варағини тарқатиб муаммони ҳал қилиш алгоритмининг белгиланган вақтда “якка баҳолаш” қаторига рақамлар ёзиш йўли билан тузиб чиқиш вазифасини беради. Бунинг учун талабалар мантикий фикрлаш ва ижодий изланишлар натижасида аниқлаган алгоритмига чалғитувчи жавоблардаги мос рақамлар билан “якка баҳолаш” қаторини 10 дақиқа ичида тўлдириб чиқади.

Ўқитувчи гуруҳ аъзолари томонидан якка тартибда вазифанинг бажарилишини кузатади, қийналганларга масала шартини қайта эслатиб, йўл-йўриқ кўрсатади.

**2- босқичда** қатнашчилардан 3 кишидан иборат гуруҳчалардаги қатнашчиларни “якка баҳолаш” жадвалларида ҳар бирининг белгилаган кетма-кетликлари қиёсланиб, ўзаро баҳс ва мунозара ўтказишиб, битта умумий ечимга келадилар. Сўнгра тарқатилган қоғоздаги “Гуруҳ баҳоси” қаторига таҳрир қилинган ва гуруҳча қатнашчиларининг ўзаро келишуви натижасида муаммо ечимининг охириги алгоритм варианты рақамларда белгилаб чиқилади.

Бу вазифани бажариш учун 20 дақиқа вақт ажратилади.

**3- босқичда** барча кичик гуруҳлар ўз ишларини тугатгач, ўқитувчи муаммо ечимининг тўғри жавобини эълон қилади. Унинг рақамлари жадвалнинг “Тўғри жавоб” қаторига ёзилади.

Бажарилган вазифа якка тартибда ва ҳар бир гуруҳча учун куйидагича баҳоланади: қатнашчиларнинг жавоблари ўқитувчи эълон қилган тўғри

жавобнинг ярмидан кўп бўлса, “қониқарли”, 75% тўғри келса “яхши”, 100% тўғри келса “аъло” деб белгиланади.


Бу методни чизма геометрияда берилган текисликка бирор масофада унга параллел текислик ўтказиш масаласига қўллаш “Ишчи режалар” банкининг 1- варағида мисол тариқасида келтирилган.

## 21. «Қандай?» иерархик диаграмма методи

«Қандай?» иерархик диаграмма методи асосида фаолиятни ташкил этиш кетма-кетликлари «Қандай?» саволини қўйиш орқали фақатгина муаммони ҳал этишнинг барча имкониятларини тадқиқ этибгина қолмай, балки уларни амалга ошириш усулларини ҳам ўрганиш ётади. Иерархик диаграммаси муаммо ҳақида бутунлигича умумий тасаввурга эга бўлиш имконига эга бўлган саволларнинг мантикий занжири кўринишида намоён бўлади.

Диаграмма «Қандай?» саволини бериб иш бошлайди. Муаммонинг ечимлари кетма-кет ёзиб чиқилади. Янги ғоялар пайдо бўлса, уларни дарахт ёки каскад кўринишидаги схемада яна давом эттириш мумкин бўлади. Бундай муаммолар ечимининг шажараси талабаларда тўғри мулоҳаза юритиш ва хулосалар чиқариш қобилиятларини шакллантиради ва ривожлантиради.

«Қандай?» иерархик диаграммасининг схемали кўриниши



## 22. “3x4” методи

Бу методнинг мазмун ва моҳияти шундан иборатки, гуруҳни 3 ёки 4 та қатнашчидан иборат гуруҳчаларида талабаларнинг ўзаро эркин мулоқатлар олиб бориши ва уялмай-нетмай фикрлаши, кенг доирада биргаликда турли ечим ва ғояларни бера олишларига қаратилган.

## 2. Мультимедиали дастурий-педагогик воситалардан фойдаланиб тасвирий санъат фанини ўқитишни ташкил этиш методикаси.

Тасвирий санъат фанини ўқитишда маъруза ўқув жараёнини ташкил этишнинг асосий шаклларида бири ҳисобланиб, ўқитувчи томонидан ўқув материалларини оғзаки равишда, монологик шаклда, тизимли, маълум бир кетма-кетликда баён этишни назарда тутади. Олий таълим пайдо бўлганидан бўён маъруза асосий ўқитиш шакли бўлиб қолмоқда (лотин тилидан олинган бўлиб, *lection* - ўқиш деганидир). Маърузада ўқитувчи тизимли равишда янги билимларни беради ва ўқув курси бўйича мураккаб бўлган муаммолар тушунтириб берилиши лозим. Маъруза ўқув машғулоти орасида етарли



даражадаги мураккабликка эга машғулот тури ҳисобланади, шунинг учун ҳам уни нисбатан тажрибали ўқитувчиларга ишониб топширилади.

Маърузанинг вазифалари қуйидагилардир: ўқув фани бўйича билимлар тизимини шакллантириш; илмий материалларни аргументларни келтириб (асосли равишда) баён этиш малакасини шакллантириш; касбий фикрлаш доирасини ва умумий маданиятни шакллантириш; дарслик ва ўқув қўлланмаларида ҳали ёритилмаган янги билимларни баён этиш.

Маърузанинг вазифалари қуйидагилардир: инфор­мацион (маълумот бериш) - билимлар тизимини баён этиш; мотивацион - ўқув фани мазмунини ўзлаштиришга бўлган қизиқишни ва бўлажак мутахассиснинг касбий мотивини ўйғотиш; мўлжал олдирувчи - ўқув материални келажакда ҳам ўзлаштирилишини учун асос яратиш; тарбиявий - таълим жараёнига онгли муносабатни шакллантириш, мустақил ишлаш ва мутахассисликни ҳар томонлама эгаллашга интилиш, ўқув фанига қизиқишни ривожлантириш, талабаларнинг тафаккурини фаоллаштиришга кўмаклашиш.

Ҳозирги кунда машғулотларни маъруза методида олиб борилишига қаршилик қилувчиларнинг сони ортиб бормоқда. Уларнинг фикрларига кўра маърузанинг камчилиги, авваламбор, талабалар фаоллигининг етарли эмаслиги, улар томонидан маълумотларни етарлича ишланмаслиги талабаларнинг ижодий фаолиятининг мавжуд бўлмаслиги, уларнинг танқидий тафаккурини, маълумотларни амалий қўллаш ва уларни мустақамлашни сўндиришидадир.

1980-йилларнинг охирида олиб борилган илмий ишларнинг кўпчилигида маърузаларда ўтириш талабаларнинг ўрганиши учун доимо ҳам самарали йўл бўлаолмайди деган фикр таъкидланиб, кейинги йилларда маърузалар миқдорининг камайиши кузатилади. Аммо маъруза ҳозиргача ҳам талабаларнинг таълимий тажрибасининг учун муҳим қисм бўлиб қолмоқда, ҳатто масофали таълим олаётган талабалар ҳам интернет орқали ёзилган маърузаларни кўришлари ва тинглашлари, ёки реал вақтда онлайн маърузаларда видео-конференция технологиялари орқали иштирок этишлари мумкин. Шундай фикрлар ҳам борки, маърузаларнинг сақланиб қолганлигига охирги ўн йил давомида Буюк Британияда талабалар сонининг сезиларли ошганлиги сабаб бўлган. Чунки билимларни етказишнинг бошқа самарали воситалари ҳам мавжуд<sup>4</sup>.

Бирок тажрибаларнинг кўрсатишига кўра, маърузадан воз кечиш талабалар тайёргарлигининг илмий даражасини пасайтиради, шунинг учун ҳам маъруза худди аввалгидек, олий таълим муассасаларида ўқув жараёнини ташкил этишнинг асосий шакли бўлиб қолмоқда.

Ўқув жараёнида таълимнинг маъруза шакли бошқа бир шаклдаги машғулот билан алмаштиришнинг иложи бўлмаса бир қатор вазиятлар юзага келади<sup>5</sup>:

<sup>4</sup> A Handbook for Teaching and Learning in Higher Education, published 2009 by Routledge 270 Madison Ave, New York, NY 10016, chapter V: Lecturing to large groups, Ann Morton, 58 p.

<sup>5</sup> Буланова-Топоркова М.В. Педагогика и психология высшей школы: учебное пособие. — Ростов-на-Дону: Феникс, 2002 й. - 544 б.

- «янги ўқитилаётган курслар бўйича дарсликлар мавжуд бўлмаган вазиятда маъруза - асосий маълумот манбаи ҳисобланади;

- маълум бир мавзу бўйича янги ўқув материали хали дарсликдан ўрин эгалламаганда ёки унинг бўлимлари эскирганда ҳам маъруза - асосий маълумот манбаи ҳисобланади;

- дарсликнинг айрим мавзулари мустақил ўзлаштириш учун мураккаб бўлиб, маърузачи томонидан методик қайта ишланишини талаб этади;

- курснинг асосий муаммолари бўйича қарама-қарши концепциялар мавжуд бўлганда маъруза уларнинг объектив ёритилиши учун муҳимдир;

- маъруза маърузачининг талабаларнинг дунёқарашини шакллантириш мақсадида шахсий ҳиссий таъсир этиши талаб этилганда жуда муҳим ҳисобланади ва ҳеч бир машғулот тури билан алмаштириб бўлмайди. Маърузанинг ҳиссий безаклари чуқур даражадаги илмий мазмун билан уйғунлашиб, тингловчилар билан фикр, сўз ва идрок орасидаги мувофиқликни яратади. Маърузанинг ҳиссий таъсири ижтимоий фанларни ўқитишда муҳим ўринни эгаллайди».

Яхши тайёрланган маъруза қуйидаги жиҳатларга эга бўлиши лозим:

- маълумотлар билан бойитилган, қизиқарли ва жалб этувчи бўлиши;
- мазмуни яхши ташкиллаштирилган ва тинглашга осон. Талабалар аргументнинг ишлаб чиқилишини, ёки маълумот ва ғояларнинг кетма-кетлиги мантиғини тушуна олишади.

- Талабалар ўзларини жалб этилган деб хис қилиши. Бу фаол қатнашиш, улар қўллай оладиган мувофиқ намуналар орқали ўзларининг фикрини билдира олиши орқали таъминланиши мумкин. Гуруҳнинг ҳажмидан қатъий назар, талабаларни уларга савол бериш орқали маъруза мазмунига жалб этиш талабаларни қизиқтиришнинг муҳим усули.

- Талабалар вақт тез ўтганини сезмай қолишади;

- Талабалар гуруҳ хонасидан маълум бир маълумотни эгаллаган хис билан чиқишади, ва кўп ҳолларда манбаларни қидириб, кўпроқ маълумот олишга илҳомланишади.

Маърузанинг тузилишини кўриб чиқамиз. Маърузанинг одатий тузилма элементларига кириш, асосий қисм, хулоса киритилади.

Кириш - аудиторияни ўқув материални идрок этишга қизиқтириш ва йўналтириш мақсадига эга бўлган маърузанинг бир қисмидир. Маърузанинг бу қисмига: маъруза мавзусини баён этиш, унинг касбий аҳамиятини, янгилигини ва унинг ўрганилганлик даражасини, маъруза мақсадини тавсифлаш, маърузада кўриб чиқилиши лозим бўлган асосий муаммоларни қамраб олган маъруза режасини баён этиш, аввалги маърузада кўриб чиқилган саволларни ёдга солиш, уларнинг янги материал билан боғлиқлигини, унинг ушбу фандаги аҳамияти, ўрнини, шунингдек, бошқа фанлар тизимидаги ўрнини белгилашни қамраб олади.

Асосий қисм - таклиф этилган режага қатъий амал қилган ҳолда маъруза мазмунини баён этиш. Маъруза мавзусини очиб берувчи концептуал ва далилли материалларни, уларни таҳлили ва баҳоланишини, илгари

сурилаётган назарий қоидаларни турли усулларда аргументлаш ва исботлашни қамраб олади. Маърузанинг турига қараб иш тури аниқланади.

Хулоса - маърузани умумий хулосалаш, материалларни умумлаштириш, маъруза мавзуси бўйича хулосаларини баён этиш; талабаларнинг саволларига жавоб бериш.<sup>6</sup>

Таълим технологиялардан фойдаланиш ҳажми доимий равишда ортиб бормоқда. Баъзи профессор-ўқитувчилар ҳалигача ҳам технологиялардан фойдаланишни ўқув дастурларини ишлаб чиқишга жорий этишга маълум қисмида қаршилик қилмоқда, шунга қарамай баъзи ўқитувчилар ўзларининг ўрганиш курсларини ва дастурларини электрон вариантда тузиш, ёки ишлаб чиқилган курс ёки PowerPoint тақдимотини интернетга юклашнинг энг оддий усули деб қисоблашади.

Таълимнинг кўриниши қандай бўлишидан қатъий назар (хоҳ у оддий синфдаги дарс ёки масофали ўқитиш, электрон ўқитиш ёки аралаш турдаги ўқитиш бўлсин), курс ёки дастурнинг вазифаси, тузилиши, ишлаб чиқилиши, етказилиш тури ва мувофиқ баҳолаш стратегияси пухта ўйлаб чиқилиши лозим (Стефани, 2006), мисол бўлиб масофали ўқитиш бўлади.

Ўқув дастурини ушбу усулда ишлаб чиқиш “мантикий ишлаб чиқиш” модели бўлиб ҳисобланади, акс ҳолда эса ўқув дастури “хронологик” модель бўйича ишлаб чиқилади; бунда баҳолаш моҳият берилиши давомида маълум бир нуқта бўлиб кўринади, акс ҳолда эса талабанинг ўрганиши давомида умумий жиҳат бўлиши мумкин.

Профессор-ўқитувчиларга ўқув дастурини тасаввур қилиш учун кўмаклашган модель илк маротаба Коуон ва Хардинг (1986) томонидан таклиф қилинган бўлиб, у ҳалигача ҳам жуда қўл келади.

Окленд университети ўрганиш ва ўқитиш бўйича кўп йиллар мобайнида фаолият кўрсатаётган сертификатланган бакалавр дастурига эга. Ўрганиш ва ўқитиш Университети сертификати (SULT) курсини тугатиш бир қатор мавзулар бўйича ўзлаштирилганликни кўрсатувчи портфелнинг презентация-сини талаб қилади. Ушбу мавзулардан бири курсни тузиш ва ишлаб чиқиш бўлиб, ўзининг йўналиши бўйича тажрибадан келиб чиқиб, курсни тузиш схемасининг қуйидаги моделини тақдим қилди:

Орка фон	Муассаса, факультет ва бўлимни ҳисобга олинг (яъни курсни тузиш учун контекстни тузинг)
Режалаштирилаётган ўрганиш натижалари	Талабалар курс охирида нима қилаолишади. Фаол феълларда ифодаланади. Махсус ва ўлчаб бўладиган бўлиши лозим.

<sup>6</sup> A Handbook for Teaching and Learning in Higher Education, published 2009 by Routledge 270 Madison Ave, New York, NY 10016, chapter V: Lecturing to large groups, Ann Morton, 59 p.

Фикрини бериш	Ҳам шакллантирувчи ҳам умумлаштирувчи элементлар Баҳолаш учун ўрнатилган аниқ критериялар ўрганиш натижаларига батафсил боғланган.
Мундарижа	Баҳолаш ва натижаларни қўллаб-қувватлаш учун танланган. Натижаларга мувофиқ чуқур кенг танланган. Маълумотлар ва кўникмаларни ўз ичига олади.
Курс структураси	Ўқитиш вазиятларининг сони ва тури. Танланган мундарижани бошқариш учун талабаларга энг мувофиқларини ажратиб олинг.
Синф хонаси	Ҳар бир ўқитиш сессияси учун натижалар белгиланади. Ҳар бир ўқитиш сессияси учун мавзуларни ва тадбирларни режалаштиринг. Ўзаро таъсирнинг энг мувофиқ режимларини танланг.
Баҳолаш	Курс сифати қандай баҳоланишини режалаштиринг. Жараён очиқлиги манбаларининг бир нечта турини кўшинг. Фақат талабаларни баҳолашдан бошқа вазиятларни ҳам кўринг.

(Сара Хендерсон, Ахборот тизимлари ва операцияларни бошқариш, Окленд университети)

Ишлаб чиқиш циклининг ҳар бир босқичидаги “қандай?” ва “нима?” пунктлари ҳам аҳамиятга эга. Улар бизларни “дастур ёки модуль шакли кўпроқ мундарижа туридан боғлиқ бўлиши керак” деган фикрдан ўтиб фикрлашга, ва мақсад ва кутилаётган натижалар унинг бир қисми эканлигини тушунишга ундаш учун керак.

Мисол учун, агар бизнинг мақсадимиз ўрганишни талабалар маълумотларни таҳлил қилаоладиган йўналишда енгиллаштириш бўлса, қилинган услуб ва ёндашув бошқа йўналишдаги, аммо шу мақсадли бошқа шахснинг услуб ва ёндашувига ўхшаб кетади, бу ерда эса “қандай” саволи ўқув дастурини тузишда “нима” саволидан кўра кўпроқ марказий бўлиб қолади (Коуон, 2006, шахсий муносабат).

Модель ўқитишни қандай қилиб қўллаб-қувватлаш ва нимани ўргатишни ажратиб олишни ўзига савол бериш орқали тезлаштириш, ва бу ишни цикл давомида амалга ошириш имконини беради.

Ушбу модификацияланган модель ўрганиш натижаларини ишлаб чиқиш жараёни марказига қўяди, курс ва дастур учун мақсад ва натижаларни акс эттирадиган муносабатдаги кичик ўзгаришларни кўрсатади. Ишлаб чиқиш жараёнининг ҳар бир босқичида “нимага” саволини кўшиш

ўқитувчиларнинг талабалар амалиётида савол беришини рағбатлантириш ва буни ўқув дастурини ишлаб чиқишда акс эттиришни кўзлайди.

Ушбу моделдан фойдаланиш ўқитувчига ўрганиш натижаларини равшан ва имкониятли тилда аниқлаб олиш, ва бу орқали талабаларга уларнинг ўрганиш стратегиялари орқали фикрлаш имкониятини беради. У шунингдек ўқитувчиларни режалаштирилган ўрганиш натижаларига талабаларни қай тарзда йўналтириш учун кўмаклашади.

Ўқув дастурларини ишлаб чиқишнинг ушбу мантикий модели Биггзнинг ўқитиш, ўрганиш ва баҳолашни мувофиқлаштириш модели (1999) билан мос келади. Кўплаб ўтказилган тадқиқотлар шуни кўрсатадики, талабалар ўқитувчилардан анча олдин баҳолаш жараёни ҳақида ўйлай бошлайди, шу сабабли курсни ёки ўқув дастурини ишлаб чиқишнинг охириги қисми кўриб чиқилади.

Манба: Biggz (1999: 142). Open University press Publishing Company рухсати билан кўрсатилган<sup>7</sup>.

### **3. Тасвирий санъат дарсларида педагогик технологияларидан самарали фойдаланиш.**

**“АЖИЛ” (амалиётда жамоавий ижодий ишлар) технологияси**

Технологиянинг мақсади: талабаларда ижодий фаолият малакалари ва жамоавий ижодий ишнинг турли шакллари билишга кўмаклашиш.

Машғулоти ўтказиш тартиби:

Мавзуни тушунтириш, мавзу танлаш ва танланган эскиз бажаришга – 2 соат;

Мавзуни амалда бажариш учун – 18 соат;

Яқиний хулосалар чиқариб, ишларни баҳолашга охириги соатнинг сўнгида – 20 минут вақт берилади.

1. Технологияни ўқув жараёнида фойдаланиш учун ўқитувчи машғулотнинг бошида талабалар гуруҳи билан олдиндан тайёрланган мавзу бўйича суҳбатлашиб, уларга таклиф этилган мавзулардан бирини танлашга имконият беради. Масалан: «Мавзули натюрморт устида ишлаш» («Мевалар билан натюрморт», «Уй-рўзғор буюмларидан тузилган натюрморт», «Юртим ноз-неъматлари», «Касбга оид натюрморт композицияси»); «Манзара композицияси эскизини ишлаш» («Юртимда баҳор манзараси», «Менинг қишлоғим», «Куз манзараси» «Мен севган шаҳар», «Қурилишда»); «Портрет композицияси ишлаш» («Автопортрет», «Талаба портрети», «Мен севган инсон», «Расом портрети»); «Мавзули мураккаб композиция ишлаш» («Янги уйлар қурилиши», «Истироҳат боғида», «Улоқ», «Ҳамсуҳбатлар - А. Навоий ва Бехзод»)

2. Талабалар ўқитувчи томонидан таклиф этилган мавзулардан бирини танлайдилар, агар улар мавзулардан бирини танлай олмасалар, у ҳолда ўқитувчининг ўзи уларга мавзулардан бирини таклиф қилади.

3. Ўқитувчи гуруҳга топшириқ бериш учун, уларга қарата қуйидаги

---

<sup>7</sup> A Handbook for Teaching and Learning in Higher Education, published 2009 by Routledge 270 Madison Ave, New York, NY 10016, chapter IV: Planning teaching and learning Curriculum design and development, Lorraine Stefani, 41-57p.

фикрни ташлайди ва бу фикрни ўйлаб кўришларини таклиф этади:

“Сиз қаламтасвир ва рангтасвир машғулотларида кўплаб натюрморт композициясини натурадан қараб ишлагансиз, бунда кўпчилик яхши натижаларга эришган. Композиция дарсида сиз аввал рангтасвир, қаламтасвирда олган билимларингизни янада мустаҳкамлаб, мустақил равишда ҳаёлан композиция тузиш ва уни ҳар хил тасвирлаш воситалари ёрдамида бажаришни уддалашингиз керак бўлади. Натюрмортни натурадан ишлаш тажрибаларингизга таяниб, ўз мавзуингиз асосида аввал эскиз, кейин эса композицияни амалда бажараси. Бунда нималарга эътибор бериш, нимадан бошлаб, нимада тугатиш кераклигини яхшилаб ўйлаб кўринг.”

Ўқитувчи кириш сўзидан сўнг “Ақлий ҳужум”, услубидан фойдаланган ҳолда, машғулотнинг қатнашчилари томонидан айтилган барча эркин фикрларни, мулоҳаза ва ғояларни ватман қоғозга ёки ўқув хонаси тахтасига ёзиб боради. Биргаликдаги муҳокамадан сўнг талабалар суҳбатнинг ягона режа-лойиҳасини тасдиқлайдилар. Ушбу тузилган режа-лойиҳа кичик журнал, яъни ўзига хос оғзаки журнал саҳифаларига ўхшашлиги учун, ўқитувчи ушбу суҳбатни – “оғзаки журнал” деб номлашни таклиф қилади ва талабалардан ушбу оғзаки журналга ва унинг ҳар бир саҳифасига ном беришни сўрайди.

4. Ишнинг кейинги босқичини бошлаш учун, қатнашчилар кичик гуруҳларга бўлинади.

5. Ўқитувчи гуруҳларга бу ўзига хос журнални кўриб чиқишни, ҳар бир саҳифага ва журналга умумий ном берилиши кераклигини таклиф этади.

6. Кейин гуруҳларга битта саҳифани (куръа ташлааш ёки ўз хоҳишлари бўйича) танлаш имконияти берилади, ҳар бир гуруҳ ўзлари танлаган саҳифанинг мазмунини очиқ бериш учун тайёргарликни бошлайдилар.

7. Тайёргарлик учун аниқ вақт белгиланади. Тайёргарлик вақтида гуруҳлар ўзлари танлаган саҳифа мазмунини ёритиш усуллари, шакллари, ижросини ва қандай қилиб тақдимот қилиш йўллари аниқлайдилар, вазифаларни бажариш учун тайёргарликни бошлайдилар.

«Мавзули натюрморт устида ишлаш» мавзусидаги оғзаки журнал саҳифалари қуйидагича номланиши мумкин:

1. саҳифа. Мавзу танлаш

2. саҳифа. Танланган мавзу эскизини бажариш (қаламда)

3. саҳифа. Композицияни матога кўчириш

4. саҳифа. Рангда ишлов бериш

5. саҳифа. Умумлаштириш, яқунлаш ишлари гуруҳлар томонидан бажарилган композициялар юқорида белгиланган тартибда амалга оширилади ва бунда барча гуруҳлар иштирок этади.

Талабалар ишлари намойишидан кейин, ўқитувчи талабалар билан биргаликда гуруҳлар томонидан намойиш этилган амалий ишларнинг ижобий ва салбий томонларини муҳокама қиладилар, ушбу машғулот уларни нималарга ўргатганлиги ва улар нималарни билиб олишгани билан қизиқади. Ўқитувчи керакли тавсиялар ва тушунчалар беради, сўнгра машғулотни яқунлайди.

## **Маъруза матни**

1.1 Натуранинг ўзига қараб расм чизишда ҳам тасвирларнинг тўғри, реал бўлиши учун бу қонуниятларни яхши билиш тасвирий саводхонлик туркумига кирувчи малакаларнинг таркибий қисми ҳисобланади.

Тасвирий санъат таълимида ўқувчиларда ёруғлик манбаига кўра унинг йўналишларини тўғри белгилашга ўргатиш ҳам муҳим дидактик аҳамият касб этади. Чунки ёруғликнинг сиртларга ётиши буюмнинг шаклига мутаносиб тарзда содир бўлади.

Мактаб тасвирий санъат таълимида ўқувчиларга, асосан, конструкциясига кўра унча мураккаб бўлмаган геометрик жисмлар, буюмларни тасвирлаш ўргатилади. Ёндашувнинг дидактик қулайлиги шундаки, биринчидан, уларнинг сиртлари, томонлари конкрет бўлганлиги учун уларни “қуриш”, бу жараёнда конструкция ва перспектива қонуниятларига амал қилиш тартибида осонлик (қулайлик) мавжуд бўлади. Бу қулайлик тасвирнинг макондаги ҳолатини тўғри тасвирлаш имконини тақдим этувчи соялар назариясида ҳам ўз ифодасини топади. Бу жараён ўзига хос узвийлик ва узлуксизликда мураккаблаштириб борилади.

Ўқувчиларда сояларга оид назарий билим ва амалий малакаларни шакллантириш ва ривожлантиришда, асосан, геометрик шакллардан фойдаланиш тавсия этилади.

Тасвирий санъат дарсларида нисбатан мураккаб сирт(шакл)лар сфера (айлана)симон буюмларнинг тасвирлари билан боғлиқ. Уларнинг перспективаси, унга монанд тарзда соялари ҳам ўзига хос бўлади. Шу маънода сферанинг шахсий ва тушувчи сояларини қуриш тартибларини билиш тасвирий санъат ўқитувчиси учун муҳим талаб ҳисобланади. Чунки унинг педагогик расмида тасвир объекти, буюмларнинг сояларини тўғри тасвирлаш тартибларини асосли тарзда тушунтириши таълимий аҳамиятга эга.

Шу ўринда ҳақли савол туғилиши мумкин. Келтирилган қонуниятлар, асосан, чизмачиликка оид. Чизмачилик билан тасвирий санъат синфлар кесимида бир пайтда ўқитилмайди, яъни муайян синфда ҳар икки ўқув фани параллел тарзда ўқитилмайди. Демак, ўқувчиларда перспектива, шакл, ёруғ-соя қонуниятларига» оид юқоридаги маълумотлардан фойдаланган ҳолда тасвирий фаолият олиб бориш имконияти йўқ. Бу саволга жавоб тариқасида таъкидлаш жоизки, келтирилган материаллар, биринчи навбатда, тасвирий санъат ўқитувчисига аталган, қачонки улар ўқувчиларга тасвирий санъат қонуниятларини тушунтиришда юқоридаги мисоллар орқали келтирилган қонуниятларга риоя қилинса, шубҳасиз, ўқувчиларнинг тасвирий фаолияти саводлироқ, мазмунлироқ, самаралироқ кечади. Бу жараён ўқитувчи томонидан натурали тушунтиришда, синф ёзув тахтасида, ўқувчиларнинг расм дафтарида бажариладиган педагогик расмда ҳам қўлланилса, ўқувчилар томонидан тасвирий санъатнинг асосий қонуниятларидан бири - перспективага оид қонуниятларни узвий тарзда ўзлаштириб боришлари учун қулай педагогик шароит яратади. Қолаверса, баён этилган назарияларга оид экспериментал материалларнинг амалиётда синаб кўриш жараёни

чизмачилик ва тасвирий санъат қонуниятларини узвий тарзда қўлланилиши ўқувчиларнинг график саводхонлигини сезиларли даражада оширишни таъминлашни кўрсатди. Бу эса тасвирий санъат таълими сифати ва самарадорлигини оширишнинг муҳим дидактик имкониятларидан биридир.

Тасвирий санъат таълими сифати ва самарадорлигини оширишда унинг мазмунини, ўқувчиларнинг бадиий мушоҳадасини бойитадиган манбаалардан унумли фойдаланиш тавсия этилади. Айниқса, ўқувчиларнинг тарих ва адабиёт дарсларида олган билимларидан фойдаланиш ўқувчиларнинг композицион фаолият борасидаги ҳаракатларида асқотади. Жумладан, тарихий манбалар ҳамда бадиий асар сюжетлари асосида композиция ишлашда таъсирчан мавзу сифатида танланиши мумкин.

7-8-синфларда Ўзбекистон тарихи фанини ўқитиш самарадорлигини оширишда қўшимча манбаа сифатида тасвирий санъатнинг тарихий жанрдаги асарларидан, шунингдек, миниатюра асарларидан фойдаланишнинг таълимий ва тарбиявий аҳамияти беқиёс. Бу жараёнга тесқари алоқа сифатида тасвирий санъат дарсларида тарихга оид материаллардан фойдаланувчи ўқувчиларнинг ҳар икки фанга оид билимларини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Тарихий мавзудаги тасвирий санъат асарлари ўқувчиларда тарихий тушунчаларни шакллантиришга, уларнинг назарий хулосалар ва умумлашган яқунларидаги ижтимоий ривожланишнинг объектив қонуниятларининг ўзаро алоқаларини яхшироқ тушуниб олишга ёрдам беради, шунингдек, ўқувчиларни эстетик жиҳатдан тарбиялашнинг муҳим воситаси сифатида ҳам эътиборлидир.

## **2-амалий машғулот: Тасвирий санъат таълимининг хорижий тадқиқотлар контекстидаги методик тизими таснифи.**

### **1. Бадиий мактабдаги кенг тарқалган таълим методлари: коллектив ўқитиш методи, лаборатория-гуруҳли метод ва лойиҳали метод.**

Бадиий мактабда коллектив ўқитиш методи, лаборатория-гуруҳли методи ва лойиҳа методи каби ўқитиш методлари энг кенг қўлланилади. Коллектив ўқитиш усули “индивидуал услубдан халос бўлиш учун” таклиф қилинди. Ушбу методга кўра, битта ўқитувчи эмас, балки ўқитувчилар жамоаси аудиторияни бошқариши керак эди. Аудитория раҳбарлари биргаликда ўқув машғулотлари ва натура қўйилмаларини ташкил лаштиришди, сўнг ҳар бир ўқитувчи ўз маслаҳатларини берди. Талаба мустақил равишда ўзига энг маъқул бўлганларини уларнинг ичидан танлади. Буларнинг барчаси академик ишларнинг бузилишига олиб келди, чунки раҳбарларнинг маслаҳатлари кўпинча бир-бирига қарама-қарши ҳам эди.

Талабалар ўзлари орасида кўпроқ ишонадиган ўқитувчи раҳбарларини танлашга ҳаракат қилдилар ва раҳбарлар эса улардан энг қобилиятли деб ҳисоблаган ўқувчилар билан ишлашни афзал кўрдилар. Ўқитувчилар қандай қилиб ягона тизимга, ягона ўқитиш услубига интилишларидан қатъи назар, уларнинг ҳар бири санъатга бўлган ўзларига хос услуб ва техникага оид ўз



қарашларига эга эдилар. Шунга ўхшаш ўқитиш методи тўғрисида Д.Н. Кардовский шундай деб ёзган: “Агар биз битта фан бўйича бир нечта ўқитувчиларнинг битта тизимда бир хил талабаларга эга бўлишига имкон берсак, биз етакчилик принципларида келишувга эришган деб тахмин қилишимиз керак, амалда топиш қийин. Амалиётга кўра, талабалар битта ўқитувчини бошқасига алмаштирадилар, тизимсиз равишда у ёки бошқа талабаларга бўйсундилар, ва тизим ўқитувчига номаълум талабаларни тизимли равишда бошқариш қобилиятига эга эмас”.

Ўқитишнинг яна бир методи лаборатория-гуруҳли методи эди. Ушбу метод бўйича талабалар кичик гуруҳларда ҳар бир топширикни бажаришган. Талабалар ўқитувчиларнинг ёрдамсиз таълимий ишларни ташкил қилишлари керак эди - қўйилмаларни тузиш, муайян иш турининг мақсад ва вазифаларини белгилаш. Ушбу ўқитиш методи билан ишлаш жараёнида ўқитувчини бошқариши мақсадсиз бўлганлиги сабабли четлаштирилди ва у оддий пассив кузатувчи бўлди.

Энг кенг тарқатилган ва кўп ишлатиладиган методлардан бири бу лойиҳалаш методи ҳисобланган. Бунинг мазмуни шуни англатадики, талабалар фақат махсус топшириқларни (лойиҳаларни) амалда бажариш билан чекланиб қолишган. Шу билан бирга, ушбу лойиҳани амалга ошириш учун зарур бўлган назарий билимлар берилган.

Лойиҳа методи 20-йилларда америкалик файласуф ва педагог Ж. Дьюининг фикрлари билан ўртоқлашадиган ўқитувчилар томонидан илгари сурилган. Ушбу педагогик ғоялар нафақат олий таълимда, балки ўрта умумий таълимда ҳам тарқалди.

### **3-амалий машғулот. Тасвирий санъат фанларини ўқитишда талабалар мустақил таълимни ташкил этиш.**

#### **Режа:**

1. Тасвирий санъат фанларини ўқитишда мустақил таълим мазмуни, методи ва воситалари;
2. Талабалар мустақил таълим олиш фаолиятини ташкил этиш ва бошқариш технологияси.

#### **1.Тасвирий санъат фанларини ўқитишда мустақил таълим мазмуни, методи ва воситалари**

Ҳозирги вақтда олий таълим тизимида талабаларни ўқув жараёнининг фаол ва ижодкор иштирокчиси сифатида шакллантириш анъанаси пайдо бўлмоқда. Бу ўзгаришларнинг таъсири шундаки, ҳозирги жамиятда ташаббускор, саводхон, янги маълумотларни мустақил олувчи ва фойдаланувчи, ўз касбий малакасини мунтазам оширувчи мутахассисларга зарурият сезилмоқда.

Олий мактабда ўқув жараёни мутахассисларни ҳар томонлама шакллантиришга йўналтирилган бўлиб, уларнинг маълум касбий билим, малака ва кўникмаларни эгаллаш шароитида талабаларнинг билиш фаолиятини ривожлантириш ва бошқариш бўйича ҳар томонлама тизимли иш

олиб боришни талаб этади. олий мактабда таълим кўплаб маълумотлар сиғимини эгаллашга, самарадор, ижодий тафаккурни шакллантиришга, шахсинг интеллектуал салоҳиятини ривожлантиришга, мантикий таҳлил ва маълумотларни ҳар томонлама қайта ишлашга бўйсундирилмоғи лозим.

Мутахассислар тайёрлашда замонавий талабларга биноан таълим жараёнини ташкил этишнинг муҳим шартларидан бири талабаларнинг мустақил ўқув фаолиятини фаоллаштириш ҳисобланади.

Жумладан, тайёрланаётган мутахассис кадрларнинг мустақиллиги, ижодкорлиги, тадбиркорлиги, фаоллиги каби хислатларни таркиб топтиришга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамиз олий таълим тизимида 1998-1999 йилдан бошлаб мустақил таълимга бўлган эътибор кучайтирилди. чунки, ўқув материални мустақил ўзлаштиришга, унинг илмий ахборотлар сиғимини мустақил кенгайтиришга ва мустаҳкамлашга ўрганган талабагина етук мутахассис бўлиб етишади. Мустақил таълим ўқув фанига ажратилган соатнинг бир қисми бўлиб, унга белгиланган материалларни талабалар томонидан мустақил ўзлаштириш кўзда тутилади. унинг ҳажми ўқув фанига ажратилган соатларнинг бакалавриятда 15-20 фоизини, магистратурада эса 40-45 фоизини ташкил этади. ўзбекистон республикаси олий таълим тизимини ислоҳ қилиш бўйича меъёрий ҳужжатларда мустақил таълим ўқув жараёнининг аудиториядан ташқари шакли эканлиги ва у кафедра профессор-ўқитувчилари томонидан ишлаб чиқилган дастур бўйича назарий ва амалий (уй вазифаси, реферат, курс иши ёки унинг бир қисми ва ҳ.к.) топшириқ шаклида ташкил этилиши кўрсатилган. Ўқув фанларининг 1999 йилда чоп этилган намунавий дастурларида мустақил таълим «ишчи дастурга кирмай қолган материалларни ўзлаштириш» деб қайд этилади. Мустақил таълимнинг қайси шаклда ўтказилиши ўқув фанининг ишчи ўқув дастурида аниқ кўрсатилган бўлиши лозим, чунки, мустақил таълим талабалар билимининг сифатига бевосита таъсир кўрсатувчи асосий омиллардан биридир. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 1999 йил 24 декабрь йиғилишида «талабаларда мустақил фикрлаш, билим олиш хусусиятларини шакллантириш муаммолари ҳақида»ги масала кўрилиб, «профессор - ўқитувчилар шахсий иш режаларидаги услубий иш қисмига талабаларнинг мустақил фикрлаш ва билим олиш қобилиятини шакллантиришга қаратилган услубий қўлланмалар ва кўрсатмалар (вазиятли масалалар тўпламлари, хусусий вазифалар ва тарқатма ашёлар ва б.)ни 1999-2000 ўқув йили давомида ишлаб чиқиш киритилсин» деб ҳайъат қарор қабул қилган.

Олий таълим давлат стандартлари асосида ишлаб чиқилган янги ўқув режаларида талабаларнинг мустақил таълим олиш шаклига алоҳида эътибор берилган. мустақил таълимни ташкил қилишда талабанинг вақт бюджетини оптимал тақсимлаш муҳим ўрин тутди. бу ерда кафедра ташкилий ва назорат ишлари учун масъул бўлиб, талабанинг вақт бюджетини ҳисобга олган ҳолда мустақил ишларни мувофиқлаштириб туришлари лозим. Ўқитувчилар эса унинг изчил ва мазмунли бўлиши учун жавобгар ҳисобланади. Талабанинг мустақил ишлаш кўникма ва малакаларини

қанчалик ривожланганлигини назорат қилиш ва баҳолаш меъёрлари фан хусусиятидан келиб чиқиб белгиланади.

Мустақил таълим учун ажратилган вақт бюджетини таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, бунда бир хилликка йўл қўйилган, яъни ҳар бир фаннинг ўзига хос хусусияти эътиборга олинмаган. маълумки, аудитория ўқув соатлари ва ундан ташқари таълимга ажратилган соатлар нисбатини аниқлаш ўқув жараёнини такомиллаштиришнинг асосий шартларидан биридир. ҳозирга қадар бу масалада ягона ёндошувга келинмаган. Мутахассисларнинг асосий қисми талабаларнинг ҳафталик ўқув соатлари бюджети 54 соатни, аудитория машғулоти 36 соатни ташкил этишидан келиб чиқиб аудитория ва ундан ташқари мустақил таълим машғулоти учун ажратилган вақтлар нисбати 1 : 0,5 каби бўлишини ва мустақил таълим учун ажратилган кунлик вақт 3 соатдан ошмаслиги лозим деб ҳисоблайдилар.

Кейинги йилларда ишлаб чиқилган ўқув режа ва дастурларини таҳлил қилиш кўрсатмоқдаки, баъзи таълим йўналишлари ўқув дастурларининг янгиланган вариантларида «мустақил таълим» «мустақил иш»га алмаштирилиб хатога йўл қўйилган. Зотан, мустақил иш - бу мустақил таълим олишнинг биргина шакли бўлиб, мустақил таълим олиш – аудиторияда олинган илмий билимлар сиғимини кўшимча адабиётларни ўқиш, курс иш (лойиҳа)ларини бажариш, метрик ва вазиятли масалаларни ечиш каби жараёнларда амалга оширилади.

*Мустақил таълим олиш* – олий таълим тизимида талабаларнинг мақсадга йўналтирилган ўқув фаолиятидирки, бунда талабаларнинг ўқув фаолияти жараёнида ўқитувчи томонидан мустақил билим олишга йўналтирилади (мустақил ўрганиш учун мавзулар ва адабиётлар тавсия этилади, мустақил иш топшириқлари берилади, ўқув-услубий қўлланмалар тавсия этилади, маслаҳатлар уюштирилади ва бажарилиши назорат қилинади) ва бошқарилади.

Мустақил таълимнинг асосий мақсади -“кадрлар тайёрлаш миллий дастури”нинг якуний босқичи талаблари асосида таълим олувчиларнинг мустақиллиги ва фаоллигини ошириш, тафаккурини ривожлантириш, ўзлаштирилган билимларнинг амалиётга татбиқ этилишини кучайтиришдан иборатдир. замонавий мутахассиснинг ўз билими ва ҳаётий тажрибаларини ошириб бориши унда шахсий хислатларнинг шаклланганлик даражасига боғлиқ. ана шундай хислатларни шакллантиришда мустақил ишлар муҳим аҳамият касб этади. мустақил ишлардан кўзланган асосий мақсад аудитория машғулотида ўзлаштирилган билим ва малакаларни мустаҳкамлаш, янгиларини ўзлаштириш ва ижодий ишлаш малакасини таркиб топтиришдан иборатдир.

В.А.Сластениннинг фикрича, “мустақил таълим – талабанинг шундай билим олиш фаолиятики, бунда унинг изчил фикр юритиши, ақлий ва амалий операциялари ҳамда ҳаракатларининг изчиллиги ўзига боғлиқ бўлади.”<sup>1</sup>

Мустақил таълим – бу таълим олишнинг алоҳида тизимли ёндашишга

---

<sup>1</sup> Барышникова З.А. Организация самостоятельной познавательной деятельности студентов - заочников. - М.: 2000. стр. 48

асосланган мустақил ишлар йиғиндисидир - деб таъриф беради.<sup>1</sup>

Педагогика фанлари доктори Н.А.Муслимов таъкидлайдики, “мустақил таълим (автодидактика)- билимларни ўзлаштириш, тасаввурларини ривожлантириш, тушунчалари, кўникма ва малакаларни ҳосил қилиш бўйича ўқув жараёнининг субъектив мақсадига мувофиқ мунтазам, мустақил ҳамда автоном фаолиятни ташкил этиш демакдир. мустақил билим олишда автономлик - ўқитиш мақсадлари, тамойиллари, мазмуни, методи ва воситаларини аниқлаш, танлаш, уларни қийналмасдан ҳамда ташқаридан ёрдамсиз амалга ошириш қобилиятидир. мустақиллик – шахснинг алоҳида хусусияти, лаёқати, фаоллиги, эътиборини жамлашга қобилиятлилиги, қўйилган мақсадга эришиш учун бор кучини жалб этиши кабиларда амалга ошади.<sup>2</sup>

Муаллиф мустақил билим олишнинг муҳим хусусиятлари сифатида қуйидагиларни кўрсатади: автономлик - ўқитиш мақсадлари, тамойиллари, мазмуни, метод ва воситаларини аниқлаш ҳамда танлаш, уларни қийналмасдан ва ташқаридан ёрдамсиз амалга ошира олиш қобилияти. автономлик мустақил билим олиш ҳисобланади, унга муаммоли ўқитиш, тадқиқотчилик методи асосида иш кўриш сифатида қараш мумкин.

Мустақил билим олиш технологияси ва мустақил билим олиш сабаблари бир-бири билан боғлиқдир: аниқ натижага эриша олишига ишонмаслик талабанинг мустақил билим олишдан бошқа ҳар қандай сабабдан кўра кўпроқ кўнглини совутади.

Мустақил таълим олиш талабаларга жиддий талабларни қўяди. ўқитувчи ва талаба ҳамкорлигидаги фаолиятнинг якуни олдиндан аниқ бўлган ўқитиш жараёнидан фарқли равишда мустақил билим олишда субъект аниқ бўлмаган ва олдиндан режалаштирилмаган натижани қайд этиши, яъни билим, кўникма ва малакаларнинг аниқ ҳажмини ўзлаштириши зарур. ўқитувчининг кўпроқ ёки камроқ иштирокида ўқув топшириғининг мустақил бажарилишидан иборат бу жараён талабалар шахсини камол топтириш тизимидаги зарур бўғиндир.

Мустақил таълим олиш тизими (1-расм)да *ўқитувчи ва таълим олувчи фаолияти* мустақил таълим тизимини ҳосил қилувчи омил ҳисобланади.

Индивидуал таълим бериш ва мустақил таълим олишда фойдаланиладиган ўқув материаллари (мустақил таълим материаллари) ўқитувчи ва таълим олувчи ўзаро мулоқатининг асосини ташкил этади. мустақил таълим материалларини ишлаб чиқиш ва уни педагогик амалиётга татбиқ этиш муҳим педагогик муаммодир.

Талабаларнинг мустақил таълим олиш тизимида *мустақил таълим мазмуни* унинг асосини ташкил этади. мустақил таълим мазмунини мустақил таълим материаллари, таълим берувчи ва таълим олувчи фаолияти ташкил


---

<sup>1</sup> Муслимов Н.А. Булажак касб таълими уқитувчиларини касбий шакллантириш. Монография. -Т.: Фан, 2004. - 128 б. 16 бет.

<sup>2</sup> Муслимов Н.А., Куйсинов О.А. Касб таълими уқитувчиларини тайёрлашда мустақил таълимни ташкил этиш. Методик кулланма. - Т.: ТДПУ, 2006. - 46 б.

этади. бунда ўқитувчи ва талаба мулоқоти асосий рол ўйнайди.

Мустақил таълим олишнинг асосий воситаси - бу *мустақил таълим материалларидир*. улар узвий боғланган тизим бўлиб, дарсликлар, ўқув-методик қўлланмалар ва маъруза матнларидан фарқ қилади. уларда теран ва мазмундор услубий кўрсатмалар, таълим олувчининг билиш фаолиятини бошқариш блоки, касбий тайёргарлиги жараёнида мустақил ўқиш мезонлари, унинг ўз-ўзини мустақил ўқишга йўналтириб бориши, ўз-ўзини назорат қилиши, ўз-ўзини намоён этиши ва шахсий билиш фаолияти жараёнида ўз-ўзини баҳолай олиши учун психологик - педагогик тавсиялар мавжуд бўлади. мустақил таълим материаллари ўқув-услубий қўлланмалари, маъруза матнлари, компьютер дастурлари, аудио ва видео-материаллар, мавжуд анъанавий дарсликлардан фойдаланишга доир тавсиялар, ахборотнинг бошқа манбалари кўринишида бўлади.



1 - расм. Мустақил таълим тизими

Мустақил таълим тизими ривожланган сари таълимий материалларнинг роли ўзгариб боради.

Мустақил таълим материаллари ишланмаси, одатда, олий таълим муассасаси мутахассислари, яъни ўқув фани бўйича тажрибали профессор-ўқитувчилар томонидан амалга оширилади.

Бу шароитда ўқитувчилар фаолиятининг мазмуни ўзгаради. бунда уларнинг методик вазифаси катта аҳамият касб этади. мустақил таълим тизими жуда катта имкониятларга эга. таълим олувчилар ўзининг билиш фаолияти жараёнида ўқитувчилардан оладиган таълим материалларидан ташқари яна кўшимча ахборотлардан ҳам фойдаланадилар. бу ахборотлар уларда ўз-ўзини англаш ва мустақил таълим олиш маҳсули тарзида юзага келади. ўқитувчи томонидан йўналтириладиган таълимий материаллар аҳамиятининг юқори бўлишига қарамай, таълим олувчи ўз-ўзини англаш жараёнида эгаллайдиган ахборот анча маҳсулдордир.

Мустақил таълим мазмуни таълим мазмунига қараганда анча кенг бўлади. мустақил таълим олиш жараёнида таълим олувчи таълим мазмунини танлаш ҳуқуқига эга. у белгиланган билим ва малакани эгаллашида таълим олувчининг мақсад ва вазифаларини акс эттиради.

Мустақил таълим материаллари турли дидактик имкониятларга эга, яъни:

- таълим олувчининг билим, ўқув ва малакалари даражасини оширади (мустаҳкамлайди);

- ўрганилаётган жараёнлар билан боғлиқ асосий ғоялар, тушунчалар, жараёнларни фаоллаштиради ;

- ўрганилаётган материалларни узатади;

- таълим олувчининг билимлар сиғимини кенгайтиради;

- таълим олувчининг амалий кўникма ва малакаларини шакллантиради;

- ўқитувчининг таълим беришдаги фаолиятини ва таълим олувчининг билиш фаолиятини бошқаради;

- янги мустақил таълим материалларини яратишга ижодий ёндошишни рағбатлантиради.

Мустақил таълим олиш тизимида фойдаланиладиган мустақил таълим материаллари турли хил вазифаларни назарда тутаяди. улар орасида ахборот, билиш, ўқув, интеллектуал, ривожлантирувчи, ўз-ўзини белгилаш, бошқариш, мотивацион, назорат, рағбатлантирувчи, инновацион ва бошқа вазифалар мавжуддир.

Мустақил таълим материаллари бир неча белгилари бўйича таснифланади:

1. *Ўқув материали тавсифига кўра*: булар дарслик, ўқув ва методик қўлланмалардан олинладиган билим ва маълумотлар; кўшимча материаллар; намунавий маъруза матни ва бошқ.

2. *Ўқув ахбороти ҳажмига кўра*: ўрганилаётган масалалар, ўқув фани мавзуи бўйича ахборотнинг тўла ҳажми. ахборот технологиялари билан боғлиқ материаллар.

3. *Фойдаланиш муддатига кўра:* таълим олувчиларга бир марта фойдаланиш учун тарқатиладиган материаллар; машғулотларда бир неча марта фойдаланиладиган материаллар.

Мустақил таълим олиш жараёнида мустақил таълим материаллари ҳамда таълим олувчи ва ўқитувчи мулоқати етакчи компонентлар ҳисобланади. бу икки компонентнинг ўзаро таъсир даражаси очиқ таълим моделларини тенглаштиришга ёрдам беради.

Бу фаолият эса куйидаги ҳолларда самарали бўлади. таълим олувчи таълимий ва ўқув материалларидан мустақил фойдалана билса, яъни уларни ажратиб, таҳлил эта олсагина фаолияти самарали бўлади. бунда таълим олувчининг куйидаги *кўникмалари* муҳимдир:

- илмий ҳужжатлар билан ишлаш, унинг мазмунидаги ўзига хосликни ажрата билиши, ўрганилаётган ҳодиса ва омилларни таснифлай билиши;

- ўқув материаллини таҳлил этиш, етакчи ғояларни ажратиб олиш ва уларни асослаб бериш;

- ўқув материаллини тизимларга солиш, етакчи компонентларни ажратиб олиш, улар ўртасидаги тасвирий боғланишларни ва уларнинг дидактик имкониятини аниқлаш;

- мустақил таълим материалларидан фойдаланиш жараёнини, уларнинг тўлдирилиши ва яхшиланишини тартибга солиш.

Кўплаб талабаларнинг илгари мустақил таълим материаллари билан мустақил ишлаш муаммосига ҳеч қачон дуч келмаганини эътиборга олиш лозим. мустақил таълим материаллари дарсликлар, ўқув ва методик кўлланмалардан фарқли ўлароқ тузилиши жиҳатдан мураккаб характерга эга. амалиёт кўрсатадики, кўплаб таълим олувчилар таҳсил жараёнида ўзларининг мустақил таълим материаллари билан ишлай олиш кўникмаларини холис баҳолай олмайдилар. бу баҳолашлар ҳамиша шахсий (субъектив) характерга эга. бу жараённинг холислигини қай тарзда таъминлаш борасида жиддий муаммо чиқади. бизнинг назаримизда бунинг битта ечими бор. таълим олувчиларнинг мустақил таълим материаллари билан мустақил ишлаш кўникмасини баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш, белгилаш, асослаб бериш ва ундан фойдаланишни кўрсатиш лозим. белгиланган мезонлар динамик ва эгилувчан (ўзгарувчан) характерга эга бўлади. ҳар бир таълим олувчи ўзини ўзи баҳолаши ва ўз фаолиятини тўғрилаши ёки ташкил қилишга тайёргарлигига мувофиқ ҳолда мезонлар танлайди.

Таълим олувчиларнинг мустақил таълим материаллари билан мустақил ишлаш кўникмасини эгаллаганлик даражасини баҳолаш мезонлари куйидаги кўринишда бўлади:

- *энг юқори* даража – булар ўқув фани бўйича маъруза ва амалий машғулотларда узатилган ўқув ахборотларни ўзлаштирган, бу ахборотлар сиғимини мустаҳкамлаш ва кенгайтиришга мойил, таълим муассасаси ахборот ресурс марказида мавжуд электрон дарслик ва адабиётлардан хабардор, улардан керакли материалларни ола биладиган ҳамда мустақил ишларни тўлиқ ва тўғри бажара олиш кўникмасига эгалик.

- *юқори* даража – ўқув фани бўйича маъруза ва амалий машғулотларда узатилган илмий ахборотларни маъруза матни ва амалий машғулотларда ўзлаштирган, аммо улар сиғимини кенгайтириш ва мустақамлашга беписанд, ахборот ресурс марказида мавжуд адабиётлардан хабардор, гоҳи-гоҳида бунга вақт ажрата оладиган талабалар киритилди.

- *ўрта* даражада эгаллаган талабаларга мустақил таълим материаллари билан ишлаш малакасига қисман эга, яъни ўқув фани бўйича таълим муассасаси ахборот ресурс марказида мавжуд электрон адабиётлар ва аудио, видео ва интернет материалларидан беҳабар, мустақил ишларни бажариш билим ва малакасига қисман эга талабалар киритилди.

Мустақил таълим материаллари – мустақил таълим олиш тизимининг асосий бўғини. уларнинг тўлақонлилиги ва амалийлилиги кўп жиҳатдан ўқув жараёни самарадорлигини белгилайди. бундай шароитда мустақил таълим материаллари мазмунини доимий равишда бойитиш муҳимдир.

Юқорида баён қилинганлардан келиб чиққан ҳолда талабаларни мустақил таълим олишга ўргатиш - мустақил график фаолият кўникмаларини шакллантириш объектив зарурлиги ўқув фаолияти ҳолати билан таълим олувчиларнинг мазмун, метод ва натижаларга кўра хилма - хил мустақил ўқув ишларини юритишнинг ички имкониятлари ўртасидаги номувофиқлик кўзга ташланади. у талабаларнинг мустақил таълим олиш фаолияти хусусиятлари, унинг моҳияти, ташкил қилиш принциплари, мазмуни ва методларини қараб чиқишга мавжуд ёндошувларнинг хар хиллиги билан тавсифланади.

Тўпланган ва таҳлил қилинган маълумотлар муайян хулосалар чиқариш имконини берди:

#### ***талабалар:***

- мустақил таълим олишга алоҳида қизиқувчанлик (мотив)ни намоён қилмаяптилар;

- ўзларига берилаётган тайёр билимларни, ўқув ахборотларини анча сусткашлик билан қабул қилмоқдалар;

- ўқув машғулотларида мустақил ўқув фаолияти кўникма ва малакаларини саёз эгаллаяптилар;

- дарслик материаллари ва ўқитувчи сўзлари асосидаги ёзувлар (тушунтириш, ҳикоя, маъруза) ни кўр-кўрона ўрганади;

- қўшимча билим манбалари (доимий ижодий ўқув курсларининг зарурлиги ва билимларнинг алоҳида ўрин олишига ишонтирувчи дидактик ва бадиий адабиётлар, кишилар билан мақсадга мувофиқ мулоқот ва бошқалар)дан фойдалана билмасликлар;

- ўзлаштирган билимлар кўпинча репродуктив характер касб этмоқда;

- ўқув фаолияти мотивлари ишончсиз, суст ифодаланмоқда.

#### ***ўқитувчилар:***

- талабаларда мустақил таълим олишга онгли муносабат ва фаол ўқув фаолиятга интилишни шакллантиришда ўз ўқув предмети, уни ўқитиш методикасининг имкониятларидан етарлича фойдаланмаяптилар;



- кўрсатмалилик тамойилига риоя қилмайдилар, ўқув дастурида кўзда тутилган тайёр билимлар асосида ўқитишнинг оғзаки методларини афзал кўрадилар;

- талабаларнинг билишга оид қизиқишларини ривожлантириш, билимларини кенгайтириш, маънавий дунёсини бойитиш, шахснинг юксак ахлоқий сифатларини тарбиялашга имкон берувчи аудиториядан ташқари мустақил ишлар имкониятларидан кам фойдаланадилар;

- мустақил ўқув фаолиятини ташкил қилиш кўникма ва малакаларига эга эмас;

- талабаларнинг мустақил ўқув фаолиятига педагогик раҳбарликни ахён-ахёнда амалга оширадилар, бунда асосан топшириқлар бериш, унинг бажарилишини текшириш ва баҳолаш билан чекланилади.

Тадқиқотнинг кўп йиллик кузатув ва изланишлари асосида тўпланган материаллари шуни кўрсатадики, талабалар фан асосларидан янги билимларни излаш, топиш, шу асосда ўз билим сифатларини оширишга йўналтирилган фаол мустақил ўқув фаолиятини олиб боришлари мумкин. бунинг исботи қуйидаги асослардан иборат:

-*физиологик характердаги асослар*: мижоз турлари, ирсият, минтақамиз болаларининг эрта ривожланиши;

-*руҳий характердаги асослар*: қизиқиш ва мойиллик, руҳий жараёнларнинг ҳолати, ҳиссиётнинг фаоллиги ва йўналиши;

-*ижтимоий характердаги асослар*: янги ҳуқуқий давлатнинг барпо бўлиши, жамиятнинг демократлашуви, минтақанинг этнопсихологик хусусиятлари, ижтимоий техник базасининг ривожланиши, миллий ўзликни англаш ва маданиятнинг юксалиши.

Бу асослар талабаларнинг фаол, мустақил ижодий ўқув фаолиятга ички(потенциал) тайёрлигини кўрсатади. бироқ бу ички имкониятлардан муваффақиятли фойдаланиши учун алоҳида омиллар зарур.

Бу омиллар 4 гуруҳга бўлинади:

1. илмий асосланган тавсиялар, олимлар томонидан таклиф қилинган маҳсус дидактик тадқиқотлар материаллари билан шартланган омиллар.

2. ўқитувчи фаолияти билан яратилган омиллар.

3. талабаларнинг ота-оналари томонидан яратилган омиллар.

4. талабаларнинг индивидуал хусусиятидан келиб чиқадиган омиллар.


Талабалар мустақил таълим олиш фаолиятининг концептуал модели тавсия этилади (2-расм).

Унинг мазмуни қуйидагилардан иборат:

I. *мустақил таълим жараёнининг моҳияти, унинг функцияси*:

Мустақил таълим – талабаларнинг мақсадга йўналтирилган ўқув фаолияти бўлиб, у ўқитувчи томонидан бериладиган ўқув ахборотларини ўзлаштириш, ўқув машғулотлари жараёнида эгалланган билим ва малакаларни мустаҳкамлашдан иборат. мустақил таълим жараёни бир неча функцияларни амалга ошириш учун ўзига хос катта имкониятларга эга: таълимий, ривожлантирувчи, тарбияловчи, касбга йўналтирувчи.

Талабаларнинг мустақил таълим олиш фаолияти учта асосий йўналишда амалга оширилади:



**2-расм. Талабалар мустақил таълим олиш фаолиятининг концептуал модели**

Ўқитувчилар томонидан ташкил этиладиган ўқув машғулотларида (маъруза ва амалий машғулотларда қисқа мустақил ишлар бажариш жараёнида);

- мустақил ишларнинг турли - туман шаклларида ( график ишлар. курс ишларини бажариш, реферат ёзиш, ҳисобот тайёрлаш ва ҳ.к);

- уйда, ахборот ресурс маркази (кутубхона)да ва ҳ. к.

II. талабалар мустақил таълим олиш фаолиятининг тuzилиши:

талабалар мустақил таълим олиш фаолиятининг асосий бўғинлари:

- алоҳида предмет ва ҳодисаларни идрок қилиш;
- онглилик ва ижодий фаоллик;
- тизимлилик, изчиллик ва узвийлик;
- иш мураккаблиги ва қийинчилик даражасининг мунтазам ошиши;
- илгари эгалланган билимларга таяниш;
- ўзлаштирилган билим ва малакаларни бошқа ўқув фанларидан олинган билимларга интеграциялаш (мувофиқлаштириш);
- билимларни тўлдириш ва бойитишга алоҳида қизиқиш;
- ўз ўқишининг натижаларига юксак талабда бўлиш;
- янги билимларни эгаллашда тадқиқотчилик нуқтаи назардан ёндошув;
- мустақил таълим олиш фаолиятини онгли ташкил қилиш;
- мустақил таълим олиш фаолияти барча турларининг ҳиссий бўлишлик ва қизиқувчанлик.

III. *талабалар мустақил таълим олиш фаолиятининг турлари:*

- ўқитувчи томонидан аудиторияда берилган илмий ахборотларни мустаҳкамлаш;
- кўшимча ўқув ва услубий адабиётлардан ўрганилган мавзунинг илмий ахборотлар сиғимини кенгайтириш;
- мустақил бажариш учун берилган топшириқларни бажариш.

талабаларнинг мустақил таълим олиш фаолияти унинг вазифалари ва режалаштирилган натижалар мазмунига боғлиқ ҳолда индивидуал (якка тартибда) ва жамоа характерида бўлади.

IV. *талабалар мустақил таълим олиш фаолиятини ташкил қилиш тамойиллари:*

- янги билимларни эгаллаш, эсда сақлашда ички хоҳиш;
- онглилик ва ижодий фаоллик;
- тизимлилик, изчиллик ва узвийлик;
- иш мураккаблиги, ва қийинчилик даражасининг мунтазам ошиши;
- илгари олинган билимларга таяниш;
- ўзлаштирилган билим ва малакаларни бошқа турдош фанлардан олинган билимларга интеграциялаш (мувофиқлаштириш);
- билимларни тўлдириш ва бойитишга алоҳида қизиқиш;
- ўз ўқишининг натижаларига юксак талабда бўлиш;
- янги билимларни эгаллашда тадқиқотчилик нуқтаи назардан ёндошув;
- мустақил таълим олиш фаолиятини онгли ташкил қилиш;
- мустақил таълим олиш барча турларининг ҳиссий бўлишлик ва қизиқувчанлик.

V. *талабалар мустақил таълим олиш фаолиятига педагогик раҳбарлик методлари:*

1. талабалар мустақил таълим олиш фаолиятининг хусусиятлари, унинг имкониятлари ва турларини ифодаловчи методлар: мустақил топшириқ бериш, натижани текшириш, мустақил ишни ҳимоя қилиш ва ҳ.к.

2. талабалар мустақил таълим олиш фаолиятининг амалий кўникма ва малакаларини шакллантирувчи методлар: мустақил иш бажартириш, амалий машқлар бажариш, чизма ва диаграммаларни бажариш.

3. талабалар мустақил таълим олиш фаолиятининг натижаларини назорат қилиш ва баҳолаш методлари: кузатиш, суҳбат, натижаларни текшириш, баҳолаш, тест ўтказиш, ҳимоя қилдириш ва ҳ.к.

*VI. талабаларнинг мустақил таълим олиш фаолиятига тайёрлик мезонлари:*

1. талабаларнинг мустақил таълим олиш фаолиятига психологик тайёрлигини ифодаловчи мезонлар:

- олий асаб фаолиятининг тури, руҳий жараёнларнинг ҳолати;
- билишга оид қизиқишлар, қобилият ва эҳтиёжлар;
- ўқиш мотивлари, унинг зарурлигини англаш.

2. талабаларнинг мустақил таълим олиш фаолияти учун зарур бўлган назарий билим даражасини ифодаловчи мезонлар:

- инсон ҳаётида билимларнинг тутган ўрнини, уни доимий тўлдириб бориш зарурлигини тушуниш;

- мустақил таълим олиш фаолиятининг тутган ўрнини англаш;
- мустақил таълим олиш фаолиятининг хусусиятлари, унинг имкониятлари, тур ва методларини билиш.

3. талабаларнинг мустақил таълим олиш фаолияти учун зарур бўлган мавжуд амалий кўникмаларни ифодаловчи мезонлар:

- мустақил таълим олиш фаолияти вазифаларини аниқлаш, унинг турлари ва ўтказиш методларини танлаш;

- мустақил иш режасини тузиш, натижаларни лойиҳалаш;
- мустақил иш ўринлари ва ўқиш учун зарур бўлган барча воситаларини таъминлаш;
- фаол иш методларини танлаш ва улардан ижодий фойдаланиш;
- ўз-ўзини текшириш, тузатиш ва қўшимчаларни киритишни амалга ошириш;

- ўқитувчиларнинг маслаҳат ва тавсияларидан фойдаланиш;
- муайян мавзу устида ишлаётганда турли ўқув предметларини ўрганиш жараёнида эгалланган билим ва малакалардан фойдаланиш, илмий адабиётларни ўқиш;

- энг фаол талабаларнинг мустақил таълим олиш фаолиятини ташкил қилиш тажрибасини кузатиш, ундан ижодий фойдаланиш учун энг муҳимларини танлаш.

*VII. талабалар мустақил таълим олиш фаолиятининг асосий компонентлари (таркибий қисмлари):*

1. мустақил таълим вазифасини аниқлаш, унинг моҳиятига етиш, уни ҳал қилиш зарурлигини тушуниш.

2. кутилаётган натижаларни лойиҳалаш.

3. ишларни режалаштириш.

4. иш ўрни ва барча зарурий ўқув воситаларини тайёрлаш.

5. вазифаларни ҳал қилишга йўналтирилган фаол ҳаракатни бошқа-риш.

6. ўз - ўзини назорат қилиш ва баҳолашни амалга ошириш.

7. олинган билимларни ўзлаштириш, хулосаларни мустақил ифодалаш.

Талабалар мустақил таълим олиш фаолиятининг асосий мезонлари ўқув мотивлари (далиллар, ички хоҳиш) ҳисобланади ва у талабаларни фаол фаолиятга йўллайди.

*VIII. талабалар мустақил таълим олиш фаолиятига педагогик раҳбарлик, бошқаришни ташкил қилиш технологияси:*

- педагогик раҳбарлик талабалар мустақил таълим олиш фаолиятини такомиллаштириш шарти ҳисобланади. педагогик раҳбарлик самарадорлиги бир қатор омиллар, энг аввало, ўқитувчи шахси, унинг обрўсига боғлиқ.

Педагогик раҳбарлик методикаси ўқитувчига қўйиладиган қуйидаги талаблар орқали аниқланади:

- талабаларнинг индивидуал хусусиятлари даражасини билиш;
- ҳар бир талабанинг шахсий қобилиятини лойиҳалаш кўникмаси;
- талабаларнинг ривожланиш даражаларини билиш.

Шундай қилиб, талабаларнинг мустақил таълим олиш фаолияти мураккаб билиш жараёни бўлиб, талабалар зарурий ақлий қизиқишлик билан ўрганилаётган предметлар, ҳодисаларни таҳлилқилиш ва умумлаштиришга мустақил ёндошган пайтда ўз самарасини беради.

### **Талабаларнинг рангтасвир жараёнидаги мустақил (аудиториядан ташқари) ишлари**

Рангтасвир малакаларини ўзлаштириш жараёнидаги талабаларнинг мустақил ишлари (ТМИ) талабаларнинг ўз олдига у ёки бу вазифаларни онгли равишда қўйиш, ўз ўқув – ижодий ишларини режалаштириш, уни амалга ошириш ва объектив баҳолаш қобилиятларини ривожлантиришга қаратилган таътим жараёнидир. Бу жараён самарадорлигини ошириш мақсадида унинг элементларини тартиблантириш ва мувофиқлаштириш–ТМИ ташкил қилишнинг асоси. Талабаларнинг рангтасвир бўйича аудиториядан ташқари ўқув-ижодий фаолияти самарадорлиги бўладан ўқитувчи – рассомларнинг бутун таълим жараёни сифатига таъсир ўтказди, шу сабабли уни ташкил қилиш тасвирий санъат ўқитиш методикасининг долзарб маммоларидан саналади.

Кейинги вақтда ОЎЮ ўқувжараёнида аудитория юкламасини қисқартириш ва талабаларнинг МИ ролини ошириш тенденцияси кузатилмоқда. 5110800 - «Тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси» ихтисослиги ДТС рангтасвир билан ўстахонада шуғулланишга ажратилган соатлар миқдорини анчагина қисқартиришни кўзда тутди. Бу рангтасвир асосларига мустақил ишларни амалга оширишда ўқитишни ташкил этишга алоҳида эътибор беришга ундайди.

Рангтасвир бўйича талабаларнинг мустақил ишлари самарадорлигини оширишни талабаларнинг синфдан ташқари ўқув– ижодий ишларининг мақсад ва вазифалари аниқ ифодаланган ва ижодий топшириқларни ўз ичига олган дастуридан фойдаланишда билиш мустақиллиги ва ижодий фаоллигининг ўсиши билан боғлаймиз.

«Расмий» таълим давомида ҳамма нарсага ўқитишнинг иложи йўқ. Бу тушунарли, демак ўқишга ўргатиш, инсонни ўқишда мустақил қилиш керак. Таълим жараёни талабалар мустақиллигининг қанчалик юқори даражасини таъминласа, унинг сифати ва самарадорлиги ҳам шунчалик юқори бўлади.

ТМИ рангтасвирга ўқитишнинг узвий бир қисми саналади. У факультет талабасининг ўқув-билиш фаолиятдан мустақил касбий фаолиятга табиий ўтиш жараёнини тезлаштириш имконини беради. Бундан ўқув – тарбия жараёнини такомиллаштириш вазифалари: ижодий характердаги топшириқларни кўпайтириш, ўқув фанларини интеграциялаш ва ш.к. келиб чиқади.

Аудитория ишининг мустақил (уй) ўқув – ижодий фаолият билан ўзаро алоқаси икки хил намоён бўлади. Тасвирий саводхонлик назарияси бўйича маърузалар ва устахонада ўқитувчи раҳбарлигида амалий ишлар талабанинг мустақил ишлари учун замин ҳозирлайди, айти пайтда мустақил фаолият ўз-ўзидан янги билимларга эҳтиёжни келтириб чиқаради. ОЎЮ таълим жараёнида МИ ўқиш ва ўз-ўзига таълим ўртасидаги ўтиш босқичи саналади.

Рангтасвир бўйича талабаларнинг мустақил ишлари системасида нафақат аудитория ва уй вазифаси ўртасидаги ўзаро алоқа, балки турли фанлар интеграцияси жуда муҳим. Уни таъминлаб, талабаларга шундай таълим ва тарбия муҳитини яратиш керакки, унда уларнинг ҳар бири нафақат бўлажак касбий фаолият асосларини ўзлаштирисин, балки касбий фаолиятда фаол шахсий позиция эгалласин, ўз потенциал имкониятларини оча билсин.

Рангтасвир бўйича ТМИ дастури бошқа фанлар, айтик расм билан боғланган бўлиши керак. Зеро реалистик рангтасвирда расмнинг барча талабларига риоя қилиш мажбурий саналади. Бизни ўраб турган оламнинг ранг бойлигини бериш расмнинг асосий вазифаларини: композицион жойлаштириш, шаклни перспектив ва конструктив қуриш, пропорцияларга амал қилиш, катта ҳажмда ёруғ-соя градацияларини ва улар ўртасидаги тонал муносабатларни беришни бажариш билан бирликда муваффақиятли амалга оширилади.

Тобора умумий кўринишда рангтасвирга ўргатиш учта ўзаро узвий боғлиқ компонент: таълим мазмуни, ўқитувчининг фаолияти ва талабанинг фаолиятдан иборат.

Бадий олий ўқув юртлари 5110800 - Тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси ихтисослиги бўйича таълим мазмуни Олий ўқув юртлариаро ўқув-методик бирлашма томонидан тавсия қилинган дастур ва ўқув режасида ўз аксини топган.

«Рангтасвир» курси бўйича таълим мазмуни билимларнинг шаклланган маълум системасидир. Система сифатида, у, табиийки, ички тузилиш, ўзаро чамбарчас боғланган маълум элементлар жамидан иборат структурага эга. Шундай, қонуниятларнинг қандайдир йиғиндисини (ранг–тон муносабатлари қонуни, соялар назарияси, ранг гармониялари назарияси ва б.) мумкин, уларнинг ҳар бирини кичик структура деб баҳолаш мумкин.

Ўз навбатида, ҳар қандай назарияни асосий элементларга ажратиш мумкин. Назариянинг бу каби элементлари тушунчалар, қонунлар,

принциплар, қоидалар саналади. Маълум мезонга мувофиқ ўрганиладиган ҳодисалар доирасини ажратиб, биринчидан, махсус тушунчалар ёрдамида бу ҳодисаларни тавсифлаш, иккинчидан, аниқланган қонуниятлар, қоида ва принциплар асосида бу ҳодисаларнинг ўзаро алоқаларини тушунтириш; учинчидан, ишлаб чиқилган методик кўрсатмалар ёрдамида кузатилаётган ҳодисаларни тасвирий санъат воситалари орқали қандай беришни тушунтириш мумкин.

Ўқув материали талабалар томонидан мустақил ўзлаштирилиши учун у саводли тарзда структураланган ва тартибланган бўлиши керак. Бу жараёнда кўп нарса ўқитувчининг назария ва амалиёт борасида профессионализмга боғлиқ. Профессор Н.Н.Ростовцев ёзади: «Педагогнинг хизмати ишларнинг мураккаб комплексини алоҳида таркибий қисмларга моҳирона ва чуқур ўйлаб ажратиши саналади»<sup>1</sup>.

«... ўқувчилар билимларни мустақил, ижодий даражада эгаллаши учун улар ўзининг билиш фаолияти предметини ва у билан қандай ишлашни билиши керак. Бунга уларни махсус ўргатиш лозим». Демак, талабаларнинг рангтасвир бўйича мустақил ўқув–ижодий фаоллигини ошириш учун таълим жараёнида талаба улар воситасида рангтасвир қонуниятларини ўзлаштириши мумкин бўлган алоҳида шакл ва ҳаракат усулларини ажратиш керак. Ҳаракатларнинг маълум кетма-кетлиги ва усулларида иборат бўлган рангтасвир методлари нафақат этюдда натурани тасвирлаш учун хизмат қилади, балки ўзи ҳам ўзлаштириш предмети саналади.

Таълимнинг ривожлантириш вазифаси ва талабаларнинг билишга қизиқиши, ташаббускорлиги ва ижодий мустақиллигини ривожлантириш ўқув материалининг нафақат мазмуни, балки структурасига ҳам таааллуқли бўлиши керак.

ТМИ - ОЎЮ да таълимнинг энг муҳим элементларидан бири. Бу ўқитувчи фақат талабаларнинг билиш фаолиятини ташкил этиши ва йўналтириши билан боғлиқ. Унинг самарадорлиги талабаларнинг саъйи - ҳаракатларига боғлиқ бўлади. Билимларни мустақил излаш ва малака ҳамда кўникмаларни такомиллаштириш - ОЎЮ таълимининг фарқли хусусияти саналади. Амалда, олий мактабда таълимнинг бутун жараёни махсус ташкил қилинган ТМИ га айлантирилиши керак.

Талабаларнинг ижодий мустақиллигини ривожлантириш учун шароитларни таъминлайдиган аудитаориядан ташқари ўқув ишларини режалаштириш бўлажак мутахассислар махсус тайёргарлигини янгилаш ва кучайтиришнинг стратегик йўналиши. ОЎЮ илмий – педагогик ходимлари талабаларда мустақиллик, ташаббускорлик, ижодий қобилиятларни ривожлантириши шарт. Бу вазифани ҳал қилиш олий касбий таълим дастурларини ишлаб чиқаришда ТМИ рационал режалаштириш, ташкил ва назорат қилишнинг методологик принциpidан фойдаланишни кўзда тутади.

Замонавий таълим технологияларининг самарадорлиги иккита тенг натижа нуқтаи назаридан баҳоланади: бир томондан, ОЎЮ

---

<sup>1</sup> Ростовцев Н.Н. Академический рисунок. Курс лекций. – М.: Просвещение, 1973, 131 бет

битирувчиларининг яхши ташкил қилинган ва системалаштирилган билимлар билан қуролангани; иккинчи томондан уларнинг янги билимлар дунёсида кечаётган ўзгаришларни идрок этишга тайёрлигини белгилайдиган ўз-ўзига таълим малака ва кўникмаларининг ривожлангани.

Уй вазифасининг зарурати унинг педагогик функцияларидан келиб чиқади. Таълимнинг энг муҳим вазифаларидан бири – барча талабаларнинг (умумий) асосий билимларни эгаллаши. Бироқ идрок этиш тезлиги, демак, янги материалнинг алоҳида талабалар томонидан ўзлаштирилиши учун талаб қилинадиган вақтда тафовутлар мавжуд.

Ўқимишлилик даражаси юқори бўлган талабаларга рангтасвирнинг асосий тушунчаларини ўзлаштириш учун машқларнинг минимал сони етарли бўлади. Нисбатан секинроқ ўзлаштирадиган талабаларга эса кўпроқ вақт ва машқ керак. Фақат дарснинг ўзида талаба мустаҳкам билим ва малакага эга бўла олади, деган фикрни хато деб ўйлаймиз. Уй вазифалари зарур. Бироқ қатъий дифференциация зарур, чунки материални ўзлаштирадиган талабани устахонадаги машғулотларда осонгина бажариб қўйган машқини уйда бадаришга мажбур қилиш рационал ҳам тўғри ҳам бўлмайди.

Бундан ташқари, мустақил уй иши шахснинг фаолиятда қанчалик намоён қилишига боғлиқ бўлган шахсий сифатларни ривожлантириш учун ҳам жуда муҳим аҳамиятга эга. Фаолиятда талаб қилинмайдиган шахсий сифатлар ривожланмасдан қолиб кетади. Мустақиллик ва масъулиятни тарбиялаш муаммосини шу нуқтаи назардан қараб чиқиш керак бўлади.

Баъзан қобилятли талаба ҳаётда муваффақиятсизликка учрайди, чунки унга ирода кучи, интизом, масъулият ва мустақил фаолият учун интеллектуал ва ижодий омиллар каби зарур бўлган бошқа характер қирралари етишмайди. Аудитория машғулотлари жараёнида бу сифатларни ривожлантириш фақат белгиланиши мумкин, бироқ тўлиқ реализацияланмайди, зеро бунинг учун талабанинг доимий англашилган хатти - ҳаракатлари талаб қилинади. Мустақил уй иши, ҳамма педагогик тадбирлар каби, талаба шахсининг ривожланишига хизмат қилиши керак.

Мустақил ишларнинг заруратини педагогик нуқтаи назардан асослаш учун уй вазифалари таклиф қилган фаолият турлари ва шу фаолият давомида ривожлантирилиши керак бўлган талаба шахсий сифатлари ўртасидаги ўзаро алоқадорликни аниқлаш керак.

Тўғри ташкил қилинган аудиториядан ташқари ишлар мутахассис шахсининг етакчи қирраларидан бири сифатида мустақилликнинг ривожланиши учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлиб, талабаларнинг: фан бўйича билимларни мустаҳкам ва онгли ўзлаштириш; ўз-ўзига таълим ҳамда мустақил ижодий фаолият усуллари эгаллаш; билимларни мустақил тўлдириш эҳтиёжини ривожлантириш воситаси сифатида хизмат қилади.

Мустақил тайёргарлик юқори ақлий меҳнат маданиятининг шаклланиши, мустақил иш усуллари ва кўникмаларини эгаллаш, ўз вақтини онгли тақсимлаш ва сарфлаш малакаларинини эгаллаш, муваффақиятли таълим ва касбий тикланиш учун зарур ахборотларни тўплаш ва ўзлаштиришга кўмаклашади. У талабаларда уюшқоқлик, интизом,



ташаббускорлик, ирода каби сифатларни ривожлантиради; фикрлаш малакалари ва операцияларини (анализ, синтез, қиёслаш, таққослаш ва б.) ишлайди; мустақил фикрлашга ўргатади, шахсий мойиллик ва ижодий интилишларига кўпроқ мос келадиган ўз иш услубини шакллантиришга имкон яратади.

Талабаларнинг «Рангтасвир» бўйича аудиториядан ташқари ишлари уларнинг назарий билимларини кенгайтириш, бўлажак рассомларнинг фикрлаши ижодий йўналганлигини шакллантириш, рангтасвир ишларини бажаришда профессионализмни ишлашга имкон яратади.

МИ талабаларнинг ижодий фаоллигини ривожлантиришда муҳим роль ўйнайди. Билим ва мустақил фаолият тажрибаси талабага ижодий изланиш вазиятини фаоллаштириш имконини беради. Формаллашмаган продуктив фикрлаш талабанинг муаммоли таълим ва талабани ижодий мустақил ишларга системали жалб қилиш вазиятида унинг креативлигида янада муваффақиятли кенгайтирилади.

Мустақиллик – шахснинг муҳим характеристикаси, ўз олдида маълум мақсадларни қўйиш ва уларга ўз кучи билан эришишда намоён бўлади. Ақлий (ёки билиш) мустақиллик шахснинг фаоллиги ва таришқоқлиги кўрсаткиси, билиш учун изланишга қодирлиги сифатида қаралади.

Талабаларнинг ижодий мустақиллиги ўқитувчининг системали назорати, ёрдами ва рағбатсиз янгилик яратиш устида ишлаш, ўз иши айрим шакллари ва умуман ўқув фаолиятини ташкил қилиш малакаларида намоён бўлади. Ижодий мустақиллик тасаввур, ғояларни генерациялаш ва янгилик яратиш малалкалари ривожланганлиги билан характерланади.

Талабаларнинг касбий – ижодий мустақиллиги тикланиши қуйидаги дидактик шартларга риоя қилинганда реализацияланади:

- талабаларнинг янги билимларни мустақил излашни таъминлайдиган фаоллиги;
- ўқув ва ижодий топшириқлар изчиллиги;
- алоҳида топшириқларни ягона комплекснинг ўзаро боғлиқ компонентлари сифатида идрок этиш яхлитлиги.

Психологик–педагогик адабиётлар таҳлили талабалар ижодий мустақиллигининг учта: юқори, ўрта ва паст даражасини аниқлаш имконини берди (1- жадвалга қаранг).

Ижодий мустақилликнинг юқори даражасида талаба МИга йўналган. Бу унинг ўз-ўзини такомиллаштиришга эҳтиёжида намоён бўлади. У МИ моҳияти ва самарали мустақил ўқув – ижодий фаолиятга кўмаклаша оладиган ёки уни тормозлайдиган шахсий сифатлар ҳақида анчагина чуқур билимларга эга. Талабада МИ учун зарур малакалар комплекси шаклланган, шунингдек уларни ижодий ишга киритиш учун кўникмалар ривожланган. Иш мақсад ва вазифалари, уларга эришиш усулларини белгилаш ва ўз ҳаракатлари устидан назорат талаба томонидан асосан мустақил бажарилади, ўқитувчи консультант ролини бажаради.

## Ижодий мустақиллик даражалари

Мезонлар	Даражалар		
	Юқори	Ўрта	Паст
Мотивациял и - эҳтиёжли	<p>- кузатилаётган ҳодиса ва жараёнлар моҳиятига, уларнинг ўзаро алоқадорлиги ва қонуниятларига қизиқиш;</p> <p>- тасвир назарияси масаларини мустақил тушунишга, терминологияни ўзлаштиришга интилиш;</p> <p>- юқори ижодий потенциал, изланишли ижодий вазифаларни бажаришга интилиш, фаолиятги шахсий муносабат;</p> <p>-интенсив, қизиқиш блан кечадиган мустақил ўқув – ижодий фаолият жараёни</p>	<p>- кузатилаётган ҳодисаларга қизиқиш, бироқ уларнинг моҳиятини фақат ўқитувчи ёрдамида билиш;</p> <p>- репродуктив фаолиятни афзал кўриш, ижодий вазифаларни стандарт ҳал қилиш;</p> <p>- мустақил фаолият жараёнининг вазиятларга, ундовларнинг мавжудлигига боғлиқ экани</p>	<p>- самарали усулларга эпизодик қизиқиш. кузатилаётган ҳодисалар моҳиятига қизиқишнинг йўқлиги;</p> <p>- фақат намуна бўйича ҳаракат қилиш истаги, ташаббус ва ижодий – изланишли топшириқларга қизиқишнинг йўқлиги, уларни бажаришдан бош тортиш;</p> <p>-ҳаракатларнинг сохта мустақиллиги (кўчириш, этюдларнинг тугал эмаслиги ва ш.к.)</p>
Эмоционал - иродали	<p>- қийинчиликларни мустақил енгиб ўтишга интилиш;</p> <p>- бўш вақтнинг қизиқиш предметиға бағишланиши;</p>	<p>- ёрдам кутиш, қийинчиликларни ўқитувчи ёрдамида енгиш;</p> <p>- қизиқиш предмети билан эпизодик шуғулланиш</p>	<p>-қийинчилик шароитида тўлиқ фаолиятсизлик;</p> <p>-тасвирий санъатнинг бирор туриға бўлсин мойилликнинг йўқлиги</p>
Когнитив	<p>-юқори ихтиёрий билиш фаоллиги;</p> <p>- тиришқоқлик;</p> <p>- қизиқувчанлик;</p> <p>-фикрлаш доираси кенглиги;</p> <p>- ўрганилаётган предметни имкон қадар яхши билиб олиш истаги;</p> <p>-дастур доирасидан чиқишга интилиш;</p> <p>- санъат тарихи ва бугунги ҳолатига қизиқиш;</p> <p>- кўшимча ахборот манбаларини излаш</p>	<p>- ўқитувчилар, оналар томнидан системали ундашларни талаб қиладиган билиш фаоллиги;</p> <p>- билимлар доирасининг дастур билан чекланганлиги;</p> <p>- билимларни бойитиш учун кўшимча ахборот манбаларидан фойдаланмаслик</p>	<p>- билиш инертлиги; қизиқишларнинг англашилмаганлиги, номаълумлиги;</p> <p>-МИ да қатъиятсизлик, ишончсизлик;</p> <p>- ўқишда яхши натижа ларға эришиш истаги намоён бўлмаслиги;</p> <p>- фикрлаш доираси торлиги, қизиқишнинг беқарорлиги;</p> <p>-мустақил машғулотларға мойиллик кузатилмаслиги</p>

Ижодий мустақилликнинг ўрта даражасида талаба мустақил фаолиятга йўналган, бироқ уни ташкил қилишда ўқитувчининг каттагина ёрдами ва раҳбарлиги талаб этилади. Мустақил ишлаш кўникмалар комплекси у қадар ривожланган эмас. Талаба топшириқларни бажаришда мақсад ва вазифаларни бажаришда етарлича фаол ва изчил эмас.

Ижодий мустақилликнинг паст даражасида талабалар ўз кучига ишонмайди, ўқишда яхши натижаларга эришиш истагини намоен қилмайди. Бундай талабалар учун ташаббус, изланишли ва ижодий ишларга қизиқишнинг йўқлиги, уларни бажаришдан бош тортиш характерли. Бундай талабалар репродуктив иш доирасидан чиқмайди. Кўчириш, этюдларнинг тугал эмаслиги, самарали усулларга қизиқишнинг эпизодиклиги, турли материаллар билан ишлаш кўникмаларининг йўқлиги ижодий мустақиллик даражаси паст бўлган талабаларнинг характерли қирралари санлади. МИ учун топшириқлар дастурида муаммолик тамойилининг реализацияланиши талабалар ижодий мустақиллиги юзага келиши учун ва ривожланиши учун шароит яратади.

Турли йўналиш усталарининг услубий усуллари ва техника хусусиятларини (бир – бири билан қиёслаб) таҳлил қилишга асосланган топшириқлар ижодий изланишнинг шаклланиши ва ижодий ташаббускорликнинг намоен бўлишига кўмаклашади. Рангтасвирга муаммоли ўқитиш айнан бир ўқув вазифаси характерига кўра мутлақо турлича бўлган кўплаб этюдларда муваффақиятли бажарилиши мумкинлигини кўзда тутаяди. Натура, метод ва тасвирий воситаларни танлаш талабанинг ўзига ишониб топширилади (ўрганиш предмети бўлганида топшириқ шартда камдан – кам айтиб ўтилади).

Рангтасвир ишини юритиш метод ва усулларига ўргатиш керак. Ёсқа муддатли этюдларни алла прима хомаки, куруқ, узок муддатли кўп сеансли этюд юритиш методик кетма-кетлигига, ижодий композиция стида ишлаш методикасини эгаллаш интеллектуал фаолиятнинг структуравий қисми сифатида фикрлаш системалилигини тарбиялашга кўмаклашади ва бу ҳаракатларни ижодий ишда автоматизм даражасига ўтказаяди.

Самарали аудиториядан ташқари ўқув – ижодий фаолият учун талаба қуйидаги МИ малакаларини эгаллаши керак:

- турли ўқув ва ижодий вазифаларни қўйиш ва ечиш;
- билимларни фаолиятнинг бир соҳасидан бошқасига кўчириш ва қўллаш;
- қиёслаш, таҳлил қилиш ва умумлаштириш, яъни аналитик – синтетик фаолият операцияларини бажариш.

Рангтасвир бўйича аудиториядан ташқари ишлар жараёнида талабалар ижодий мустақиллигини шакллантириш учун бу жараёнга таъсир таъсир этадиган омилларни аниқлаш керак. Улар педагогик–психологик тадқиқотларда ҳужжатлар, илмий адабиётлар таҳлили асосида аниқланади.

Талабалар ижодий мустақиллигини шакллантиришга таъсир таъсир этадиган омилларни бешта гуруҳга бўлиш мумкин:

*мотивациялайдиган* – билимга қизиқиш, фанга қизиқиш,

қизиқувчанлик, таълимни давом эттиришга яхшироқ тайёрлиниш истаги, янгини билишга интилиш ва б.;

*таълимий* – тасаввурлар, фактлар, қонунлар, азариялар, иш методикалари ва б.;

*процессуал* - ўқитувчининг талабалар билан ишлаш методлари, усуллари ва услублари;

*психологик* - талабаларнинг ёш хусусиятлари, мойилликлари, қобилиятлари, қизиқишлари, иродаси ва б.;

*ижтимоий* - тасвирий санъат соҳаларида ишлайдиган усталар ва мутахассислар, оммавий ахборот воситалари билан ва ш.к. танишиш.

Ўқитувчи ҳозирлигида талабанинг ижодий мустақиллиги унинг конкрет кўрсатмалари таъсирида, ўқитувчи йўқлигида талабанинг ўз ташаббуси билан кўплаб омилларни (масъулият, турар-жой маиший шароитлар, тартиблилик ва ш.к.) ҳисобга олган ҳолда ривожланади.

Бундан ташқари, МИ учун ҳар бир топшириқда ўқув вазифси сифатида унинг ядросни ажратиш ўқитувчига билим, малака ва кўникмаларни ўзлаштиришнинг ҳар бир босқичида талабанинг билиш фаолияти характерини кўзда тутиш ва бу жараёни бошқариш, фаолиятнинг турли структураларини таълимнинг умумий ёки хусусий вазифаларидан келиб чиққан ҳолда режалаштириш имконини беради.

Маълумотлар процессуал омилларнинг етакчилигидан далолат беради. Бундан келиб чиқиб хулоса қилиш мумкинки, ўқитувчининг талабалар билан ишлаш методлари, усул ва услублари мустақиллик ва ижодий фаолликни шакллантиришда ҳал қилувчи роль ўйнайди.

Талабанинг билиш фаолияти таълим системасида ҳамма вақт ҳам мустақил фаолият бўлавермайди. У мустақил бўлиши учун талабада ўқиш жараёнида шаклланган билим, малака ва кўникмалар унинг учун тегишли баҳо олиш зарурати доирасидан ташқарида бўлган жиддий аҳамият касб этиши керак. Улар талабанинг билиш фаолияти жараёнида шахсий характер, шахсий мазмун касб этиши лозим.

Мустақил фаолият характеристиксида бу қоида марказий ўрин эгаллайди: у талаба белгилаган ўқувва ижодий вазифаларни ҳаракатларни бажариш режасини ва бу ҳаракатларда реализацияланадиган реал воқеликка муносабатларни тўлиғича белгилайди.

Бу қонуниятни «Колорит» мавзусини ўғаниш мисолида кўриб чиқамиз. Мавзу материални ўрганишга киришаётиб, 1- курс талабалари колоритнинг асосий элементлари билан таниш бўлади. шу сабабли мустақил ишни ташкил қилиш учун талабага бу элементларни билишнинг ўзини янги шароитларда кузатиш предметига объективациялаши керак бўлади.

Бу уни колорит элементларини билишдан шу билимларни қайта яратиш учун эмас, балки уларнинг янги тушунчани характерлайдиган ўзаро ҳамкорлиги, ўзаро таъсирини аниқлаш учун фойдаланишни талаб қилади. Шу сабабли колорит элементларини таърифлаш, уларнинг моҳияти талаба учун махсус бевосита англаш ва тушуниш объекти бўлмайди. Бу ўринда барча компонентлар бирлиги билан белгиланган ранг гармониясини ажратиш

ва бериш объективацияланади. айнан шу вазифалар талабалар фаолиятида шахсий мазмун касб этади.

Фаолиятнинг психологик мундарижаси ва, А.Н.Леонтьев фаолиятнинг мазмуни деб атагани, бу ҳолда талаба учун унинг мотив - мақсади ўзаро ҳамкорлиги (конкрет натуранинг ранг қурилиши хусусиятларини кузатишнинг маълум шароитларидааниқлаш) саналади.

Дастурни ишлаб чиқиш жараёнида фаолит мақсади бошланғич ва ундан илгарилаб кетган моменти сифатида намоён бўлади. Фаолият дастури ишланганидан кейин мақсад дастурга унинг охириги бўғини сифатида киритилади. Бу билан «Мустақил фаолият мақсади шунчаки бўлажак натижани ўз-ўзича эмас, балки бу натижага эришиладиган талаба меҳнатининг охириги ҳолатини ифода этади»<sup>2</sup>.

Бу жараёни схематик тарзда қуйидагича тасаввур қилиш мумкин: фаолият предмети – фаолият воситалари – уни ташкил этган ҳаракат ва операциялар кетма-кетлиги. Бу жараённинг бориши талабани МИ бажаришга ундайдиган фаолиятнинг англашилган мотиви билан белгиланади. айти пайтда мотив иш жараёнида мазмун функциясини бажаради. Мотив - мақсад ўзгариши билан талаба ишлаётган материалнинг шахсий мазмуни ҳам ўзгаради.

Шундай қилиб, мустақил фаолиятнинг асосий белгиси талабанинг ўқитувчи ёрдамсиз ишлаши эмас, балки унинг фаолияти айти пайтда бу фаолиятни бошқариш функциясини ўзида жамлаганидан иборат. Бу фаолият структурасида мақсад унинг предмет мазмунини эгаллашга нисбатан регулятив вазифа бажаради ва талабанинг янги тажрибани ўзлаштиришда ва билиш жараёнида янада илгарилашига кўмаклашади.

Демак, ТМИ моҳияти амалда фаолият мақсад мазмунининг бу фаолиятни бошқариш мақсади билан тўлиқ мос келиши саналади. Бу, албатта абстракт ифодаланган идеал, талабанинг ОЎЮ да таълим олиши охирига келиб унга нисбий эршиш мумкин.

Реал таълим жараёнида фаолият мақсад мазмунининг бу фаолиятни бошқариш мақсади билан тўлиқ мос келиши ўқитувчининг ТМИ бошқариш соҳасини анчагина торайтиради. У МИ топшириқларини таълимнинг аввалги босқичларида шаклланган талабанинг тажрибаси доирасида структуралаш ва уларни қўйиши керак бўлади холос.

Бундай вазифаларни талаба унга маълум бўлган назарий қоидалар ва тушунчаларни у ёки бу конкрет факт, ходиса, жараёнлар таҳлилига қўллаши даражасида бажарилоади. Бундай МИ таълимда жуда зарур. У ўқитувчи томонидан ташкил қилинади ва талабаларнинг билим ва фаолият усулларини янада мустаҳкам ўзлаштиришига, уларни амалий қўллаш соҳалари кенгайишига кўмаклашади.

Исталган МИ типи ё тури структурасида энг аввало, биринчи томондан, ўқиш давомида талабанинг фикрлаши ва билими ўзаро ҳамкорлик

---

<sup>2</sup> Пидкасистый П.И. Самостоятельная познавательная деятельность школьников в обучении: Теоретика-экспериментальное исследование. – М.: Педагогика, 1980, 125 бет.

характерини, иккинчи томондан, фикрлаш ва билишнинг талабанинг конкрет билиш фаолияти компонентлари сифатида ўзаро алоқасини ва бирлигини аниқлаш керак.

Талабанинг МИ бажариш самарадорлиги уни ташкил қилиш шароитлари, билимлар мазмуни ва характери, баён қилиш мантиқи, билим манбаси, Берилган МИ тури мазмунига оид мавжуд ва кўзда тутилган билимлар ўзаро алоқаларига, талаба вазифани бажарш давомида эришган натижаларга ва ш.к. га боғлиқ бўлади.

Айрим ҳолларда талаба у ёки бу МИ бажариб, янги билимлар олади. Улар талабанинг билиш жараёнига нисбатан изланиш натижаси сифатида намоён бўлади. Бошқа ҳолларда, талаба янги ҳодисаларни ўрганишда қўллаётган билимлар олинган билимларга нисбатан восита, фаолият қуроли сифатида намоён бўлади.

Масалан, ранг – тон муносабатларини ўрганишда талабалар дастлаб «ранг», «тон», «тўйинганлик» ва ш.к. тушунчаларни эгаллайди, кейин улардан қурол сифатида, уларнинг ўзаро муносабатларини аниқлаш ва тасвирлаш ва уларнинг шу муносабатларни этюдда реалистик ифодалаш учун метод сифатида фойдаланади.

Талабалар мустақил фаолияти структурасида қайта яратиш (репродуктив) ҳаракатлар ижодий жараёнларга тайёргарлик, асос сифатида намоён бўлади.

Талабаларнинг Рангтасвир ўқув фанидан **мустақил ишлари мақсади ва вазифалари, мазмуни, 5110800** –Тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси ихтисослиги бўйича рангтасвирга ўқитишнинг асосий мақсадларидан келиб чиқади.

ТМИ танлашда рангтасвирга ўқитишнинг асосий мақсадларига мувофиқликдан ташқари яна эришиш мумкинлиги, реаллиги ва мақсадга зид эмаслиги каби тамойилларга амал қилинади. Режалаштирилаётган ТМИ хусусияти асосий мақсаднинг устиворлиги, охириги натижага йўналганлик саналади.

Рангтасвирга ўқитиш умумий жараёнининг узвий қисми сифатида ТМИ эгалланиши уларда касбий тайёргарликнинг мақсади саналган малака ва кўникмаларни эгаллашга кўмаклашиши, бу жараённи тезлаштириши лозим. Дастур ва кафедра ўқуврежаларига таяниб, бўлажжак педагог – рассомлар рангтасвирга ўқитишнинг бошланғич босқичида эгаллаши лозим бўлган куйидаги асосий малака ва кўникмаларни санаб ўтиш мумкин:

- натуранинг барча қисмларини қиёслаган ҳолда айна пайтда уни яхлитлигича кўра олиш;
- ишни методик нуқтаи назардан саводли олиб бориш;
- тасвирланаётганларни тасвир юзасида тўғри компоновкалаш;
- этюддаги ранг – тус муносабатларни натурадагига пропорционал бериш;
- рангтасвир вочситасида предметлар ҳажми, макондаги жойлашувини бера олиш;
- тасвирни яхлитликка олиб кела билиш;

- композицион марказни ажрата билиш ва ш.к.

МИ учун топшириқларни белгилаётиб, мазкур иш қайси мақсадларга хизмат қилиши, қайси малакаларни ривожлантириши кераклигини аниқлаштириб олиш муҳим. Рангтасвир бўйича ТМИ асосий мазмунинафақат иш усулларини эгаллаш, балки асосан, олинган билим, малака ва кўникмалардан ижодицй фойдалана олиш фаолияти; ҳар бир бошловчи педагог – рассомнинг индивидуал ижодий имкониятларини очиб беришдан иборат.

МИ давомида таълимнинг асосий **функциялари** амалга оширилади. Булар: ўзлаштириш, билимларни мустаҳкамлаш ва уларни барқарор кўникма ва малакаларга қайта ишлаш; ишнинг рационал методларини ишлаш, рангтасвирга оид композицион машқлар асосида ижодий тафаккурни ривожлантириш, билимларни мустақил излаш кўникмаларини эгаллаш; ижодий фаолиятга жалб қилиш.

Бошқариладиган ва ташкил этиладиган ТМИ ўз-ўзига таълим билан узвий боғланиб, таълим муассасаси ўқув–тарбия жараёни яхлит системасининг муҳим ва қонуниятли таркибий қисмига айланади. Кишининг ўз-ўзига таълим фаолиятини шакллантиришнинг шарти ва воситаси махсус ташкил қилинган педагогик жараён саналади.

Талабаларни ўз-ўзига таълимга тайёрлаш–ТМИ асосий функцияларидан бири, у ўқитувчи билан таълим олувчилар ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик асосида амалга оширилади. Талаба ёшларнинг ўз-ўзига таълимини бошқаришга қаратилган ўқув–тарбия жараёни педагогнинг ташқи бошқаруви ва талабларнинг ўз-ўзини ташкил этиши синтези бўлмоғи керак. Бундай ўзаро ҳамкорлик системаси талабалар ўзининг ўқув – ижодий фаолиятини мустақил режалаштиришга ўрганиши ва белгиланган мақсадлар сари ҳаракатланиши учун ички шароитларни яратади.

### **Факультетда ўқишнинг бошланғич босқичида таълим мақсадларининг ўзаро алоқадорлиги**

#### **Ўқитишнинг бутун бошланғич босқичи давомида**

Бўёқ ва чўтка билан ишлаш кўникмаларини ривожлантириш

Натурани аконстант кўришни ривожлантириш

Рангтасвир учун материал ва ашёлар ҳақида назарий маълумотлар олиш

Қиёслаш, таҳлил қилиш малакаларини ривожлантириш

Рангтасвирнинг асосий усулларига ўрганиш

Ўлчам, меъёр, пропорция ҳиссини ривожлантириш

Рангтасвирнинг асосий воситалари ва уларнинг характеристикаларини

Натурада кўпроқ характерли-сини танлаб олишга ўрганиш

Ўрганиш

Ранглар кўшиш турлари ва ранг  
оттенкаларини олиш усулларини  
билиб олиш

Рангтасвирнинг асосий методлари ва  
уларнинг характеристикалари, этюд  
бажариш методикасини билиш

Этюдни тўғрилашнинг асосий  
усулларини ўзлаштириш

Предметли ва шартли ранг  
фарқлашга ўрганиш шартли ранг  
омилларини билиш

Кузатувчанликни  
ривожлантириш

Кўриш хотирасини  
ривожлантириш

## 1 - семестр

### Ранг- тус муносабатлари билан ишлашни ўрганиш

Рангтасвирда тус (тон)  
муносабатлари ҳақида  
тушунчаларни шакллантириш

Яхлит идрок этиш усулларини  
эгаллаш

Рангларнинг асосий хоссалари  
ҳақида тушунчаларни  
шакллантириш

Умумийдан хусусийга ишлашга  
ўрганиш

Ранг –тус муносабатлари қонун  
моҳиятини тушуниш

Этюдни яхлит ҳолга  
келтиришнинг асосий  
усулларини эгаллаш

## 2 - семестр

### Натурани колористик кўришни шакллантириш

Колоритнинг асосий  
элементларини ўрганиш

Ҳаво перспективаси  
қонуниятларини ўзлаштириш

Ранг-тус муносабатларидаги  
ўзгаришларни ёритиш манбаси  
кучи ва спектрал таркибига  
боғлиқ равишда беришга ўрганиш

Рангтасвирда илиқ-совуқлик  
ҳодисаси моҳиятини ўрганиш

Ранг гармонияси (уйғунлиги)

Ранг ва тус муносабатларида



тушшунчасини ўзлаштириш

контраст ва нюанс ҳодисалари,  
контраст турларини ўрганиш

### 3 - семестр

#### **Ранг бирикмаларини мувофиқлаштириш малакаларини ривожлантириш**

Ранг – тус гурмониялаш  
(уйғунлаштириш) ва бу жараённинг  
нисбий лигини ўзлаштириш

Асосий ранг моделларини кўриб  
чиқиш

Ранг – тус гурмониялаш  
принципларини ва гармониянинг  
асосий белгиларини ўзлаштириш

Ранг–тусларни гармониялашнинг  
асосий схемаларини таҳлил  
қилиш

Гармонияли ранг бирикмалари  
турларини ўзлаштириш

### 4 - семестр

#### **Натуранинг яхлит образли ва колористик ечимини топиш малакаларини ривожлантириш**

Рангасвир асарларини  
колористик таҳлил қилишга  
ўрганиш

Палитранинг характерли  
хусусиятлари ва чизиш услуби  
(манераси) нинг бадий образнинг  
ифодалилигини беришга таъсирини  
ўрганиш (етук рангасвирчилар  
ижоди мисолида)

Рангнинг ўзлаштира хоссаларини  
ўрганиш

Турли маданиятлар контекстида  
рангнинг рамзий маъноларини  
ўрганиш

Узоқ муддатли хотирада  
тасаввурнинг барқарор образларини  
шакллантириш

Талабаларнинг рангасвирдан уй ишлари топшириқлар билан белгиланади ва, шу тариқа, қисман бошқариладиган жараён саналади. Бу уй ишларини мақсадли ўқув амаллари комплекси сифатида режалаштириш имконини беради. Бу комплексда уларнинг характери ва кетма-кетлиги белгиланган, шунингдек назорат ва коррекция кўзда тутилган бўлади.

Талабаларнинг Рангасвирдан ўқув–ижодий ишлари самарадорлигини

ошириш учун Рангтасвирдан **1- ва 2- курс мустақил махсус ишлар дастури** ишлаб чиқилмоғи керак, унинг асосида ТМИ мазмуни ва йўналганлигини белгилайдиган мавзули режа ётади.

ТМИ дастурини тузишда қуйидагиларга ақс эттирилади:

- рангтасвир бўйича топшириқларнинг тематик рўйхати;
- талабалар топшириқни муваффақиятли бажариши учун мустақил ҳал қилиши лозим бўлган вазифалар;
- топшириқни бажаришда ишлатиладиган материаллар;
- бажариш давомийлиги.

Бу параметрларни оптимал бирлаштириш ТМИ дастурини тузиш ва реализациялашга оптимал ёндашув билан белгиланади.

Дастур информатив роль бажаради ва талабаларнинг ижодий мустақиллигининг тикланиши ва ривожланиши асоси саналади. Шу билан мустақил ишларнинг асосий мақсади – талабанинг ижодий потенциалини очиб бериш; унинг субъектив тажрибасини илмий билимлар билан мувофиқлаштиришга эришилади.

МИ дастури концептуал базаси шахсий – фаолиятли асосга қурилади, яъни ўзлаштирилиши керак бўлган илмий ахборот мақсад эмас, восита вазифасини бажаради.

Ҳамма учун ягона ва мажбурий бўлган аудитория ишлари дастуридан фарқли ўлароқ, МИ дастури индивидуал характерга эга. Уни ишлаб чиқишда қуйидагиларни ҳисобга олиш лозим бўлади:

- дастур талабанинг билиш имкониятларига, унинг таълимда ривожланиш динамикасига нозик имослаштирилиши;
- унда талабаларнинг мустақил ишлаш учун топшириқлар тури ва шаклларига сайланмалиги ва билиш мотивацияси характери (ўқишга қизиқишлари, уларнинг йўналганлиги) ҳисобга олиниши керак. Таълимда дифференциацияланган ёндашув ягона дастур доирасида мураккаблик даражасига, бажариш давомийлиги ва ижодий йўналганлигига кўра фарқланадиган топшириқларни вариантлаш имконини беради.

МИ дастурини ишлаб чиқиш ва жорий қилишда вариативлик принципини реализациялаш, талабанинг у ёки бу топшириқни эркин танлаши (уни бажариш шартларининг тегишли таҳлили билан) талабаларнинг мустақил фаолияти самарадорлигининг муҳим шарти саналади. Дастурда келтирилган топшириқларнинг хилма – хиллиги талабаларнинг билишга қизиқишларини, уларнинг касбий мақсадлари ва шахсий интилишларини нозик таҳлил қилиш ва ҳисобга олиш имконини беради.

Умуман олганда, МИ дастури ўқув режаси каби предмет мазмунига эга бўлиб, бироқ мақсади, режалаштириладиган натижаларига кўра фарқ қилиши мумкин. МИ дастурида ижодкор шахсининг индивидуаллигини унинг когнитив, эмоционал, мотивацион - ҳтиёжли характеристикалари билан биргаликда тикланиши ва ривожланишига асосий эътибор қратилади. Ми топшириқлари уларни аниқлашга ва улардан малака ва кўникмаларни эгаллашда нозиклик билан фойдаланишга кўмаклашиши керак. Бунда, албатта, ўқув дастурида кўзда тутилган билимларни ўзлаштириш вазифаси

назардан соқит қилинмаслиги керак.

МИ топшириқларини танлашга оид методик тавсиялар қуйидагилардан иборат:

- 1) топшириқ билишга қизиқиш уйғотиши керак;
- 2) топшириқда янгилик элементлари бўлиши, бироқ уларни талабалар учун қулай ва тушунарли тарзда баён қилиш лозим;
- 3) топшириқ аввалги машқларда эгалланган малакаларни мустақамлаши ва кейингиларини идрок этишга тайёрлашим керак.

Рангтасвирдан ТМИ дастурини ишлаб чиқишда қуйидагилардан келиб чиқиш лозим:

- МИ дастури мазмун асосини ривожлантириладиган билим, малака ва кўникмалар воситасида амалга ошириладиган ўқув – ижодий топшириқлар ташкил қилади;

- МИ дастури мазмуни «Тасвирий саводхонлик асослари» маърузалар курси ва рангтасвирдан аудитория ишлари дастурлари билан корреляциялаши керак; «Рангтасвир» курсининг фанлараро алоқаларини ҳисобга олиши керак;

- МИ топшириқлари мазмуни ҳажми тўлиқ, бироқ ортиқча детализациясиз бўлиши керак. Ортиқча деталлаштирилган режа талабаларнинг ташаббускорлиги ва мустақиллигини сиқиб қўйиши мумкин, бунга йўл қўйиб бўлмайди;

- МИ дастури талабага берилган материални ишлаш, шахсий аҳамиятли техника, манера, услубларидан фойдаланиш имконини таъминлаши керак;

- МИ дастури талабага турли хил топшириқларни танлашда, дастур материални ишлашда маълум эркинлик, унинг тури ва шаклига сайланма ёндашув имконини тақдим этиши керак;

- МИ дастурини реализациялашда талабанинг субъект тажрибасини, дунёни ҳис қилиш ва ижод тажрибаси, ноёб, ўзига хос ва бетакрор тажриба сиатида ҳисобга олиш лозим;

- дастур тавсия характерига эга.

ТМИ дастурини ишлаб чиқишда қуйидаги методик тамойилларга амал қилиш мақсадга мувофиқ:

- талабаларнинг ижодий фаоллиги ва мустақилилигини ривожлантириш;
- ТМИ шахсга йўналтирилган характерда бўлиши;
- ТМИ мазмуни яхлитлгт ва системалилиги;
- ТМИ топшириқлари муаммолилиги;
- рефлексивлик (талабалар томонидан фаолият мазмуни ва усулларининг анланганлиги);
- вариативлик – ТМИ мазмуни қўйилган вазифани бажаришнинг турли усуллари мавжудлиги ва мумкинлигини ҳисобга олиши;
- ўқув ва ижодий вазифалар уйғунлиги;
- қўллаб - қувватловчи мотивация тамойили (талабаларнинг ўз назарий билим ва касбий маҳорат даражасини ангаб этиши);
- индивидуал ёндашув принципи.

Фикримизча, шу методик тамойиллар асосида Рангтасвир бўйича МИ

дастури талабаларнинг индивидуал ижодий имкониятларини ривожлантиришга қаратилган билимлар ва ўқитиш методлари системасини ўзида уйғунлаштиради.

#### IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАТЕРИАЛЛАРИ

Ишчи дастурда такидланганидек, амалий машғулотлар жараёнида тингловчилар мустақил мавзулар асосида “Олий таълим муассасаларида Тасвирий санъат фанларини ўқитиш методикаси” модулидан маъруза машғулотларида ўзлаштирган назарий билимларини намоён этиш билан бирга тавсия этилган адабиётлар, Интернет материаллари ёрдамида тингловчилар касбий компетентлиги сифатини оширишга доир тегишли кўникма, малакаларни ўзлаштиради. Тингловчиларнинг хоҳиш-истакларидан келиб чиққан ҳолда амалий машғулотлар давра суҳбати, баҳс-мунозара, беллашув, тақдимот, мини тадқиқот, ишчанлик ўйинлари, викторина каби шаклларда илғор педагогик технологияларга асосланган ҳолда ўтказилади.

#### Вариант № 1



#### савол.

Катта бўлгач, ота-онаси денгиз офицери қилмоқчи бўлиб, йигитчани кадет корпусига ўқишга бердилар. Санъатга қизиққан ёш рассом Петербург Бадий академиясига ўқишга кириб, йирик рус рассомлари С. Воробьев, К. Брюллов, С. Шедринлар қўлида таълим олди. У олти мингдан ортиқ асар яратди. Уларнинг аксариятида бепоён денгиз манзаралари, денгиз офатлари тасвирланган. Унинг «Кора денгизда бўрон», «Тўққизинчи вал», «Кора денгиз» каби асарлари шулар жумласидандир. У 1900-йили 83 ёшида вафот этди.

Айтинг-чи, у ким? (\_\_\_\_\_)

#### Вариант № 2



**савол.**

... .. Ўзбекистон халқ рассоми. 1929-йилда Фарғона шаҳрида туғилган. Тошкент рассомлик билим юртида ўқиган. 1953-йилда И.Репин номидаги Ленинград рассомлик, ҳайкал-тарошлик ва архитектура институтини имтиёзли диплом билан тугатди. «Кидирувчилар», «Халқ артисти Юнус Ражабий», «Янги йўл», «Чўпонлар хузурида» каби бир қатор асарларнинг муаллифидир. 1970-йилда ўтказилган кўргазмада рассомнинг «Уйғониш», «Монумент олдида» сингари йирик полотнолари намоиш қилинди.

Истеъдодли халқ рассоми ким? (\_\_\_\_\_).

**Вариант № 3**




**савол.**

..... 1931 йилда туғилган. 1955—59-йилларда Беньков номи Республика рассомлар мактабида Р.Г. Акбальян, В.И. Жмакин, Н.М. Герасимов, В.И. Петровлар қўлида таҳсил кўрди. У И.Е. Репин номи Ленинград Бадий академиясининг рассомлик бўлимида Ю.М. Непринцев, О.А. Еремеев, А.Д. Романчев қўлида таълим олди. 1966—73-йилларда Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтида ўқитувчилик қилди. У «Чилонзор қурувчилари», «Аҳмад портрети», «Сурхондарё болалари», «Халқ артисти М. Каюмов портрети», «Бизнинг замондош», «Рассом К. Башаров портрети», «Реквием триптихи», «Санъатшунос Р. Токтош портрети», «Композитор М. Акбаров портрети» ва шу каби кўплаб полотнолар яратган.

У ким? (\_\_\_\_\_)

**Вариант № 4**



**савол.**

.....Ўзбекистон халқ рассоми. У 1931—36-йилларда Самарқанддаги рассомлик мактабида машҳур рассом П.П. Беньков қўлида ва 1938—41-йилларда В.И. Суриков номидаги Москва рассомлик институтида ўқиди. У ўз ижодида «Халқ артисти Аброр Хидоятлов Отелло ролида», «Ёзувчи Ойбек портрети», «Она портрети», «Академик Кори-Ниёзий портрети», «Шомаҳмудовлар оиласи», «Буви ва невара», «Ёзувчи К. Яшин портрети», «Ер ўғлонлари», «А. Навоий портрети» ва бошқа кўпгина асарларнинг муаллифидир.

Ким у таниқли халқ рассоми? ( \_\_\_\_\_ )

### Вариант № 5




**савол.**

.....1920-йилда Самарқандда туғилган. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби. В.И. Суриков номидаги рассомлик институтида (Москва) ўқиган. Республикамизда психологик портрет ва кўп фигурали композиция устаси сифатида танилган. Санъат арбоблари, колхозчи ва механизаторларнинг портретларида турли ҳолатдаги кайфиятини очиб берган. Масалан, «Пахтакор қиз», «Кабутар ушлаб турган қиз», «Садриддин Айний», «Ота портрети», «Оналик», «Ўрол Тансиқбоев», «Барно портрети», «Ўзбек санъати арбобларининг гуруҳ портрети», «Ўзбекистон пахтакорлари», «Механизатор қизлар» ва бошқа асарлари Бутуниттифоқ бадиий кўргазмаларида намоиш этилган.

Таниқли рассом ким? ( \_\_\_\_\_ )

### Вариант № 6



**савол.**

..... (1879--1949) Козон шаҳрида туғилди. 1902-йилда Петербург Бадий академиясига имтихонсиз қабул қилинди. Рассом академиядаги устозлари – машҳур график рассом Д.Н. Кардовский билан И.Е. Репинни миннатдорлик билан тилга олади. У 1928—29-йилларда Бухорода, 1930-йилдан бошлаб эса Самарқандда яшаб ижод этди. Шу билан бирга Самарқанддаги рассомлик билим юртида ўқитувчилик қилди. У «Хивалик киз», «Татар кизи», «Дугоналар», «Регистонда 8-Март», «Рассом З.М. Ковалевская портрети», «Киз дутор билан», «Йўлдош Охунбобоев портрети» каби кўплаб асарларнинг муаллифидир. Рассомнинг вафотидан кейин Тошкентдаги Рассомлик билим юрти унинг номига қўйилди.

Ким у? ( \_\_\_\_\_ )

**Вариант № 7**



**савол.**

Халқ рассоми ... .. 1921-йилда туғилган. Дастлабки маълумотни Тошкент рассомлик мактабида, олий маълумотни Ленинграддаги И.Репин номи рассомлик институтида олди. Рассом ўзининг биринчи мустақил иши - «Халқ ҳофизи» суратидаёқ халқни, санъатни севиши ҳақида ҳикоя қилади. У кейинги йилларда меҳнат мавзусидаги портретларида замондошларимиз образини яратди. Инсон кишиларининг ўй-фикрлари, орзу-умидлари ва кечинмаларини акс эттирди. «Онанинг ўйга толиши», «Сурхондарёлик аёл портрети», «Меҳнатда ҳам солдат» портретларида рассом ўз қаҳрамонларининг миллий характерини табиат билан боғлиқ ҳолда акс эттирди. У ҳозир Ўзбекистон Бадий академиясини Фахрий аъзоси.

Биласизми, ким у? ( \_\_\_\_\_ ).

**Вариант № 8**

**савол.**

..... 1452 - йилда Флоренция яқинидаги Винчи номли кичик бир шаҳарда туғилди. У рассом сифатида XIV асрдаги Италиянинг энг йирик маданият маркази - Флоренцияда машҳур ҳайкалтарош ва рассом В.Верокко кўлида таълим олиб, камол топди. У перспектива, ёруғлик ва ранг қонун-қоидаларини яратиб берди. Унинг «Мадонна Бенау», «Сирли оқшом», «Қоядаги Мадонна» ҳамда «Монна Лиза» номли асарлари ҳаммага маълум. У инсониятнинг улғу генийларидан эди. У мусиқачи, шоир, меъмор, математик, механик, муҳандис бўлиб, шу фанларни муҳим кашфиётлар билан бойитди. У ватанидан узоқда, Франциянинг Амбуаза шаҳрида 1519-йилда вафот этди.

Бу олим ким? (\_\_\_\_\_)

### **Вариант № 9**

**савол.**

..... (1599-1660). XVII аср Европа реалист рассомлари орасида у энг машҳури ҳисобланади. Испаниянинг Савилья шаҳрида туғилган. Рассом турмуш манзарасини акс эттирувчи хилма-хил асарлар, замондошлари, сарой аҳллари ва қиролнинг ажойиб портретини яратган.

1657-йилда яратган «Йигирувчи аёллар» асарида у ўзи учун сеvimли бўлган халқ мавзусига мурожаат қилиб, унда хотин-қизларнинг қирол йигирув устахонасидаги меҳнатини тасвирлаган.

Ким у испан рассоми? (\_\_\_\_\_)

### **Вариант № 10**

**савол.**

.....(1577-1640). Унинг ҳамма асарлари, бутун санъати реализм руҳи, ҳаёт завқи билан суғорилгандир. Рассом ўз даврининг бадиий ва фалсафий фикрларидаги барча янги, илғор ғояларни асарларида ифодалаб, 300дан зиёд сурат ва эскизлар яратди. «Ер ва сув иттифоқи», «Персей ва Андромеда», «Оқсоч», «Диананинг овдан қайтиши», «Вирсавия», «Меркурий ва Арзус» ва «Шер ови» асарлари ҳаммага маълум.

Буюк фламанд рассоми ким? (\_\_\_\_\_)



## V. КЕЙСЛАР БАНКИ

### ТАСВИРИЙ САНЪАТ ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИ ФАНИ ДАРСЛАРИДА МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ТАСВИРИЙ САНЪАТ АСАРЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ “КЕЙС СТАДИ” ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯСИ

**Калит сўзлар:** Мустақиллик, тасвирий санъат, турлари ва жанрлари, когнитив, технология, эвристик, креатив, ижод, “Кейс-стади”.

Бугунги глобаллашув жараёнида ёш авлодни ҳар томонлама баркамол инсон қилиб тарбиялаш, куннинг долзарб муаммолардан бири ҳисобланади. Бундай муаммони ҳал қилишда барча фанларни таълимий ва тарбиявий аҳамиятини ўқувчиларга уқтириб ўқитиш ўз самарасини бериши шубҳасиз. Шундай фанлар қаторида тасвирий санъат фанининг ҳам аҳамияти каттадир. Бу фанни ўқитишда, айниқса, мустақиллик йилларидаги тасвирий санъат асарларидан фойдаланиб дарсларни ташкил қилиш ўзининг ижобий натижасини беради.

Қуйида мустақиллик йилларидаги тасвирий санъат асарларидан ва соҳага оид маълумотлар асосида таълим жараёнида қўлланилаётган замонавий педагогик технологиялардан фойдаланган ҳолда тасвирий санъат ўқитиш методикаси фани ишчи ўқув дастуридаги мустақил таълимнинг 4-мавзуси “Мустақиллик йилларида тасвирий санъатнинг ўқитилиши” “Кейс-стади” таълим технологияси асосида ўқитиш бўйича дарс ишланма намунасини келтириб ўтамыз.

**Ўқув фани:** Тасвирий санъат ўқитиш методикаси.

**Мавзу:** “Мустақиллик йилларида тасвирий санъатнинг ўқитилиши”.

**Кейснинг асосий мақсади:** талабаларга мустақиллик йилларидаги тасвирий санъатнинг тур ва жанрларининг аҳамияти ҳақида тушунча бериш, мустақиллик йилларида тасвирий санъат бўйича ишланган асарларни бадий идрок этишга ўргатиш ҳамда унинг мазмуни билан таништириш.

**Ўқув фаолиятдан кутиладиган натижалар:**

1. Мустақиллик йилларидаги тасвирий санъат ва унинг ривожланиш тарихи тўғрисидаги маълумотларни ўзлаштиради;
2. Мустақиллик йилларидаги тасвирий санъатнинг тур ва жанрлари бўйича ишланган асарларни бадий идрок этади;
3. Мустақиллик йилларидаги тасвирий санъат асарларининг яратилиши тўғрисидаги билим ва кўникмалар шаклланади.

**Ушбу кейсни муваффақиятли амалга ошириш учун талабалар олдиндан қуйидаги компетенцияга эга бўлишлари керак:**

**Талаба қуйидагиларни билиши керак:** Мустақиллик йилларидаги тасвирий санъат ва унинг ривожланиш тарихи, мустақиллик йилларида тасвирий санъат тур ва жанрларида ижод қилган рассомлар ва уларнинг асарлари тўғрисидаги билимларни.

**Талаба қуйидаги кўникмаларга эга бўлиши керак:** мавзунини мустақил ўрганиш; муаммонинг моҳиятини аниқлаштириш; ғояларни илгари суриш; ўз нуқтаи назарига эга бўлиб, мантиқий хулоса чиқариш; ўқув маълумотлар билан мустақил ишлаш; маълумотларни таққослаш, таҳлил қилиш ва умумлаштириш.

**Талаба қуйидаги малакаларга эга бўлиши керак:** индивидуал ва ҳамкорликда ишлаш, когнитив, эвристик, креатив фаолият малакалари.

*(Ёрдамчи материаллар ва адабиётлар рўйхати кўрсатма охирида келтирилган).*

**Кейснинг тавсифномаси:** Кейснинг асосий объекти Тасвирий санъат ўқитиш методикаси фани дарси. Бу ташкилий кейс бўлиб, маълумотлар топшириқлар асосида тузилган. Ҳажми ўртача тизимлаштирилган бўлиб, тренингга мўлжалланган ҳамда мавзу юзасидан билим, кўникма ва малакаларни эгаллашга йўналтирилган.

Дидактик мақсадларга кўра кейс муаммоларни тақдим қилиш, уларни ҳал этиш, таҳлил этиш ва янги тавсиялар ишлаб чиқиш ҳамда уни амалиётга тақдим этишга йўналтирилган.

**Кейсни ечиш қуйидаги натижаларга эришишга имкон беради:**

- ўзлаштирилган мавзу бўйича билимларни мустаҳкамлаш;
- муаммонинг ҳамда қабул қилинган ечимнинг индивидуал ва гуруҳий таҳлилида билим ва кўникмаларни қайта топшириш;
- мустақил равишда қарор қабул қилиш кўникмаларини эгаллаш;
- ўқув ахборотларни ўзлаштириш.

### **Муаммоли топшириқлар**

**1-муаммоли топшириқ.** Мустақиллик йилларида тасвирий санъатни ўқитилишида қандай ўзгаришлар бўлди?

---

---

---

---

---

**2-муаммоли топшириқ.** Мустақиллик йилларида тасвирий санъатнинг тур ва жанрлари асарларида қандай ютуқлар мавжуд?

---

---

---

---

---

**3-муаммоли топшириқ.** Мустақиллик йилларидаги тасвирий санъат рассомларининг ижодига оид асарларни санаб ўтинг.

---

---

---

---

---

**4-муаммоли топширик.** Мустақиллик йилларидаги ҳайкалтарошларни ва уларнинг ижодига оид асарларни келтиринг.

**Муаммоли топшириқларни босқичма-босқич таҳлил этиш ва ҳал этиш бўйича тавсиялар**

Иш босқичлари	Маслаҳат ва тавсияномалар
1. Кейс ва унинг ахборот таъминоти билан танишиш	Берилган маълумотлар билан танишинг ва уларнинг таркибий қисмлари, мазмунини ўрганинг. Ўрганиб чиқиш вақтида уларга таъриф ва тавсиф беришга, муаммо ечимини топишга шошилманг, аниқ ва ишончли маълумотларга асосланг.
2. Муаммоли топшириқлар билан танишиш	Тақдим этилган саволлар мазмуни билан яна бир маротаба танишиб чиқинг. Саволлар таркибидаги тушунчалар ва жумлаларга диққатингизни жалб қилинг.
3. Муаммоли топшириқни таҳлил этиш	<p>Асосий муаммо ва кичик муаммоларга диққатингизни жалб этинг.</p> <p><b>Асосий муаммо:</b> Мустақиллик йилларида тасвирий санъатни ривожини нима сабабдан муҳим ва аҳамиятли ҳисобланади. Мустақиллик йилларида Ўзбекистонни ривожлантиришда ўзбек рассом-педагоглари томонидан қандай ишлар амалга оширилган.</p> <p><i>Қуйидаги саволларга жавоб беришга ҳаракат қилинг:</i></p> <p>1) Мустақиллик йилларида таълим тизимининг ривожини учун қандай қонун қабул қилинди?</p> <p>2) Мустақиллик йилларида тасвирий санъатнинг ривожини бўйича нима ўзгаришлар бўлди?</p> <p>3) Ўзбекистонда тасвирий санъатни тур ва жанрларини ривожлантириш бўйича қимматли ишларни амалга оширганлар.</p> <p>4) Мустақиллик даврида яратилган асарлар тўғрисида нималарни биласиз?</p> <p>Юқорида келтирилган саволларни таҳлил этинг ва ҳар бирига тавсифнома ёзинг.</p>
4. Муаммоли топшириқларни	Берилган моделларга тавсифнома ёзинг ва жадвалларни тўлдиришга киришинг.

ечиш усул ва воситаларини танлаш ҳамда асослаш	Тавсифномаларни ёзишда аниқ хусусиятларни белгилаб олишга ҳаракат қилинг. Жадвални тўлдилинг.
--	---

### Кейс билан ишлаш жараёнини баҳолаш мезонлари ва кўрсаткичлари

Талабалар рўйхати	Муаммоли топшириқларга оид схемаларни амалга оширишни талаб этувчи жиҳатлар – <b>мак. 2 балл</b>	Муаммоли топшириқ схемалари ечимлари ва уларни изоҳлангани – <b>мак. 3 балл</b>	Жами: – <b>мак. 5 балл</b>

**Изоҳ:** Баҳолаш учун берилган баллар ўқитувчи томонидан ўзгартирилиши мумкин.

**Эслатма:** гуруҳлар фаолиятини баҳолаш учун юқоридаги жадвалнинг биринчи устунига “гуруҳлар рўйхати” жумласи қўйилади. Бироқ гуруҳнинг тўплаган баллари талабаларнинг рейтинг бали ҳисобига киритилмайди. Сиз талабага ҳамкорликда ишлаш унинг билим, кўникма ва малакаларини ривожлантиришига хизмат қилишини тушунтиришига тайёр бўлинг.

### Ёрдамчи ўқув материаллари

Ўзбекистоннинг мустақиллиги миллий тасвирий санъатни тараққиётига замин яратди. Бу даврда тасвирий санъатнинг рангтасвир, ҳайкалтарошлик, графика турлари, унинг кўпгина жанрлари рассом ва ҳайкалтарошларнинг эркин ижодий фаолиятлар кенг тус олди. Собиқ Иттифоқ даврида ижодкорлар ягона социалистик реализм оқидамида ижод қилган бўлсалар, ҳозир улар иккиланмасдан ўзларини қизиқтираётган авангардизм, романтизм, импрессионизм, абстракционизм ва бошқа қатор оқимларда ва мавзуларда юксак бадиий савияда асарлар яратмоқдалар.

Мамлакатимизда тасвирий санъатнинг тараққиётига Ўзбекистон бадиий Академиясини ташкил этилиши ҳам муҳим аҳамият касб этди. Мазкур Академия қошида Камолиддин Бехзод номидаги миллий рассомлик ва дизайн институти, санъатшунослик илмий-тадқиқот институти, кўплаб рассомлик, дизайн коллежлари, “Санъат” журнали фаолият кўрсатмоқда.

Миллий рассомлик ва дизайн институтида, тасвирий санъат йўналишлардаги ихтисослаштирилган санъат мактабларда жаҳон стандартларига мос келадиган миллий кадрлар етишиб чиқмоқда ва улар Ўзбекистон санъатини янги босқичига олиб чиқиши шубҳасиздир.

Мустақиллик йилларида ижод қилаётган рассом ва ҳайкалтарошларимизнинг ютуқлари шундаки, улар биринчидан эркин ижод йўлига

ўтганликлари бўлса, иккинчидан миллий бадиий анъаналарни давом эттириш, миллийлик ва умуминсоний қадриятларнинг уйғунлиги, асарларда янги, замонавий, илғор тасвирий технологияларни қўллаш каби муваффақиятларни қўлга киритмоқдалар.

Мустақиллик неъматидан баҳраманд бўлган кекса ва ўрта авлод рассомларимиз ижодида ҳам ижодий кўтаринкилик кўзга ташланади. Уни М.Саидов, Н.Қўзибоев, Б.Бобоев, В.Бурмакин, М.Йўлдошев, Ж.Қуттимуродов, Т.Миржалолов, Т.Курёзов, А.Икромжонов, Ж.Умарбеков, Б.Жалолов, А.Мирзаев, З.Фахриддинов, Р.Худайберганов, А.Мўминов, А.Нуриддинов каби рассом ва ҳайкалтарошлар ижодида кўриш мумкин.

Миллий истиқлол ғоялари билан суғорилган бундай портрет жанридаги яратилган асарлар қаторига Амир Темур, Алишер Навоий, Жалолиддин Мангуберди, Камолиддин Бехзод, Нодирабегим, Бибихоним, Спитамен портретларини киритиш мумкин.

Манзара ва натюрморт жанрларида самарали ижод қилаётганлардан орасида Л.Салимжонова, А.Мўминов, С.Абдуллаев, И.Хайдаров, О.Қозоқов, Ғ.Абдурахмонов, А.Мирсоатов каби рассомларни кўрсатиш мумкин.

Уларнинг асарлари Ватан жамоли, унинг мева ва сабзавотлари юксак бадиий савияда ишланган бўлиб, ёшларни Ватанни севишга, уни асраб-авайлашга, уни кўпайтиришга ундайди, табиатдаги нафосатдан завқланишга чорлайди.

Тарихий, турмуш ва бошқа жанрларда яратилган асарлар орасида Б.Жалоловнинг “Олтин аср”, “Коинот устунлари”, “Абадият гумбази остида”, С.Алибековнинг “Ғаройиб шарбат хиди”, Ж.Умарбековнинг “Зилзила”, “Ҳаворанг мусиқачилар”, В.Охуновнинг “Будданинг тонги сайри” кабилар диққатга сазовордир.

А.Исаев, Ж.Усмонов, А.Розиқов, Р.Темуров, Т.Ахмедов, Т.Каримов, Ш.Абдурахмонов, Б.Исмоилов, Ғ.Қодиров каби ёш рассомлар ҳам баракали ижод қилмоқдалар. Уларнинг ижодий ишларида реаллик, ойдинлик, шарқона нафислик, умумий фалсафий тафаккур, бадиий кўркемлик, тугаллик, сокинлик ва ижодкорлик тўла ўз ифодасини топади.

Чингиз Аҳмаровнинг номи билан боғлиқ маҳобатли рангтасвир бу даврда янги босқичга кўтарилмоқда. Республикаимизнинг кўплаб жамоат ва маданий бинолари, шу қатори Тошкент метроси бекатларига ишланган деворий сурат, мозаика, витражлар ҳалқимизга эстетик завқ бағишламоқда.

Бу борада А.Алиқулов, Б.Олимхонов, А.Икромов, А.Исаев, Э.Муҳаммадиев, Н.Султонов, Н.Холматов, Ш.Муҳаммаджонов, А.Бухарбоев, Т.Болтаев, Х.Назаров кабилар устозлар анъаналарини давом эттириб янгидан-янги муваффақиятларга эришмоқдалар.

Мозаика, витраж бўйича Б.Жалолов, А.Бухарбоев, В.Ган, И.Егоровлар баракали ижод қилишиб “Умар Хайём туши”, “Нимага туғилганимни ҳеч ким айтмайди”, “Наврўз”, “Туман мабудаси”, “Абадият гумбази остида”, “Буюк соҳибқирон - буюк бунёдкор”, “Спорт ўйинлари тарихи”, “Буюк ипак йўли”, “Флора” каби асарлар яратдилар.

Ўзбекистонда рангасвир санъати ўз тараққиётининг янги босқичига кўтарилмоқда ва иқтидорли ёш рассомлар етишиб чикмоқда.

Ўзбекистонда ҳайкалтарошлик тасвирий санъатнинг мустақил тури сифатида ўзининг янги тараққиёт босқичини ўтамоқда.

Мустақиллик йилларида ўзбек ҳайкалтарошларидан Илҳом ва Камол Жабборовлар, К.Норхўрозов, Ж.Қуттимуродов, Э.Алиев, А.Рахматуллаев, Н.Банделадзе, В.Дегтяров, Л.Рябцев, Ж.Миртожиев, У.Мардиевлар самарали меҳнат қилдилар. Бу ҳайкалтарошларнинг асарлари орасида ўзининг юксак бадиийлиги билан Ж.Миртожиевнинг “Абдулла Қодирий” номли иши ажралиб туради.

Улар орасида Э.Алиев, Н.Банделадзе, В.Дегтяровларнинг Тошкентдаги миллий боғ учун яратилган “Алишер Навоий” (1991) номли ёдгорлик ҳайкали, А.Рахматуллаев ва П.Подосинниковларнинг Навоий шаҳрига ўрнатилган Алишер Навоий ҳайкали(2001). Илҳом ва Камол Жабборовларнинг Тошкентнинг Амир Темур хиёбонига ўрнатилган Амир Темур ҳайкали(1993), Шаҳрисабз шаҳрида ўрнатиш учун яратган Амир Темур ҳайкаллари (1996) ўзининг юксак бадиийлиги билан диққатга сазовордир.

И.Жабборов ва К.Жабборовлар томонидан яратилган Амир Темур ҳайкали(1996), унинг 660 йиллиги муносабати билан Шаҳрисабзда ўрнатилди. Худди шу муаллифларнинг Аҳмад Ал-Фарғонийга бағишланган иши 1998 йилда Фарғона шаҳри учун бунёд этилди.

Халқ қахрамони Жалолиддин Мангуберди образи (1998) И.Жабборов ва К.Жабборовлар томонидан яратилди ва у Ургенч шаҳрини безаб турибди.

Иқтидорли ҳайкалтарош Ж.Миртожиев томонидан Андижон шаҳрида ўрнатиш учун яратилган Заҳириддин Муҳаммад Бобир, Чўлпон ҳайкалларини Тошкент шаҳри учун мўлжалланган Абдулла Қодирий, Жиззах шаҳри учун “Она” ёдгорлик-ҳайкаллари ўзининг юксак бадиийлиги билан бошқалардан ажралиб туради.

1999 йилда ўзбек халқ достони “Алпомиш”нинг минг йиллиги нишонланди. Бу санага бағишлаб А.Рахматуллаев ва бошқалар томонидан ёдгорлик мажмуаини яратдилар. Унда Алпомиш билан бир қаторда Барчиной ва Ёдгор образлари ҳам акс эттирилган ва у Термиз шаҳрида ўрнатилди.

Мустақиллик йилларида ўзбек график рассомларининг ижодида миллийлик ва замонавийлик уйғун ривожланаётганлиги яққол кўзга ташланади. Кекса ва ўрта авлод рассомлари Қ.Башаров, Т.Муҳамедов, М.Кагаров, М.Содиқовлар билан бир қаторда В.Апухтин, Ғ.Бойматов, А.Мамажонов, Б.Исмоилов, Д.Ўразаев, С.Исҳоқов, Т.Аюпов, Т.Ахмадалиев, Р.Азизов, Г.Султонова, Л.Ибрагимов кабилар самарали меҳнат қилмоқдалар. Улар томонидан китоб графикаси, плакатга доир асарлари мазмуни ва ғоявийлиги билан диққатга сазовордир. Буни В.Апухтиннинг “Коинот-инсон”, Ғ.Бойматовнинг “Ургутда тўй”, А.Мамажоновнинг “Кураш”, “Эски шаҳар”, Т.Аюповнинг “Мавзу”, Т.Ахмадалиевнинг “Сенга омад Темур”, Л.Ибрагимовнинг “Осиё океани”, “Баҳор”, М.Содиқовнинг “Бухоро”, С.Редкиннинг “Эски Самарқанд”, Н.Колоновнинг “Кулол”, Ш.Муҳаммад-

жоновнинг Махмуд Қошғарийнинг “Девону луғати турк” номли асарларида кўриш мумкин.

**Манбалардан фойдаланиш учун адабиётлар ва электрон таълим ресурслари рўйхати:**

1. Хасанов Р. Тасвирий санъат асослари – Т.: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт матбаа-ижодий уйи - 2009
2. [www.uzedu.uz](http://www.uzedu.uz) – Xalq ta’limi vazirligi
3. [www.ZiyoNet.uz](http://www.ZiyoNet.uz)
4. [www.rtm.uz](http://www.rtm.uz) – Respublika ta’lim markazi
5. [www.pedagog.uz](http://www.pedagog.uz)
6. <http://www.referat.ru>
7. <http://www.olan.uz>

**КЕЙС-СТАДИ БЎЙИЧА ПЕДАГОГИК АННОТАЦИЯ**

1. Ўқув предмети: Рангасвир ва композиция.  
Мавзу: “Танланган предметлар бўйича натюрморт ишлаш”, чизилиши керак бўлган объектлари лойиҳасини бажариш.
3. Кейснинг асосий мақсади: Талабаларнинг лойиҳалаш ва ижодкорлик кўникмаларини ривожлантириш.
4. Ўқув фаолиятидан кутиладиган натижалар: Талабалар мураккаб бўлмаган кичик хажмдаги натюрмортларни қисқа муддатда ишлаш лойиҳаларини бажариш кўникмаларини эгаллайдилар.
5. Ушбу кейсни муваффақиятли амалга ошириш учун олдиндан талабалар қуйидаги билим ва кўникмаларга эга бўлмоқлари зарур:
  - 5.1. Талаба билиши керак: қаламасвир ва рангасвир қонун қоидаларини ўзлаштирган, акварел технологияси ва мойбўёқ технологиясида натюрморт ишлаш лойиҳасини бажариш.
  - 5.2. Талаба амалга ошириши керак: Танланган предметлар бўйича натюрмортнинг қисқа муддатли рангавхасини этаплар асосида лойиҳалаш.
  - 5.3. Талаба эга бўлиши керак: Натюрмортни қоғозга жойлаштириш акварел, гуаш, мойбўёқ, пастел каби бўёқ турларидан фойдаланиш кўникмалари.
6. Манбалардан фойдаланиш учун тавсия этиладиган адабиётлар рўйхати:

**Асосий адабиётлар:**

1. Абдирасилов С., Толипов Н., Орипова Н. Рангасвир. -Т.,2006
2. Абдурахманов Ғ. Рангасвир ва композиция. -Т., 1995
3. Тожиев Б. Рангасвир асослари. -Т., 2000

**Қўшимча адабиётлар:**

4. Турдалиев А. Композиция (Маърузалар матни). Н., 2001
5. Миржафар Мирзарахимов. Проблемы композиции в живописи Узбекистана. Т.,2006

Технологик хусусиятларига кўра кейснинг тавсифномаси:

Кейс бўйича топшириқ бажарилгач талабалар “Ранглавхалар” тасвирланган натюрмортларни намоишини ўтказадилар ва уларни хомаки тавсилоти рўйхатини тайёрлайдилар.

Аннотация: Ушбу лойихада олий педагогик таълимда натюрмортда ижод этишга ўргатилади.

## 1-КЕЙС

### Кириш

Телевидение, компьютерларнинг ниҳоятда оммалашishi натижасида инсонлар бўш вақтларини кўпинча турли телекўрсатувларни томоша қилиш, компьютерда мақсадсиз вақт ўтказишга сарфламоқдалар. Бу муаммо кейинги вақтларда ўсмир ёшларга ҳам тегишли бўлиб бошлади. Ёш авлоднинг ортиқча телевизор, компьютер ва мобиль телефонларга қарам бўлиб бошлаши уларнинг жисмонан заиф, бир томонлама ривожланиши каби қатор камчиликларига сабаб бўлади.

### Муаммонинг баёни

Бугунги кунда одамлар орасида натюрмортдан иборат бўлган картинкаларни сотиб олиб, улардан ўзлари яшайдиган турар жойларини янада жозибадор кўрсатиш учун фойдаланишга бўлган қизиқиш ортмоқда. Хусусан, сизнинг фикрингизча натюрмортнинг қайси турлари инсонларнинг эътиборини ўзига жалб этади ҳамда турар жойларни безашда энг самаралиси ҳисобланади. Ўзингиз жозибадор ҳисоблаган натюрморт тури бўйича лойиҳалаштиришни ва амалий кўникмаларни яхши шаклланганлигини кўрсатиб беришни амалга оширинг.

### Муаммони ечиш учун топшириқ

Ўзингиз жозибадор ҳисоблаган натюрморт тури бўйича лойиҳалаштиришни ва амалий кўникмаларни яхши шаклланганлигини кўрсатиб беришни амалга оширинг.

Тақдимотга тайёргарлик кўришда қуйидагиларга эътибор қаратилади:

- тақдимотнинг жиҳозлари ва вақти:

Талаба томонидан тайёрланган А1 форматли листда ёки матода бажарилган турли хил натюрморт намуналарини ўзига хос жиҳатларини оғзаки баён қилиш – 10 минутгача.

- тақдимотнинг таркибий тузилмаси:

Натюрморт намуналари тасвирланган бош план фрагменти, жиҳозлар лойиҳалари.

- тақдим этилиш даражаси:

Бажарилган қисқа муддатли қаламчизгиларни кўриги ташқил этилади ва рағбатлантирилади.

-визуаль воситалар:

Талаб этилмайди.

- репетиция:

Қичқа муддатли қораламалар ва ранглавхалар ишлаш жараёнини ташқиллайдилар, кўрсатма берадилар.

- чиқишни режалаштириш:



“Олий педагогик таълимда талабаларни натюрмортнинг турли хил кўринишларини тасвирлашда ундаги йўл қўйилаётган камчиликларнинг таҳлили. Янги лойиҳа тақдироти.

Талаба учун методик кўрсатмалар

Талабаларни бўш вақтларини унумли ўтказиш вақтида очик хавода қораламалар, ранглавхалар турли хил кўринишдаги натюрморт тасвирлашда фанлараро боғлиқликни ўрганишлойиҳасини таклиф этиш.

### **Топшириқ**

Фанлараро интеграция яъни фанларнинг ўзаро боғлиқлиги тасвирий санъат таълими сифати ва самарадорлигини оширишнинг дидактик имконияти масалаларини ўрганеди. фанлараро имконияти сифатида алоқадорлик қонуниятлари таълим самарадорлигини оширишнинг муҳим омили сифатида қўлланиб келинади. Шу маънода тасвирий санъат ўқув фанининг бошқа ўқув фанлари билан алоқадорлиги бадиий таълим сифати ва самарадорлигини оширишнинг «қўшимча имконияти сифатида аҳамиятлидир. Жумладан, ўқувчиларнинг рангшунослик, ранг технологияларига оид билимларини ривожлантиришда физика ва химия фанига оид билимларнинг аҳамияти бекиёслигини ўрганиш

### **“АЖИЛ” (амалиётда жамоавий ижодий ишлар) технологияси**

Технологиянинг мақсади: талабаларда ижодий фаолият малакалари ва жамоавий ижодий ишнинг турли шакллари билишга кўмаклашиш.

Машғулоти ўтказиш тартиби:

Мавзуни тушунтириш, мавзу танлаш ва танланган эскиз бажаришга – 2 соат;

Мавзуни амалда бажариш учун – 18 соат;

Якуний хулосалар чиқариб, ишларни баҳолашга охириги соатнинг сўнгида – 20 минут вақт берилади.

1. Технологияни ўқув жараёнида фойдаланиш учун ўқитувчи машғулотининг бошида талабалар гуруҳи билан олдиндан тайёрланган мавзу бўйича суҳбатлашиб, уларга таклиф этилган мавзулардан бирини танлашга имконият беради. Масалан: «Мавзули натюрморт устида ишлаш» (“Мевалар билан натюрморт”, “Уй-рўзғор буюмларидан тузилган натюрморт”, “Юртим ноз-неъматлари”, “Касбга оид натюрморт композицияси”); «Манзара композицияси эскизини ишлаш» (“Юртимда баҳор манзараси”, “Менинг қишлоғим”, “Куз манзараси” “Мен севган шаҳар”, “Қурилишда”); «Портрет композицияси ишлаш» (“Автопортрет”, “Талаба портрети”, “Мен севган инсон”, “Расом портрети”); «Мавзули мураккаб композиция ишлаш» (“Янги уйлар қурилиши”, “Истироҳат боғида”, “Улоқ”, “Ҳамсуҳбатлар - А. Навоий ва Бехзод”)

2. Талабалар ўқитувчи томонидан таклиф этилган мавзулардан бирини танлайдилар. агар улар мавзулардан бирини танлай олмасалар, у ҳолда ўқитувчининг ўзи уларга мавзулардан бирини таклиф қилади.

3. Ўқитувчи гуруҳга топшириқ бериш учун, уларга қарата қуйидаги

фикрни ташлайди ва бу фикрни ўйлаб кўришларини таклиф этади:

“Сиз қаламтасвир ва рангтасвир машғулотларида кўплаб натюрморт композициясини натурадан қараб ишлагансиз, бунда кўпчилик яхши натижаларга эришган. Композиция дарсида сиз аввал рангтасвир, қаламтасвирда олган билимларингизни янада мустаҳкамлаб, мустақил равишда ҳаёлан композиция тузиш ва уни ҳар хил тасвирлаш воситалари ёрдамида бажаришни уддалашингиз керак бўлади. Натюрмортни натурадан ишлаш тажрибаларингизга таяниб, ўз мавзуингиз асосида аввал эскиз, кейин эса композицияни амалда бажараси. Бунда нималарга эътибор бериш, нимадан бошлаб, нимада тугатиш кераклигини яхшилаб ўйлаб кўринг.”

Ўқитувчи кириш сўзидан сўнг “Ақлий ҳужум”, услубидан фойдаланган ҳолда, машғулотнинг қатнашчилари томонидан айтилган барча эркин фикрларни, мулоҳаза ва ғояларни ватман қоғозга ёки ўқув хонаси тахтасига ёзиб боради. Биргаликдаги муҳокамадан сўнг талабалар суҳбатнинг ягона режа-лойиҳасини тасдиқлайдилар. Ушбу тузилган режа-лойиҳа кичик журнал, яъни ўзига хос оғзаки журнал саҳифаларига ўхшашлиги учун, ўқитувчи ушбу суҳбатни – “оғзаки журнал” деб номлашни таклиф қилади ва талабалардан ушбу оғзаки журналга ва унинг ҳар бир саҳифасига ном беришни сўрайди.

4. Ишнинг кейинги босқичини бошлаш учун, қатнашчилар кичик гуруҳларга бўлинади.

5. Ўқитувчи гуруҳларга бу ўзига хос журнални кўриб чиқишни, ҳар бир саҳифага ва журналга умумий ном берилиши кераклигини таклиф этади.

6. Кейин гуруҳларга битта саҳифани (қуръа ташлаш ёки ўз хоҳишлари бўйича) танлаш имконияти берилади, ҳар бир гуруҳ ўзлари танлаган саҳифанинг мазмунини очиб бериш учун тайёргарликни бошлайдилар.

7. Тайёргарлик учун аниқ вақт белгиланади. Тайёргарлик вақтида гуруҳлар ўзлари танлаган саҳифа мазмунини ёритиш усуллари, шакллари, ижросини ва қандай қилиб тақдимот қилиш йўллари аниқлайдилар, вазифаларни бажариш учун тайёргарликни бошлайдилар.

«Мавзули натюрморт устида ишлаш» мавзусидаги оғзаки журнал саҳифалари қуйидагича номланиши мумкин:

1. саҳифа. Мавзу танлаш

2. саҳифа. Танланган мавзу эскизини бажариш (қаламда)

3. саҳифа. Композицияни матога кўчириш

4. саҳифа. Рангда ишлов бериш

5. саҳифа. Умумлаштириш, якунлаш ишлари гуруҳлар томонидан бажарилган композициялар юқорида белгиланган тартибда амалга оширилади ва бунда барча гуруҳлар иштирок этади.

Талабалар ишлари намойишидан кейин, ўқитувчи талабалар билан биргаликда гуруҳлар томонидан намойиш этилган амалий ишларнинг ижобий ва салбий томонларини муҳокама қиладилар, ушбу машғулот уларни нималарга ўргатганлиги ва улар нималарни билиб олишгани билан қизиқади. Ўқитувчи керакли тавсиялар ва тушунчалар беради, сўнгра машғулотни якунлайди.

## Маъруза матни

1.1 Натуранинг ўзига қараб расм чизишда ҳам тасвирларнинг тўғри, реал бўлиши учун бу қонуниятларни яхши билиш тасвирий саводхонлик туркумига кирувчи малакаларнинг таркибий қисми ҳисобланади.

Тасвирий санъат таълимида ўқувчиларда ёруғлик манбаига кўра унинг йўналишларини тўғри белгилашга ўргатиш ҳам муҳим дидактик аҳамият касб этади. Чунки ёруғликнинг сиртларга ётиши буюмнинг шаклига мутаносиб тарзда содир бўлади.

Мактаб тасвирий санъат таълимида ўқувчиларга, асосан, конструкциясига кўра унча мураккаб бўлмаган геометрик жисмлар, буюмларни тасвирлаш ўргатилади. ёндашувнинг дидактик қулайлиги шундаки, биринчидан, уларнинг сиртлари, томонлари конкрет бўлганлиги учун уларни “қуриш”, бу жараёнда конструкция ва перспектива қонуниятларига амал қилиш тартибида осонлик (қулайлик) мавжуд бўлади. Бу қулайлик тасвирнинг макондаги ҳолатини тўғри тасвирлаш имконини тақдим этувчи соялар назариясида ҳам ўз ифодасини топади. Бу жараён ўзига хос узвийлик ва узлуксизликда мураккаблаштириб борилади.

Ўқувчиларда сояларга оид назарий билим ва амалий малакаларни шакллантириш ва ривожлантиришда, асосан, геометрик шакллардан фойдаланиш тавсия этилади.

Тасвирий санъат дарсларида нисбатан мураккаб сирт(шакл)лар сфера (айлана)симон буюмларнинг тасвирлари билан боғлиқ. Уларнинг перспективаси, унга монанд тарзда соялари ҳам ўзига хос бўлади. Шу маънода сферанинг шахсий ва тушувчи сояларини қуриш тартибларини билиш тасвирий санъат ўқитувчиси учун муҳим талаб ҳисобланади. Чунки унинг педагогик расмида тасвир объекти, буюмларнинг сояларини тўғри тасвирлаш тартибларини асосли тарзда тушунтириши таълимий аҳамиятга эга.

Шу ўринда ҳақли савол туғилиши мумкин. Келтирилган қонуниятлар, асосан, чизмачиликка оид. Чизмачилик билан тасвирий санъат синфлар кесимида бир пайтда ўқитилмайди, яъни муайян синфда ҳар икки ўқув фани параллел тарзда ўқитилмайди. Демак, ўқувчиларда перспектива, шакл, ёруғ-соя қонуниятларига» оид юқоридаги маълумотлардан фойдаланган ҳолда тасвирий фаолият олиб бориш имконияти йўқ. Бу саволга жавоб тариқасида таъкидлаш жоизки, келтирилган материаллар, биринчи навбатда, тасвирий санъат ўқитувчисига аталган, қачонки улар ўқувчиларга тасвирий санъат қонуниятларини тушунтиришда юқоридаги мисоллар орқали келтирилган қонуниятларга риоя қилинса, шубҳасиз, ўқувчиларнинг тасвирий фаолияти саводлироқ, мазмунлироқ, самаралироқ кечади. Бу жараён ўқитувчи томонидан натурали тушунтиришда, синф ёзув тахтасида, ўқувчиларнинг расм дафтарида бажариладиган педагогик расмда ҳам қўлланилса, ўқувчилар томонидан тасвирий санъатнинг асосий қонуниятларидан бири - перспективага оид қонуниятларни узвий тарзда ўзлаштириб боришлари учун қулай педагогик шароит яратади. Қолаверса, баён этилган назарияларга оид экспериментал материалларнинг амалиётда синаб кўриш жараёни

чизмачилик ва тасвирий санъат қонуниятларини узвий тарзда қўлланилиши ўқувчиларнинг график саводхонлигини сезиларли даражада оширишни таъминлашни кўрсатди. Бу эса тасвирий санъат таълими сифати ва самарадорлигини оширишнинг муҳим дидактик имкониятларидан биридир.

Тасвирий санъат таълими сифати ва самарадорлигини оширишда унинг мазмунини, ўқувчиларнинг бадиий мушоҳадасини бойитадиган манбаалардан унумли фойдаланиш тавсия этилади. Айниқса, ўқувчиларнинг тарих ва адабиёт дарсларида олган билимларидан фойдаланиш ўқувчиларнинг композицион фаолият борасидаги ҳаракатларида асқотади. Жумладан, тарихий манбалар ҳамда бадиий асар сюжетлари асосида композиция ишлашда таъсирчан мавзу сифатида танланиши мумкин.

7-8-синфларда Ўзбекистон тарихи фанини ўқитиш самарадорлигини оширишда қўшимча манбаа сифатида тасвирий санъатнинг тарихий жанрдаги асарларидан, шунингдек, миниатюра асарларидан фойдаланишнинг таълимий ва тарбиявий аҳамияти беқиёс. Бу жараёнга тесқари алоқа сифатида тасвирий санъат дарсларида тарихга оид материаллардан фойдаланувчи ўқувчиларнинг ҳар икки фанга оид билимларини мустаҳкамлашга ҳизмат қилади.

Тарихий мавзудаги тасвирий санъат асарлари ўқувчиларда тарихий тушунчаларни шакллантиришга, уларнинг назарий хулосалар ва умумлашган яқунларидаги ижтимоий ривожланишнинг объектив қонуниятларининг ўзаро алоқаларини яхшироқ тушуниб олишга ёрдам беради, шунингдек, ўқувчиларни эстетик жиҳатдан тарбиялашнинг муҳим воситаси сифатида ҳам эътиборлидир.

1.2 Тарихий мавзудаги тасвирий санъат асарлари ўқувчиларда кўриш анализатори иштирокида мушоҳада этиш ва улар ҳақида аниқ тасаввур ҳосил қилиш билан чегараланмайди, балки мураккаб тарихий ходисаларни, тушунчаларни тушуниб олишни ҳам енгиллаштиради, тарихни тўғри ва реал тушунишга ёрдам беради,

Шундай қилиб, тарихий мавзудаги тасвирий санъат асарларидан фойдаланишнинг муҳим аҳамияти қуйидагилардан иборат:

- тарихий билимларнинг асосий манбаалари бўлиб ҳизмат қилади;
- ўқув материалининг таълимий ва тарбиявий вазибаларини муваффақиятли амалга оширишга ҳизмат қилади;
- ўқитувчи баёнининг аниқ образли ва эмоционал бўлишига ёрдам беради;
- ўқувчиларнинг ўқув материални ўрганишга қизиқишини оширади ва уларнинг билиш фаолиятини кучайтиради;
- ўқувчиларнинг фикрлаш ва ижодий қобилиятини ўстиради;
- ўқувчиларнинг тарихий билимларини аниқ, чуқурроқ ва мустаҳкамроқ бўлишига ёрдам беради.

Тасвирий санъат асарларини тарих ўқитишдаги аҳамияти уч нарса билан белгиланади: биринчидан, асар сюжетининг тарих фанини ўқитишда қанчалик муҳим эканлиги билан, иккинчидан, санъаткор (ёзувчи, актёр ва

х.к.з.)нинг тарихий воқеликнинг қанчалик тўғри англай олганлиги ва образли акс эттира билганлиги билан, учинчидан, асарнинг ғояси ва уни бадий тарзда очиб бериш воситаларининг тегишли ёшдаги нечоғли тушунарли эканлиги билан белгиланади. Бу йўналишдаги билимлар ўқувчиларда тарихий жанрда композиция ишлашларида шунингдек “мен севган қахрамон” мавзусида расм ишлашларида фойдали бўлади.

Кўринадики, Тарих дарсларида фойдаланиладиган тасвирий санъат асарларига ҳам асосан тарихга доир бошқа ўқув қўлланмаларига қўйиладиган талаблар қўйилади. Бу талабларни амалга оширишнинг ўзига хос хусусиятлари мавжуд. Мазкур хусусиятлар асосида тарих дарсларида фойдаланиладиган тасвирий санъат асарларининг бир қатор вазифалари белгиланади.

Юқорида келтирилган ҳамда тарих таълимига оид маълумотларнинг тасвирий санъат ўқув фани учун аҳамиятли жиҳати шундаки, бу омил икки томонлама самара беради. Биринчидан, ўқувчиларда композицион фаолият учун бадий мушоҳада доираси кенгайди. Натижада уларнинг тасвирий санъатининг тур ва жанрларида яратаётган композицияларида мазмун ва шакл уйғунлиги кузатилади. Иккинчидан, ўқувчиларда тарихий жанрдаги тасвирий санъат асарларини бадий эстетик идрок этиш савияси ортади.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Абдуллаев М.Бекзод ва Матисс.Ўзбекистон адабиёти ва санъати. Ҳафталик газета.1990. №8.
2. Абдурахмонов А. Перспектива - Т.: ТДПУ, 2006.
3. Ахмедова И. Р, Духовное пространство Бехзада в искусстве XX века / Ж. “Санъат” 2000, №2. - С.34 - 37.
4. Арапова С.В. Обучение изобразительному искусству. Интеграция художественного и логического. — СПб,: КАРО, 2004. — 176 с.: ил. — (Модернизация общего образования).
5. Артамонова Е.И. Мировые тенденции в подготовке педагогических кадров // Европа и современная Россия. Интегративная функция педагогической науки в едином образовательном пространстве. Научные труды 14 международной конференции. — Москва-Лиссабон: 2016. — С.3 - 11.
6. Ахмедова Н. Р. Духовное пространство Бехзада в искусстве XX века / Ж. “Санъат” 2000, №2. - С.34 - 37.
7. Ашрафи М.М. От Бехзада до Ризайи Аббаси. Развитие миниатюры начало века. — Ташкент: SMI-ASIA, МИЦАИ, 2011. —176 с.
8. Бивальцева М.В. Иллюстрируем сказки с радостью. / “Начальная школа”. №1 - 2003. С. 59 - 62.
9. Вильде Т.Н. Иллюстрирование народных сказок на уроках тематического рисования / “Начальная школа”. №1 — 2003. С. 57 -59.
10. Голубева И. Книга и образ. Формирование индивидуального художественного языка / журнал “Искусство в школе”. 2009. III 3. С. 14 - 18.
11. Ибрагимов А., Сулаймонов А. Китобат санъатида оид

терминларнинг изозди-иллюстратив лугати. — Тошкент: “Фан”, 2007.-80 б.

12. Камолиддин Бехзод. Альбом. Тузувчилар: Э.Исмоилова, З. Рахимова. — Тошкент: “Санъат” нашриёти, 2000. — 40 б.

13. Мадраимов А. Узбекистон миниатюра санъатини ўрганиш муаммолари / Ж. “Санъат”. 2015,2-сон. — 25 — 27-б.

14. Макарова М. Перспектива. - М.: Просвещение, 1989.

## VII. ГЛОССАРИЙ

Термин	Ўзбек тилидаги шарҳи	Инглиз тилидаги шарҳи
<b>Алгоритм</b>	Модул таълими таркибий бўлақларининг ўзаро жойлашиши ҳамда технологик жараёни амалга ошириш кетма-кетлигининг аввалдан белгиланган тартиб-қоидалари	Rules initially established to realize an interposition of parts of module education and sequence of technological process
<b>Аралаш модел</b>	Масофавий таълимнинг турли шакллари, бир неча шаклларнинг интеграциясига асосланган модел	Model based on various forms distance learning and integration of some forms
<b>Аралаш ўқитиш</b>	Онлайн ўқув материаллари ҳамда ўқитувчи раҳбарлигида гуруҳда таълим олишга асосланган ўқитиш шакли	A form of teaching based on a group learning under the supervision of a teacher using online study materials
<b>“Ассесмент” технологияси</b>	Талабаларнинг билим, кўникма ва малакалари даражасини ҳар томонлама, холис баҳолаш имкониятини таъминловчи топшириқлар тўплами	A set of assignments intended for comprehensive assessment of skill and competence level of students
<b>Ахборотли лойиҳалар</b>	Ўқув жараёнини ташкил этиш ёки бошқа таълимий характерга эга буюртмаларни бажариш мақсадида назарий ахборотларни йиғишга йўналтирилган лойиҳалар	Projects intended for collecting theoretical information aiming at realization of scientific projects or organization of educational process
<b>Валидация</b>	Таълим маҳсулоти, таълим хизматлари ёки таълим тизими истеъмолчилари эҳтиёжларининг қондирилиши	Satisfaction of interests of customers in educational and service system

<b>Вебинар технология</b>	Web технологиялар асоси (онлайн тадбирлар ва таълим воситалари ёрдами)да ташкил этиладиган семинар, конференция, баҳс-мунозара, учрашув, тақдимот, тренинг, турли воқеа ёк ҳодисалар бўйича Интернет тармоғи орқали ташкил этиладиган тўғридан тўғри узатиладиган лавҳа (трансляция)лар	Broadcasting organized via Internet transmitting live seminars, conferences, debates, presentations, negotiations, meetings, trainings, various events with the help of Web technologies
<b>Дарс ишланмаси</b>	Таълимий мазмунга эга лойиҳа ва ўқитувчи томонидан тузилиши мажбурий бўлган ҳужжат	An obligatory document completed by a teacher and a project that has educational essence
<b>Дастурий таълим</b>	1) ўқитишнинг талаба, талабалар эҳтиёжи, қизиқиши, билими, дунёқараши, улар томонидан ўқув материалларини ўзлаштиришда дуч келиш эҳтимоли бўлган муаммолар, ўқув фанининг имкониятларини инобатга олган ҳолда ташкил этиладиган таълим; 2) педагогик технологияларидан бири	1) education organized considering interests and needs, outlook of students, problems that appear in assimilation of study materials by students, and opportunities of the academic subject; 2) one of the pedagogical technologies
<b>Драматик ўйинлар</b>	Психологик ҳамда ижтимоий масалаларни ҳал қилишга йўналтирилган ўйинлар	Games intended for solving psychologic and social issues
<b>Дидактик ўйинлар</b>	Ўрганилаётган объект, ходиса, жараёнларни моделлаштириш асосида талабаларнинг билишга бўлган қизиқишлари, фаолликларини оширадиган ўқув	A type of a study activity that increases activeness, interest of students in getting knowledge based on the modeling of processes, events, objects that are being studied



	фаолияти тури	
<b>Ижодий лойиҳалар</b>	Индивидуал ёки ҳамкорлик асосида ижодий характерга эга янги таълим маҳсулотлари (ижодий ҳисобот, кўргазма, дизайн, видеофильм, нашр ишлари – китоб, альманах, буклет, альбом, босма ва электрон журнал, компьютер дастурлари кабилар)ни яратишга йўналтирилган лойиҳалар	The projects intended to create new educational products (activity report, exhibition, design, videofilm, publishing works: books, literary miscellany, pamphlets, albums, printed and electronic journals, computer programmes) that have creative characteristics based on cooperation and individual activity
<b>Имитацион ўйинлар</b>	Ишлаб чиқариш корхоналари, иш ўринлари, фирмалар, ташкилотларда ходимлар томонидан амалга ошириладиган фаолиятни имитациялаш (тақлид қилиш, кўчириш) асосида талабаларни муайян амалий ёки касбий фаолиятга самарали тайёрлашга йўналтирадиган ўйинлар	Activities aimed at effectively preparing students for certain activities based on imitation of activity carried out by employees of organizations, companies, factories
<b>Инвигилатор</b>	Масофавий таълим асосида ташкил этиладиган ўқитиш натижаларини назорат қилувчи мутахассис-педагог	A specialist-pedagog who controls the results of teaching in the frames of distance learning
<b>Индивидуал таълим</b>	Таълим жараёнида ўқитувчининг фақатгина бир нафар талаба билан ёки талабанинг таълим воситалари (адабиётлар, компьютер, телевидение, радио ва б. ахборот технологиялар) билан ўзаро ҳамкорлиги асосида ўқув материалларининг	Education aimed at developing of mastering skills of a student in cooperation with a single student or educational means (literature, computer, television, radio, etc.) during educational process

	Ўзлаштирилишини таъминлашга йўналтирилган таълим	
<b>Инновацион таълим</b>	Талабада янги ғоя, меъёр, қоидаларни яратиш, ўзга шахслар томонидан яратилган илғор ғоялар, меъёр, қоидаларни табиий қабул қилишга оид сифатлар, малакаларни шакллантириш имкониятини яратадиган таълим	Education that allows to develop skills and qualities of a student
<b>Инновацион фаолият</b>	Янги ижтимоий талабларнинг анъанавий меъёрларга мос келмаслиги ёки янги шаклланаётган ғояларнинг мавжуд ғояларни инкор этиши натижасида вужудга келадиган мажмуали муаммоларни ечишга қаратилган фаолият	An activity carried out for solving a set of problems that occur as a result of rejecting new developing ideas or inappropriateness of new social requirements to traditional standards
<b>Инновация</b>	Муайян тизимнинг ички тузилишини ўзгартиришга қаратилган фаолият	An activity aimed at changing the internal structure of a certain system
<b>Интерфаол таълим</b>	Талабаларнинг билим, кўникма, малака ва муайян ахлоқий сифатларни ўзлаштириш йўлидаги ўзаро ҳаракатини ташкил этишга асосланувчи таълим	The education based on organization of interaction in mastering by students certain moral qualities, skills and knowledge
<b>Ишбилармонлик ўйинлари</b>	Маълум фаолият, жараён ёки муносабатлар мазмунини ёритиш, уларни самарали, тўғри, оқилона уюштиришга доир кўникма, малака ва сифатларни ўзлаштириш	Activities organized in order to master skills in running a certain activity, process or relationships and their effective and proper organization

	мақсадида ташкил этиладиган ўйинлар	
<b>“Кейс-стади” технологияси</b>	Муаммоли вазият; талабаларда аниқ, реал ёки сунъий яратилган муаммоли вазиятни таҳлил қилиш орқали энг мақбул вариантларини топиш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қиладиган технология	A technology that forms skills in earching for proper variants by analizing created or authentic dilemma (problematic situation) or problems
<b>Компьютер таълими</b>	Талабаларнинг ўқиш, мустақил таълим ва ўз-ўзини назорат қилишни ўз ичига оладиган билиш фаолиятини бошқаришда педагогнинг ахборотларни тўплаш ва узатишдан иборат фаолиятининг модели сифатида компьютер техникаси, телекоммуникация воситалари ҳамда дастурий-методик таъминот асосида ташкил этиладиган таълим	The education organized based on the computer technologies, telecommunication means and programme and methodological provision as an activity model of a pedagog that comprises collecting and transferring information in controlling the activity of an independent education and self-control of students
<b>Компьютер таълими технологиялар</b>	Талабаларнинг ўқиш, мустақил таълим ва ўз-ўзини назорат қилишни ўз ичига оладиган билиш фаолиятини бошқаришда педагогнинг ахборотларни тўплаш ва узатишдан иборат фаолиятининг модели сифатида компьютер техникаси, телекоммуникация воситалари ҳамда дастурий-методик таъминот асосида ташкил	A set of forms, means and methods of education organized based on the computer technologies, telecommunication means and programme and methodological provision as an activity model of a pedagog that comprises collecting and transferring information in controlling the activity of an independent education and self-control of students

	этиладиган таълимнинг шакл, метод ва воситалари мажмуи	
<b>Консорциум</b>	Масофавий таълимни ташкил этувчи икки университетдан иборат бирлашма	A union of two universities that organize a distance learning
<b>Лойиҳалаш</b>	Бошланғич маълумотлар, аниқ белгиланган вақт, махсус танланган шакл, метод ва воситаларга таяниб, кутиладиган натижани тахмин қилиш, башоратлаш, режалаштириш орқали аввалдан фаолият моделини тузиш, фаолият ёки жараён мазмунини ишлаб чиқишга қаратилган амалий ҳаракат	An action aimed at developing the essence of an activity or process, activity model by assuming, predicting, planning an expected result based on the initial information, specifically chosen form, method and means
<b>Лойиҳа</b>	Аниқ режа, мақсад асосида унинг натижаланишини кафолатлаган ҳолда педагогик фаолият мазмунини ишлаб чиқишга қаратилган ҳаракат маҳсули	A result of an action aimed at developing the essence of pedagogical activity based on a certain plan, aim and by guaranteeing its effectiveness
<b>Лойиҳа методи</b>	Ўқув жараёнини индивидуаллаштириш, талабанинг ўзини мустақил намоён қилишини режалаштириш, ўз фаолиятини оқилона ташкиллаштириш ва назорат қилиш имкониятини берадиган таълим методлари мажмуи	A set of educational methods that allow individualization of educational process, independent planning of students' performance, control and proper organization of an activity
<b>Лойиҳа таълими</b>	Таълимий характердаги аниқ режа, мақсад асосида унинг	Education aimed at developing the essence of pedagogical activity by

	<p>натижаланишини кафолатлаган ҳолда педагогик фаолият мазмунини ишлаб чиқишга йўналтирилган таълим</p>	<p>guaranteeing the effectiveness of a plan and aim that have educational characteristics</p>
<b>Масофавий таълим</b>	<p>Муайян нуқтадан ахборот-коммуникация воситалари (видео, аудио, компьютер, мультимедиа, радио, телевидение ва б.) ёрдамида таълим хизматларини кўрсатиш, таълимий маҳсулотларни тарқатиш ва етказиб беришдаи анъанавий ҳамда инновацион шакл, метод, воситаларга асосланган ҳолда таълим ресурсларидан фойдаланишга йўналтирилган таълим</p>	<p>Education aimed at using study resources based on innovational form, method and means in organizing study services, expanding and delivering study products with the help of certain information communication means (video, audio, computer, multimedia, radio, television, etc.)</p>
<b>Масофавий таълим технологиялари</b>	<p>Таълимнинг белгиланган мазмун асосида амалга оширилишини таъминлашга йўналтирилган шакл, метод ва воситалар мажмуасидир</p>	<p>A set of forms, methods and means used for increasing effectiveness of education and educational process</p>
<b>Маҳорат дарслари</b>	<p>Очиқ ташкил этилиб, илғор педагогик тажрибаларни тарғиб этишга йўналтирилган самарали ўқитиш шакли</p>	<p>An effective form of teaching organized to spread progressive pedagogical experiences</p>
<b>Модератор</b>	<p>Масофавий таълим негизида ташкил этилаётган семинар, тренинг, давра суҳбати ва форумларга бошчилик қилувчи (бошқарувчи) педагог</p>	<p>A pedagog leading seminars, trainings, debates and forums organized in the frames of distance learning</p>
<b>Моделлаштириш</b>	<p>Ҳодиса, жараён ёки тизимнинг умумий моҳиятини тўла ёритувчи</p>	<p>Developing a model that discloses principal essence of an event,</p>

	моделни яратиш	process and system
<b>Модел</b>	Реал, ҳақиқатда мавжуд бўлган объектнинг соддалаштирилган, кичрайтирилган (катталаштирилган) ёки унга ўхшаган нусхаси	A simplified or lessened copy of a real and authentic object
<b>Модернизация</b>	Объектнинг янги талаблар ва меъёрлар, техник кўрсатмалар, сифат кўрсаткичларига мос равишда янгиланиши	Renewal of the object according to the new requirements, quality indicators and technical regulations
<b>Модул</b>	1) тизим ичидаги ўзаро чамбарчас боғлиқ элементлардан иборат тугун; 2) муайян технологияни ташкил қилувчи таркибий бўлақларни ифодаловчи атама; 3) ўқув материалнинг мантиқан тугалланган бирлиги	1) units that consists of interrelated elements in the system; 2) notion meaning parts that create a certain technology; 3) logically completed units of study materials
<b>Модул таълими</b>	Ўқув жараёнини ташкил этишнинг муайян шакли бўлиб, унга кўра ўқув материали мантиқий тугалланган бирликлари – модулларга асосланган ҳолда маълум босқич ва қадамлар асосида ўзлаштирилади	A certain form of organization of educational process, according to which the logically completed units of study materials are mastered based on the certain stages and steps
<b>Муаммоли вазият</b>	Талабаларнинг маълум топшириқларни бажариш (масалани ечиш, саволга жавоб топиш) жараёнида юзага келган зиддиятни англаши билан боғлиқ руҳий ҳолати бўлиб, у ҳал этилаётган масала билан боғлиқ янги билимларни излашни	It is a psychological state of a student that is related with tension that occurs during a process of accomplishing the assignments, and it requires to master skills, knowledge for successful and effective accomplishment

	тақозо этади	
<b>Муаммоли маъруза</b>	Ўқитувчи томонидан талабани муаммоли вазият, муаммоли масалани ҳал этишга йўналтириш орқали унда билиш фаоллиятини оширишга йўналтирилган маъруза	A lecture aimed at increasing students' study activity in solving an issue or dilemma
<b>Муаммоли таълим</b>	Талабаларда ижодий изланиш, кичик тадқиқотларни амалга ошириш, муайян фаразларни илгари суриш, натижаларни асослаш, маълум хулосаларга келиш каби кўникма ва малакаларни шакллантиришга йўналтирилган таълим	Education aimed at developing students' competence and skills in carrying out creative researches, promoting certain theories, reasoning the results, coming to some conclusions
<b>Муаммоли таълим технологиялари</b>	талабаларда ижодий изланиш, кичик тадқиқотларни амалга ошириш, муайян фаразларни илгари суриш, натижаларни асослаш, маълум хулосаларга келиш каби кўникма ва малакаларни шакллантиришга хизмат қиладиган таълим технологиялари	The technologies that develop students' competence and skills in carrying out creative researches, promoting certain theories, reasoning the results, coming to some conclusions
<b>Муаммо</b>	Ҳал қилиниши муҳим назарий ва амалий аҳамиятга эга бўлган масала	an issue that has practical and theoretical significance and needs to be dealt with or solved
<b>Мустақил таълим</b>	ОТМ талабаларида педагог раҳбарлиги ва назорати остида ўқув ҳамда мутахассислик фанлари бўйича маъруза, семинар ва амалий	education aimed at preparing the students of higher educational institutions for independent organization of professional activity,

	<p>машғулотларида эгалланган БКМни мустаҳкамлаш, бойитиш, улар томонидан янги БКМни мустақил ўзлаштирилишини таъминлаш, уларни касбий фаолиятни мустақил ташкил эта олишга тайёрлашга йўналтирилган таълим</p>	<p>self-mastering and improving skills and competence obtained in lectures, seminars and practical lessons on specialized study subjects under the supervision and control of pedagogs</p>
<b>Новация</b>	<p>Тизимдаги айрим элементларнигина ўзгартиришга хизмат қилувчи фаолият</p>	<p>An activity that serves to change certain elements in the system</p>
<b>Педагогик муаммо</b>	<p>Ҳал қилиниши зарур, бироқ, ҳали ечиш усули номаълум бўлган педагогик характердаги масала</p>	<p>A pedagogical issue that must be solved but has uncertain ways of solution</p>
<b>“Портфолио”</b>	<p>Автобиографик характерга эга ҳужжатлар тўплами</p>	<p>A set of autobiographical documents</p>
<b>Репетиторлик таълими</b>	<p>Индивидуал таълимнинг энг оммалашган замонавий тури</p>	<p>A modern type of popular individual learning</p>
<b>Ривожланиш</b>	<p>Шахснинг физиологик ҳамда интеллектуал ўсишида намоён бўладиган миқдор ва сифат ўзгаришлар моҳиятини ифода этувчи мураккаб жараён</p>	<p>A complicated process of qualitative and quantitative changes in individual’s physiological and intellectual development</p>
<b>Ривожлантирувчи таълим</b>	<p>Талабаларнинг ички имкониятлари ривожлантириш ва уларни тўла рўёбга чиқаришга йўналтирилган таълим</p>	<p>Education aimed at revealing and developing students’ inner capacities</p>
<b>Ролли ўйинлар</b>	<p>Маълум бир шахснинг вазифа ва</p>	<p>Activities that allow to explore the</p>



	мажбуриятларини бажаришдаги рухий ҳолати, хатти-ҳаракатлар моҳиятини очиб беришга йўналтирилган ўйинлар	psychological state and actions of an individual when accomplishing the assignments and obligations
<b>Сюжетли ўйинлар</b>	Педагогик воқелик, ҳодисалар баёнининг муайян изчиллиги ва унда иштирок этаётган шахслар фаолиятининг ўзаро боғлиқлигига асосланган ўйинлар	Activities that are organized based on the interrelation of activities of individuals who participate in pedagogical situations
<b>Тадқиқот лойиҳалари</b>	Илмий изланиш характериға эға лойиҳалар	Projects that have scientific study characteristics
<b>Таълим жараёнини лойиҳалаштириш</b>	Ўқитувчи томонидан талабанинг муаммони излаш, уни ҳал этиш бўйича фаолиятни режалаштириш ва ташкиллаштиришдан то оммавий баҳолашгача бўлган мустақил ҳаракат қилишини таъминловчи махсус ташкил этилган мақсадли ўқув фаолияти	A targeted educational activity organized in order to develop students' skills in carrying out independent actions to plan and organize activities and its assessment
<b>Таълим инновациялари</b>	Таълим соҳаси ёки ўқув жараёнида мавжуд муаммони янгича ёндашув асосида ечиш мақсадида қўлланилиб, аввалгидан анча самарали натижани кафолатлай оладиган шакл, метод ва технологиялар	Forms, methods and technologies that are used for innovative solutions to existing problems in learning process or educational sphere and that guarantee effective results
<b>Таянч конспект</b>	Назарий ўқув материали (ахбороти)ни графикли тасвир (қиска хулоса, тушунтирувчи сурат, шартли рамз, схема, жавал, график чизма ва б.)да ифодаловчи конспект	A conspect about theoretical learning materials (information) depicted with graphic pictures (brief conclusion, explaining pictures, signs, schems, charts)
<b>Таълим тизимини</b>	Жамиятнинг	Improving or

<b>модернизациялаш</b>	ижтимоий, иқтисодий ва маданий эҳтиёжларини, жамият ва давлатнинг малакали кадрларга, шахснинг эса сифатли таълим олиш бўлган талабини қондириш йўлида узлуксиз таълим тизимини барқарор ривожланишини таъминлаш мақсадида мавжуд механизмнинг қайта ишлаб чиқилиши ёки такомиллаштирилиши	developing an existing mechanism in order to provide sustainable development of continuous educational system that meets students' needs and interests as well as society's social, economic and cultural and country's skilled personal needs
<b>Технологик модел (паспорт)</b>	Таълим ёки маънавий-маърифий тадбирнинг асосий кўрсаткичлари ва уларнинг технологик тавсифини ёритувчи ҳужжат	A document that reveals main indicators of education or spiritual and educational events and their technological characteristics
<b>Технологик харита</b>	Таълим жараёни бажарувчи ёки маълум объектга техник хизмат кўрсатувчи педагогларга тақдим этиладиган барча зарур маълумотлар, кўрсатмаларни ўз ичига олган ҳужжат	A document that comprises all necessary information that is represented to pedagogues that lead educational process or those who carry out technical services to a certain object
<b>Тьютор</b>	Ўқув курслари учун интерфаол методларни танловчи, маъруза ўқитувчиси билан талаба ўртасида таълимий алоқани ўрнатувчи устоз, мураббий	A teacher, coach who uses interactive methods for courses and establishes learning communication between a student and lecturer
<b>Узоқлаштирилган аудиториялар</b>	Бир олий ўқув юртида ташкил этилаётган ўқув курслари, маъруза ва семинарларнинг ундан узоқ масофада жойлашган таълим муассасаларининг ўқув	A transmission of courses, lectures and seminars to classrooms or lecture halls in remote places organized in universities (colleges) via telecommunication means in the form of synchronous

	аудиторияларига телекоммуникация воситалари орқали синхрон телекўрсатув, видеоанжуман ва радио эшиттириш кўринишида узатилиши	TV or radio programs, video forums
<b>Фасилитатор</b>	Масофавий таълим хизматидан фойдаланаётган гуруҳларнинг фаолиятини натижасини муаммонинг илмий ечимини топишга йўналтирувчи, гуруҳларда юзага келадиган мулоқотни ривожлантирувчи, шунингдек, гуруҳлар фаолиятини холис, самарали баҳоловчи педагог	A teacher who helps to search for scientific solutions to the problem of the results of activities of groups that use distance learning services, and who develops communication occurring in groups, effectively and objectively assesses activity of groups
<b>Франчайзинг</b>	Ўзаро ҳамкор университетларнинг бир- бирларига ўзлари томонидан ташкил этиладиган масофавий таълим курсларини ташкил этиш ҳуқуқининг бериши	Rights that are given by partner universities to other universities for carrying out distance learning courses
<b>Шахсга йўналтирилган таълим</b>	Талабанинг фикрлаш ва ҳаракат стратегиясини инобатга олган ҳолда унинг шахси, ўзига хос хусусиятлари, қобилиятини ривожлантиришга йўналтирилган таълим	Education aimed at developing particular characteristics and abilities and personality of a student by considering his thinking and action strategies
<b>Шахсни ривожлантириш</b>	Индивидда вақт нуқтаи назаридан жисмоний ва рухий ўзгаришларнинг содир бўлиш жараёни	A process of occurring physical and psychological changes in an individual
<b>Эдвайзер</b>	Битирув малакавий	An advisor who

	иши, курс лойиҳаларининг талабалар томонидан индивидуал, мустақил бажарилиши вақтида методик ёрдам берадиган маслаҳатчи	assists in an independent accomplishment of a thesis, course projects by students
<b>Ўйин</b>	Кишилиқ фаолиятининг муҳим тури ҳамда ижтимоий муносабатлар мазмунининг болалар томонидан имитациялаш (кўчириш, тақлид қилиш) асосида ўзлаштириш шакли	An important type of individual's activity and a form or method of mastering by imitating the relationships by children
<b>Ўйин технологиялари (ўйин таълими)</b>	Ижтимоий тажрибаларни ўзлаштиришнинг барча кўринишлари: билим, кўникма, малака ҳамда ҳиссий-баҳоловчи фаолият жараёнини ҳосил қилишга йўналтирилган шартли ўқув вазиятларини ифодаловчи шахсга йўналтирилган таълим (педагогик технология) турларидан бири	One of the types of education (pedagogical technologies) aimed at creating a process of emotional and assessment activity as well as skills and competence that are the forms of mastering various social experiences by a student
<b>Ўқув лойиҳаси</b>	1) талабларнинг муаммоларни излаш, тадқиқот қилиш ва ечиш, натижа (ечим)ни маҳсулот кўринишида расмийлаштиришга қаратилган мустақил ўқув фаолиятини ташкил этиш усули; 2) назарий билимлар асосида амалий топшириқларни ечишга қаратилган ўқув ҳаракати воситаси;	1) a method of organizing an independent learning activity carried out by students for searching, studying and solving the problems and representing a result in the form of a product; 2) means of learning activities carried out by students for accomplishing the practical assignments based on theoretical knowledge; 3) a didactic mean

	3) ривожлантириш, тарбиялаш, таълим бериш, билимларни бойитиш, мустаҳкамлаш ва малакаларни шакллантиришга йўналтирилган дидактик восита	that develops, educates, increases knowledge and develops skills, competence
<b>Ўқув топшириқлари</b>	Ўрганилаётган мавзу бўйича талабалар томонидан ўзлаштирилган билим, кўникма ва малакалар даражасини аниқлашга хизмат қиладиган таълимий вазифалар йиғиндиси	A set of learning assignments that allows to identify the level of knowledge, skills and competence of students on a certain subject
<b>Ҳамкорлик таълими</b>	Ўқув жараёнида талабаларнинг жамоада, кичик гуруҳ ва жуфтликда билимларни биргаликда ўзлаштиришлари, ўзаро ривожланишлари, “педагог-талаба(лар)” муносабатининг ҳамкорликда ташкил этилишини ифодаловчи таълим	Education based on cooperation of a teacher and student, and cooperation of students for mastering learning materials and improving in a team, small groups or in pairs in a learning process
<b>Ҳамкорлик таълими технологиялари</b>	Ўқув жараёнида талабаларнинг жамоада, кичик гуруҳ ва жуфтликда билимларни биргаликда ўзлаштиришлари, ўзаро ривожланишлари, шунингдек, “педагог-талаба(лар)” муносабатининг ҳамкорликда ташкил этилишини таъминловчи таълимий характердаги технологиялар	Educational technologies that allow to establish relationships based on cooperation of a teacher and student, and cooperation of students for mastering learning materials and improving in a team, small groups or in pairs in a learning process

## **VII. ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

### **Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари:**

1. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. - Т.:“Ўзбекистон”, 2011.
2. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қураимиз. – Т.: “Ўзбекистон”. 2017. – 488 б.
3. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз – Т.: “Ўзбекистон”. 2017. – 592 б.

### **Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар**

4. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2019.
5. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни.
6. Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуни.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-4732-сонли Фармони.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 4947-сонли Фармони.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 3 февралдаги “Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5325-сонли Фармони.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 июлдаги «Олий ва ўрта махсус таълим тизимида бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4391- сонли Қарори.
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 июлдаги «Олий ва ўрта махсус таълим соҳасида бошқарувни ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5763-сон фармони.
12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сонли фармони.
13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2019-2021 йилларда

Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги 2018 йил 21 сентябрдаги ПФ-5544-сонли Фармони.

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 майдаги “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5729-сон Фармони.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 февралдаги “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қоидаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2752-сонли қарори.

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сонли қарори.

17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 27 июлдаги ПҚ-3151-сонли қарори.

18. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Нодавлат таълим хизматлари кўрсатиш фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 15 сентябрдаги ПҚ-3276-сонли қарори.

19. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2018 йил 5 июндаги ПҚ-3775-сонли қарори.

## **I. Махсус адабиётлар**

20. Педагогика: 1000 та саволга 1000 та жавоб / Методик қўлланма. У.И.Иноятов, Н.А.Муслимов, М.Усмонбоева, Д.Иноғомова. – Тошкент: Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, 2012. – 193 бет.

21. Маҳкамов У.И., Маматқулова З.М. Малака ошириш жараёнларида ўқитувчиларнинг педагогик тафаккурини ривожлантириш. Монография.-Т.: “Фан ва технология”, 2017. - 180 б.

22. Муслимов Н.А ва бошқалар. Инновацион таълим технологиялари. Ўқув-методик қўлланма. – Т.: “Sano-standart”, 2015. – 208 б.

23. Муслимов Н.А ва бошқалар. Педагогик компетентлик ва креатив асослари. Ўқув-методик қўлланма. – Т.: “Sano-standart”, 2015. – 120 б.

24. Муслимов Н.А ва бошқалар. Web технология асосида электрон

ахборот таълим ресурсларини яратиш ва уларни амалиётга жорий этиш. Ўқув-методик қўлланма. – Т.: “Sano-standart”, 2015. – 120 б.

25. Муталипова М.Ж., Ходжаев Б.Х. Қиёсий педагогика.-Т: 2015 й.

26. Ишмухамедов Р.Ж., Юлдашев М. Таълим ва тарбияда инновацион педагогик технологиялар.– Т.: “Ниҳол” нашриёти, 2013.–279б.

27. English for academics. Cambridge University Press and British Council Russia, 2014. Book 1,2.

28. Толипова Ж.О. Педагогик квалиметрия. Ўқув қўлланма. – Т.: ТДПУ, 2015.

29. Зайцев В.С. Современные педагогические технологии: учебное пособие. – В 2-х книгах. – Книга 1. – Челябинск, ЧГПУ, 2012 – 411 с.

30. Зайцев В.С. Современные педагогические технологии: учебное пособие. – В 2-х книгах. – Книга 2. – Челябинск, ЧГПУ, 2012 – 496 с.

31. Яковлева Н.Ф. Я47 Проектная деятельность в образовательном учреждении [Электронный ресурс] учеб. пособие. – 2-е изд., стер. – М.: ФЛИНТА, 2014. - 144с.

32. Креативная педагогика. Методология, теория, практика. / под. ред. Попова В.В., Круглова Ю.Г.-3-е изд.–М.: “БИНОМ. Лаборатория знаний”, 2012.–319 с.

33. Каримова В.А., Зайнутдинова М.Б. Информационные системы.- Т.: Aloqachi, 2017.- 256 стр.

34. Информационные технологии в педагогическом образовании / Киселев Г.М., Бочкова Р.В. - 2-е изд., перераб. и доп. - М.: Дашков и К, 2018. - 304 с.

35. Natalie Denmeade. Gamification with Moodle. Packt Publishing - ebooks Account 2015. - 134 pp.

36. Paul Kim. Massive Open Online Courses: The MOOC Revolution. Routledge; 1 edition 2014. - 176 pp.

37. William Rice. Moodle E-Learning Course Development - Third Edition. Packt Publishing - ebooks Account; 3 edition 2015. - 350 pp.

38. English for academics. Cambridge University Press and British Council Russia, 2014. Book 1,2.

39. Karimova V.A., Zaynutdinova M.B., Nazirova E.Sh., Sadikova Sh.Sh. Tizimli tahlil asoslari.– Т.: “O’zbekiston faylasuflar milliy jamiyati nashriyoti”, 2014. –192 b.

40. Yusupbekov N.R., Aliev R.A., Aliev R.R., Yusupbekov A.N. Boshqarishning intellectual tizimlari va qaror qabul qilish. –Toshkent: “O’zbekiston milliy ensiklopediyasi” DIN, 2015. -572b.

41. Абдурахмонов Ф.М. Композиция асослари – Т.: “ТДПУ”, 2008.



42. Байметов Б., Толипов Н., Абдирасилов С. Тасвирий санъат. Чўлпон, - Т.: 2006.
43. Абдирасилов С., Бойметов Б., Толипов Н. Тасвирий санъат. – Т.: “Чўлпон” номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2006. – 173 б.
44. Бойметов Б., Нуртоев Ў., Тасвирий санъат технологияси ва нусха кўчириш. – Т.: “Иқтисод-молия”. 2007. 96 б.
45. Рўзиев Э.И., Аширбоев А.О., “Муҳандислик графикасини ўқитиш методикаси”. –Т.: «Фан ва технология», 2010.
46. Ш.Муродов, Р.Исматуллаев, Н.Ташимов ва Б.Сиддиқов. Топографик чизмачилик, Тошкент, «Чўлпон», 2009.
47. DUET-Development of Uzbekistan English Teachers\*- 2-том. CD ва DVD материаллари, Тошкент.: 2008.
48. Jeff Halstead. M.B.Shah, B.C.Rana Navigating the new pedagogy. Engineering Drawing., R&L Education. India by Sai Print-O-Pac Pvt.Ltd , 1. UK. 2. GB, India.
49. Garry G. Azgaldov. Applied qualimetry: its origins errors and misconceptions. Emerald Group Publishing Limited. 2011.

## **II. Интернет сайтлар**

50. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги: [www.edu.uz](http://www.edu.uz).
51. Бош илмий-методик марказ: [www.bimm.uz](http://www.bimm.uz)
52. [www. Ziyonet. Uz](http://www.Ziyonet.Uz)
53. Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуни-кация технологиялари давлат қўмитаси: [www.aci.uz](http://www.aci.uz).
54. Компютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бўйича Мувофиқлаштирувчи кенгаш: [www.ictcouncil.gov.uz](http://www.ictcouncil.gov.uz).
55. Infocom.uz электрон журнали: [www.infocom.uz](http://www.infocom.uz)